

ШОТУРСУН ҒУЛОМОВ
ЁРҚИН УҒҚЛАР
ҲОЖИҚУРБОН ҲАМИДОВ
ҚАЛБ ХОТИРАСИ



ШОТУРСУН ҒУЛОМОВ


ЕРҶИН УҒҚЛАР

Қисса


ҲОЖИҚУРБОН ҲАМИДОВ

ҚАЛБ ХОТИРАСИ

Ҳажвий ҳикоялар



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1987



К 4702570200—136 44—87
356 (04) — 87

© Издательство «Еш гвардия», 1987

ЕРҚИН УҒҚЛАР

қисса



Шундай ёзувчилар бўладики, оз умр кўради-ю, худди ба-
хор чақмоғи сингари қалбларга эзгулик уруғини сочади. Марҳум
ёзувчи ва шоир Шотурсун Ғуломов (1928—1964) ҳам чақмоқ каби
ярақлаган адибларимиздан эди. Қисқа—35 йиллик умри мобайни-
да у кўпгина очерклар, шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ёзди. Бу
асарларни ўқир экансиз, адибнинг ҳаёт ҳақидаги ўзига хос фалса-
фий фикрларидан завқланасиз. Қўриқ ва бўз ерларда жонбозлик
кўрсатиб ишлаётган тенгдошларингиз билан яқиндан танишгандек
бўласиз.

Совет ёшларининг ажойиб ҳаёти, севгиси, дўстлигини таран-
нум этувчи «Ёрқин уғқлар» қиссаси ҳам ёшларимизни яна бир
бор жўшқин ҳаёт сари етаклайди, деб умид қиламиз.



БИРИНЧИ БОБ

I.

Шаҳар томондан келган қизил автобус колхоз қишлоғига яқинлаб қолганда, ундан икки йигит тезгина тушди-да, ўзини кўча четига олди. Машина пишқирганча ўз йўлида илгарилади. Кўча яна бўм-бўш қолди. Август қуёшида қизиган асфальт яллиғи кишини беҳузур қиларди. Йигитлардан бири чамадони-

ни эриниб қўлига оларкан, аламли оҳангда шеригига зарда қилди:

— Чойхонанинг олдида тушсак бўлмасмиди?!

— У ердан бетингга чарм қоплаб ўтасанми,— деди шериги истехзо аралаш ва пахтазор орасидаги сўқмоқдан юра бошлади. Биринчи йигитнинг юраги сиқилиб, оғир уф тортди. Шериги тарвақайлаб ўсиб, сўқмоқни кўмган ғўзани ёриб бораркан, орқасига қараб олиб, таскин берувчи оҳангда:

— Ҳозир чойхонада одам кўп бўлса керак. Ундан кўра анави тутзорда салқинлаб ётиб, уйга қоронғилатиб кириб борганимиз яхши,— деди.

— Бари бир эртами-индин билишади-ку,— орқадагиси сезилар-сезилмас уф тортди.

— Эртагача бирор баҳона топармиз.

— Бултур ҳам шунақа деган эдинг. Бўлмадими, бошқалар эшитса, «ҳа, бошлапти буёғини», дейдиган иш қилишимиз керак эди.

Олдиндаги йигит бу гапни эшитгиси келмагандек чимирилди, калта энгли шойи кўйлагини ҳилпиратиб, узун, ингичка қўлларини ҳафсаласизлик билан силкиб:

— Автобусдаги одамнинг гапи кор қилибди-да,— деди.

— Кор қилмаганда, тўғриси шу-да! Ахир, бу йил бўлмаса эндиги йилга кириб олармиз, деб институтга қатнайверамизми?!

Хипча йигит бу гал қаттиқ «уф» тортди-ю, индамади. Фақат дала ўртасига боргандагина орқадаги шеригига қараб, ҳам изтироб, ҳам юпатиш тарзида деди:

— Бунақа йўл-йўлакай гапларга ўзингча хуноб бўлаверсанг, нима ҳам дердим сенга.

— Нима, тўғри гапни айтди-да, сенга ўхшаб унга бобиллаб берсам тузукмиди?

— Мен бобиллаб нима қилибман, ўзининг гапларини кўрмайсанми, сиз ҳам институтга киролмай кела-

ётганларданми, ишлаганлигингиз ҳақида қоғозингиз бўлмагандир-да, эмиш. Одамга алам қилиб келаётганда унинг нима иши бор биз билан.

— Сўраса ёмон ниятда сўрамагандир-ку. Ёмон одамга ўхшамайди.

— Ҳа, сенингча, кўзойнаги, қўлтиғидаги папкаси-ю, чамадони, олифта гаплари ҳам — ҳаммаси яхши,— хипча йигит кесатди.— Хизир бўлса ҳам ажаб эмас, бармоғини ушлаб кўрмадинг-да!

Уртоғининг нотаниш кишининг икки оғиз сўзидан бунчалик тутақиши орқада келаётган йигитнинг кулгисини қистатди.

— Сени қара-ю,— деди у,— кўр тутганини қўймас дегандек...

— Бўлди-бўлди,— унинг сўзини кесди хипча йигит.

Дала этагига чиқишганда тутзорнинг салқин шабадаси тегиб, хипча йигит устма-уст акса уриб юборди.

— Бурнингни тишла, босилади,— деди тегишиб шериги.

2.

Қалин толзор ичига биқинган чойхона жимжит. Гўё салқинда ором олиб, бир лаҳза мизғиётгандек. Катта ҳовузга энгашган узун тол новдалари ҳам, супалар оралиғида саф тортган қора садарайҳон барглари ҳам қилт этмайди. Фақат ҳар замонда тўрқовоқдаги беданалар питпилдиғи-ю, тўрдаги шийпонда шахмат ўйнаётган болаларнинг «шах-шах» деб тахтани тикиллатиб қўйишларигина жимликни бузади. Ҳовуз устидаги сўрига ёнбошлаган икки чойхўр пинакка кетган. Ҳозиргина ҳаммаёққа кўлоблаб сув сепиб чиққан чойхоначи узун сочиқни елкасига ташлаб, пиёла артиш билан овора.

Шу паллада шаҳар томондан яна ҳалиги қизил

автобус келди-ю, бир йўловчини тушириб, йўлига ошиқди. Йўловчи эгнига юққан чанг-гардни қоқди, атрофга аланглаб олгач, чойхонага ўтди. Қўлидаги чамадон ва бошқа енгил-елпи буюмларини супа четига қўйиб, гиламга чордана қуриб ўтирди. Кўк чой қақирди. Муздеккина супа, зилол сув билан лиммо-лим ҳовуз унга ором бахш этди. У оёқларини узатиб, ёнбошлаганича, тўхтовсиз чой ичарди. Ҳовуз устидаги сўрида гоҳ чой хўплашиб, гоҳ мудрашиб ўтирган икки йигит киприклари орасидан меҳмонга сузилиб тикилди. Келувчининг узун, гўштдор юзлари, ажинлар тахланган кенг пешонаси, силлиқ қилиб таралган сийрак сочлари таъбларига ўтиринқирамади шекилли, тескари ўгирилиб олдилар.

Киши эса кенг кўкракларини тўлдириб нафас олар, зумрад япроқларга, йўл четидаги оқ, қизил гулларга суқланиб тикиларди. Унинг майин нигоҳидан табиат латофати қалбини мафтун қилаётганлиги сезиларди.

У чой ҳақини ташлаб, ўрnidан қўзғалмоқчи эди ҳамки, басавлатгина, хушрўйгина бир аёл от йўртдириб қишлоқ кўчасидан чиқиб келди. Киши унга тикилиб қолди. Аёл отини йўл четидаги толга калта қилиб боғлади. Этикларига ёпишган чангни қамчини билан қоқиб, ҳовуз устидаги сўри четига омонатгина ўтирди, чойхоначи тутган яхнани симирди. Сўнгра: «Сельсовет опа келяпти»,— дея оёқларини йиғиштириб, чордана қурган ҳалиги йигитларга юзланди:

— Ишлар яхшими, Зикирвой?

Зикир негадир гўлдираб қолди:

— А, лаббай, қайси ишлар... Ҳа, тўғриладик... Раҳмат! Умидвойдан, энди бир болалик ўтди-да, опа... Ҳечқиси йўқ... тинчиди, тинчиди, опа.

Бу пасту баланд гап аёлни тетиклантирди, қалин қошларининг ораси туташди:

— Нимани гапиряпсан, шунча жиноятни-я?! Идорангдагилар...

— Ҳа, энди, идорамдагилар...— аёлнинг гапини илиб олди йигит,— қирқ грамм, эллик грамм, бир сўм, ярим сўмга менга... ёмонлик тилашармиди... Ҳаммамиз ахир бир жойнинг одамимиз... Опа... энди, менда ҳам қолмас...

Аёл йигитнинг мақсадига энди тушунди, ўзини газета билан оғир-оғир елпиб, сўрига суянди. Йигит бўлса зўр бериб «бир жойнинг одами» эканликларини, ўзида ҳам қолмаслигини айтар, шериги «гапини инобатга олинг», дегандек аёлга дам-бадам бош лиқиллатиб қўяр эди.

— Магазинни ўзинг очяпсанми?— деди аёл.

— Очяпман, очяпман, бугун одих эди... эртага кинг, яхши нарсалар келган...— эгилиб деди йигит.

Аёлнинг яна қошлари туташди, қовоқлари уюлиб, катта-катта чиройли кўзлари чақнади, қамчинли қўли беихтиёр титради.

Бу орада шаҳар томондан чиқиб келган навбатдаги автобус уч-тўрт эркак ва аёл билан бирга хушбичимгина бир қизни ҳам тушириб кетди. Аёл қизга узоқдан тикилиб туриб, йигитга:

— Одамлар ўқиб-ўрганяпти, чўлларни обод қиляпти,— деди.— Сен эсанг...— у айтмоқчи бўлган гапини тўхтатиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Энди, энди, опа, мен ҳам,— Зикир тиззаларини кафти билан ишқаб, мақсадини айтишга қийналарди.

Автобусдан тушган қизнинг кўзи аёлга тушди. Сельсовет опани кўриб туриб, индамай кетаверишни одобдан деб билмади. Аёлга узоқдан салом ишорасини билдиргач, толлар орқасидан юриб, уни қоралаб келаверди. Қиз аёлнинг олдига боргунча қўшни супада ўтирган кўзойнакли кишининг олдидан босиб ўтиши керак эди. Киши қизнинг самбитдек қадди-бастига тикилиб ўтирганди. Қиз одоб билан салом бериб ўтиб, аёлнинг ёнига борди:

— Салом, Уктамхон опа.

— Эй Нафисахон, кел-кел,— аёл қизнинг қўлини ушлаганча ёнига ўтқизди,— қалай, ўқишларинг яхшими?

Кўзойнакли киши «Уктамхон» сўзини эшитиб, аланг-жалаң қаради, кўзойнагини кўзига яқинлаштириб аёлга тикилди. Сўнг ўрнидан туриб унинг олдига борди:

— Салом, Уктамхон,— деди у киши ва кўришиш учун қўлини узатиб, бир қўли билан кўзойнагини олди.— Мени танимадингизми?

Аёл таажжуб ичида қўлини бериб, ўрнидан турди. Бирдан таниб, кўзларини катта очди:

— Макар Афанасьевич? Сизмисиз, омон-эсон бор-мисиз?

— Ўзларинг соғ-саломатмисизлар!— деди меҳмон ҳам ўзини ростлаб. У дам аёлга, дам қизга тикиларди.

— Сиддиқжон омонми? Умиджон катта бўлиб юриб-дими?

Сиддиқжон сўзи унинг оғзидан чиқиши бжланоқ аёл бир хил бўлиб кетди. Атрофдагилар бир-бирлариға қараб олишди.

— Сиддиқжон... Сиддиқжон...— деди-ю, аёл сўзининг давомини айтолмади.— Умиджон катта йигит бўлиб қолган.

Макар Афанасьевич аёлнинг овозидаги титрашни дарров сезди. «Нима деяпсиз» дегандек унга тикилди.

Аёл уни чалғитишга уриниб, уйига таклиф қилди:

— Юринг, уйга борамиз, анча бўлдими келганингизга, қаёқларда эдингиз?

Меҳмон супадан чамадон ва папкасини олар экан:

— Уктамхон, бу яхши қизни бизга таништира-дингиз ҳам!— деди.

— Товуқ фермамизда ишлайдиган Парпи отанинг қизи. Оти Нафисахон. Шаҳарда ўқишда эди, битириб келаётган экан...

— Яхши-яхши, Нафисахон,— деди меҳмон қизга яна бир тикилиб,— олтин сочли, зангори кўзли ўзбек қизи яхши, жуда яхши,— деб қўйди.

Қиз хайрлашиб, уйга жўнади. Макар Афанасьевич унинг кетидан анчагача кузатиб турди. Уктамхон опа меҳмон билан алахсиб, ҳозиргина койиб ўтиргани магазинчи йигитни унутган эди. Орқасига қайрилиб, қараб қўйди. Йигит унинг койишларини аллақачон унутгандек нариги кўчага бурилаётган Нафисани кўрсатиб, шеригига алланималар демоқда эди.

3.

Уктамхон опа ҳаёт тўлқинларида кўп қулоч отган, бу тўлқинлар уни гўзал соҳилларига ҳам элтиб, ўзининг ниҳоясиз роҳат-фароғатларидан баҳраманд этган, оғир ғурбат чоҳларига ҳам ташлаб, кўксига алам-ли айрилиқ ханжарларини қадаган. Унинг ёшлик, қизлик баҳори шу сўлим Боғибаланд қишлоғида ўтди. Ўлкада озодлик тонгги отганда у дугоналари, ўртоқлари билан бирга бошларига нимчаларини қия ташлаб, шолрўмоллари ила юзларини тўсишиб, савод мактабига чиқишди. Қишлоқда колхоз эндигина тузилган эди. Улар қулоқ қилинган бой ҳовлисидаги янги мактабда ўқишарди. Шунда ёш қизнинг қалбини муаллим йигит — Сиддиқжон ўғирлаб қўйди. Тунлар уни ширин ҳис-хаёллар қучоғида аллалаб, бедор эта бошлади. Йигит дарсдами, танаффус орасидами учрашиб қолганида ёқимли, жуда ёқимли жилмаяр-у, бошқа бир нарсаси демас эди. Кунларнинг бирида Уктамхон ўт-олов йигит, колхоз тузилишининг актив қатнашчиси Сиддиқжоннинг Мирзачўлга муҳим топшириқ билан кетганини эшитиб қолди. Мактабдан уйга ўйчан қайтиб келди-ю, айвон четига чўнқайди. Уйдагилар ҳаммаси далага чиқиб кетишган. Қиз дилида у билан гаплашиб; «соғ бориб, саломат келсин-да»,— деб ўтирди.

Гоҳ юраги ҳовлиқди, гоҳ ўзини босди. Чунки қулоқлар комсомоллар бошлиғи Сиддиқжоннинг пайиға тушишганларини эшитганди.

Хавотири ўринли бўлиб чиқди. Қишлоқдаги азайимхон эшоннинг юмушини қилиб юрадиган дугонаси ваҳимали гап топиб келди. У зўр бериб кўкрагига туфлар ва қўрқа-писа пичирларди.

— Эшон ойим кир-чирга қарашиб юбор, деб чақириб эдилар. Қирларини ювдим, ҳовлиларини супурдим, энди ташқари меҳмонхонани кўтариб бўлиб, жой солиб турган эдим. Эшонбува бошлиқ бегона одамлар кирди. Чиқиб кетолмадим. Меҳмонхонадан ичкари хужрага аранг ўзимни олдим. Қоронғида қалт-қалт титрайман, бир вақт ғалати гаплар гапиришишди:

— Бўтам, иккалангиз Мирзачўлга изма-из борасиз. У бориб, ўша худо қаргаган чўлнинг шўрини йўқотмоқчи бўлган ўрис олимга қарашар эмиш. Одам йиғармиш. Афсуски динсизни шу ерда йўқ, қила олмадик, энди бориб, қўйимизни боқаётган муридларимиз орасига ғулув солади, охирги насибамизни ҳам қоқиб олади,— дедилар. Ёнларидаги: «Мен у қизилни Мирзачўлга етказмаёқ гум қиламан»,— деди. Эшоним, ҳа, сиз Додҳонинг хизматини қила олган одамсиз, биламан, қўлингиздан келади дедилар, яна шунини сизга айтмоқчи бўлиб келдим. Ўзингизга ҳам эҳтиёт бўлинг.

Дугонаси қўрқув аралаш шошганича чиқиб кетди. Уктамхонни ваҳима босди: «Нима қилиш керак?» Отаси ҳам, акаси ҳам далада. Бетоқат бўлди. Паранжига ўралди, янги тузилган колхоз партячейкасига чиқиб, бор гапни айтишга ошиқди. Аксига олиб, ҳамма районга мажлисга кетган.

Кекса қоровулгина милтиғини кучоқлаганича болохона зинасида эснаб ўтирар, масжид томондан бошига тоғарадек салла ўраган эшон битта-битта одимлаб келар эди. У идора олдидан ўтатуриб:

— Ҳа, бўтам, ёлғиз ўтирибсиз,— деди.

— Ҳамма районга мажлисга кетди, ўзимиз қолдик,— деди ҳафтафаҳмлиқ билан қоровул.

— Олло тинчлик берсин,— энгак силаб ўтиб кетди эшон. Унинг маккорона хотиржамлик пардасига яширинган кўзларидаги алам ва ташвишни паранжига ўралганича, бир четда писиб турган Уктамхон пайқадди. У қоровул чолдан, раҳбарлар райондан кеч қайтишади, деган хабарни эшитгач, югуриб уйга кирди. Акасининг улоқчи отини эгарлади. Сочини бошига чамбарак қилиб боғлаб, устидан отасининг қундуз телпагини бостириб, тўнини, этигини кийиб, район маркази томонга жўнади. От устида тебрана-тебрана етиб борди. Қидириб райком биносини топди. Узун хона тўрида икки киши бетма-бет туриб гаплашар, улардан бири иккинчисининг қўлини қисиб, нималарнидир тайинлар, елкасига қоқиб қўяр эди...

Ўктамхон уларга дугонасидан эшитганларини нафаси оғзига тиқила-тиқила гапириб берди. Охири: «Ҳозироқ уларга хабар қилиш, одам юбориш керак»,— деди.

— Сиз бу гапни эрта билан эшитгансиз-у, буёққа чопгансиз-да?

— Шундай-шундай.

— Демак, душман ҳали чўлга етиб бормаган,— олдидаги йигитга қаради секретарь.— Уртоқ Макар Афанасьевич, демак улгураамиз.— Секретарь қаёққадир дарров телефон қилиб, буйруқлар берди. Унинг қаршисида турган 25—30 ёшлардаги йигит Уктамхонга яқин келди.

— Мен ҳам ўртоғингиз Сиддиқжон каби топшириқ билан Мирзачўлга кетяпман,— деди у, Уктамхонни Сиддиқжоннинг хотини деб ўйлаб эди,— хотиржам бўлинг, эртага эмас, бугуноқ етиб бориб, сизни унга айтаман...

Ушанда Уктамхон «ўртоғингиз» деган гапни эшитиб, қип-қизариб кетган эди. Уша кенг яғрилли йигит

шу — Макар ака эди. Ушанда бурнининг тагидаги бир энлиқкина мўйлови тилладек ялтираб турарди. Ҳозир оқарибди. Юзлари ва пешоналарини қалин ажинлар босибди, яшил ранг гимнастёркадаги алифдек қомати бир оз букилибди.

Йиллар қуш каби тез учиб ўтибди-ю, жанг, олов, олишувлар ичида ёшлиқни орқада қолдириб, қарилик муҳрини босиб қўйибди. Йиллар, ўша ғалати воқеалардан кейин кўп ўтмай қовушган бахтли турмуш эгаларининг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолган Макар Афанасьевичнинг кўксига ҳам қанчадан-қанча излар қолдирибди. У ҳам Сиддиқ ака билан олдинмакейин уйланган эди. Орадан бир йил ўтиб Уктамхон опа ўғил туғди. Умид ёшига тўлар-тўлмас Макар акалар уйда жажжи қизча Надянинг инга-ингаси эшитилди.

Уктам опа Умиджонини кўтариб, чўлга, Макар акаларнинг уйига меҳмон бўлиб бориб, ҳафталаб туриб келса, Макар акалар ёз ойларида буларникига келиб, ўн-ўн беш кунлаб ҳордиқ ёзиб қайтишарди.

Кунларнинг бирида Макар Афанасьевичнинг хотини Украинага, ота-онамининг олдига кетаманга тушиб қолди. Эрининг: «Яна бир-икки йил сабр қил, бошлаган ишимни чала қолдириб кетамизми?»— деганига ҳам қулоқ солмади. Қизчасини олди-ю, поездга миниб жўнади.

Хотинидан кейин Макар ака чўлда уч йилча ишлади. Бу орада Украинага уч-тўрт бориб, қизчасини кўриб келди. Эндиги боришида хотинини кўндириб, олиб келмоқчи бўлганида уруш бошланиб қолди. Макар Афанасьевич урушнинг дастлабки йили дому дараксиз кетганича, мана, омон экан, бугун яна эски қадрдонларини қора қилиб келибди. Лекин у Уктамхон опалар бошига тушган жудоликдан беҳабар эди. Опанинг иложи қанча! Макар Афанасьевичга ҳаммасини айтди. Уруш бошлангач Сиддиқ ака кўп қатори

қўлига қурол олиб, фронтга кетганини, уни станцияда кузатишаркан, Умиджон отасининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олганини, уч йил гоҳ фронтдан, гоҳ госпиталдан хат келиб турганини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

Макар аканинг кўзларида ёш милтиради. Оғир уф тортиб, сукутга толди. Унинг қиёфасидан қонли урушни қалбдан қарғаётганини ҳам, қадрли дўсти Сиддиқжон учун юрак-бағри эзилиб бораётганини ҳам сезиш мумкин эди.

— Охирги хати қорахатдан бир ҳафта кейин келди,— деди опа ердан кўзини узмай.— Хатнинг числоси 1945 йил 18 февраль. Қорахатники 12 февраль эканини ҳам, 19 февраль эканини ҳам билиб бўлмайди. Муҳри ўчиб кетибди. Ҳеч ажрата олмадик. Кўпчилик: қорахат янглиш, нотўғри ёзилган,— деди, бу кўнглимизга бир оз тасалли берган бўлди. Йўқ, шундан бери кутамиз...

Макар ака, бу жигар сўхталарни мубҳам бир умид, шоядки қорахат янглиш бўлиб чиқса, деган бир хаёл оғир жудолик тоғларидан кўп йиллар давомида кўтариб ўтиб келганини, шу умид ҳали ҳам қалбларида кичик шамчироқдек липиллаб ёшиб турганини пайқайди. Шу пайт ўз кечинмаларини эслади. Макар ака Украинага бориб, қизини, хотинини кўрди. Лекин уларни қишлоқда қолдириб, ўзи фронтга кетди. Ўт ва курашлар, қўрғошинлар қуюни орасида Киевдан Москвагача келди. Ундан ёвни қувиб, Берлин остонасигача борди. Бу орада неча бор яраланиб, госпиталда ётиб чиқди. Мина чап оёғининг панжасини ҳам учуриб кетди. Лекин, ҳаммавақт оиламни кўрсам, қизчам омон бўлса бас, уни бағримга боссам, фарча хордиқларим чиқиб кетади, дерди. Аммо фашистлар ўз уясида гум қилингач, қишлоғига келган отанинг ҳуши учди. Душман бомбаси тушиб, уйи теп-текис бўлибди. Қайин отаси аллақаяёқларга ҳайдаб кетилибди. Баъзилар, уйинг

гумбурлаб қулаганда хотиннингнинг ўлигини ўзимиз харобадан олиб чиққанмиз, деди. Аммо қизининг ўлик-тиригини ҳеч ким билмабди. Кейинчалик, «қизингни бир хотин кўтариб, госпиталь томонга олиб бораётган эди» деган гапни эшитди. Афанасьевичнинг қалбиди умид учқуни алангаланди. Қизчасини қидиришга тушди. Ҳар кимлардан сўради, суриштирди. Турли ташкилотларга хабар қилди. «Балки фронт орқасига жўнатилган болаларга қўшиб юборилгандир»,— дейишди. Яна қидиртирди. Йўқ, «Надя Макаровна деган қиз фронт орқасига жўнатилган»— деган жавоб ололмади. Шундай бўлса ҳам, ота умидсизликка тушмади. Қалби: «Қизинг тирик»,— дерди доим. Шундай илиқ умид уни кўп йўллардан олиб ўтди, кўп жойларда кездирди.

Ниҳоят, кунларнинг бирида у, газеталарда Мирзачўлга юриш бошланаётганлиги, у ерда янги шаҳарлар қурилаётганлигини ўқиб қолди. Бу хабар унинг қалбига «қизчангни илгари ўша чўлдан топиб эдинг, унинг киндик қони тўкилган жойларга бор», дегандек бир тўлқинни солди. Ҳа, қадрдонларини эсига туширди, ўтган яхши кунларини қўмсатди.

Дон бўйида катта бир қурилишда бажараётган ва-зифасини ташлаб, Мирзачўлга ошиқди. Чўлга келгач, уни янги шаҳар қурилишига бош инженер қилиб тайинлашди. Шундан бери Сиддиқжонлар оиласига боришни ўйлаб юрарди... Мана, ҳозир эшитса, уруш уни дўстидан жудо қилган экан.

— Чўлга келганимда худди қизчам атрофимда ўралашиб юргандек, Сиддиқжон: «Макар ака, келдингми»,— дея елкамга қўлини қўйиб тургандек қувонган эдим, афсус...

У анча вақт жим ўтирди. Ниҳоят бошини ғамгинлик билан кўтариб, Уктамхонга қаради:

— Қизим тирик юрса, ҳалиги қиздек катта бўлиб қоларди. Яхши экан, худди қизимни кўргандек бўлдим.

— Ҳа, жуда яхши қиз, шояд сизнинг Надянгиз ҳам топилиб қолса.

— Қани энди,—Макар Афанасьевич чуқур уҳ тортди. Улар хотиралар тўлқинида яна узоқ вақт тебрандилар. Яхши, ёмон кунларни эсладилар.

— Эҳ, у билан чўлда бирга ишлашган вақтларимиз!..—Макар ака бошини сарак-сарак қилди.—Дондан жўнаётганимда ҳам назаримда Сиддиқжон чўлда мени кутиб тургандек эди. Келиб, суриштирсам йўқ. Қишлоғида бошқа ишда бўлса керак, деб ўйладим... Бораман-у, олдимга солиб, чўлга бошлаб олиб келаман, девдим...

У яна ўйга толиб ўтиргач, Умидни сўради.

— Шаҳарда бўлса, бугун уни кўролмас эканманда! Узи ҳам отасига ўхшаш йигит бўлгандир?

— Балки бугун келиб қолар. Ҳа, худди дадасининг ўзи. Қилиқлари, уринчоқликлари ҳам,—деди Уктамхон.

Ҳовлида кечки салқин шабада эсди. Макар Афанасьевич кўзғалди. Уктамхоннинг: «Бугун тураворинг, Умиджон ҳам келиб қолар»,—деганига ҳам кўнмади.

— Зарур ишларим кўп, шаҳарга тушган жойимда буёққа қараб келаверган эдим. Умиджонни кўриш учун алоҳида келаман. Институтга кираётган экан, бўлмаса отасининг ўрнига уни олиб кетар эдим,—деди кўчага чиқаркан ярми ҳазил, ярми чин қилиб Макар Афанасьевич.

Уктамхон меҳмонини автобус бекатигача кузатиб қўйди.

4.

Уктамхон опа Макар Афанасьевични кузатиб қайтаётганда, боя автобусдан тушиб, тутзор салқинига биқинган икки йигит ўрнидан кўзғалмоқда эди.

— Энди чойхона томонларда ҳеч ким қолмаган-дир,— деди бири чамадонини қўлига олатуриб.

— Шундай бўлса ҳам дала йўлидан кетамиз,— хо-муза тортиб деди хипчаси. Улар пахтазорни кесиб ўтиб, катта карта бошига чиқдилар. Ариқ ёқалаб кетишаётган эди, кутилмаганда ғўзага сув тараётган икки колхозчи йигитга дуч келиб қолдилар.

— Умидвой билан Нодирвойми?— дейишди сувчилар уларни узоқдан танибоқ. Йўловчилар эса турган жойларида тўхтаб қолдилар. Бир-бирларига «қўлга тушдик-ку», дегандек қараб олгач, сувчиларга яқинлаб бордилар. Афтидан, колхозчи йигитлар уларнинг тутзорга келиб ётишганини аллақачон пайқашган экан.

— Ҳа, шоввозлар,— деди Сафар олов лақабли гирдиғумдан келган йигит.— Яна иш юришмадимми дейман, тутзорни ижарага олибсизлар?!

Умид ва Нодирнинг институтга ўқишга кириш учун кетганларидан бутун колхоз хабардор, шунинг учун сувчининг сўзи уларни эзиб ташлади.

— Биз, биз, йўқ... кирдик,— ғулдиради Нодир,— шаҳардан иссиқлаб чиқиб, салқинлаб олайлик дедик-да.

— Ҳали шунақа дегин,— деди Сафар олов таъна-сига пушаймон бўлгандек.

Умид билан Нодир Сафар оловдан узоқлашмасдан, иккинчи сувчининг гаплари қулоқларига ўқдек кирди:

— Иккаласи ҳам туппа-тузук одамларнинг бола-си-ю, қилиб юрган қилиқларини қара,— дерди у.— Институтга киролмаган экансан, бундақанги ўғри мушук-дек пусиб юрмай, кўкрагингни қўтариб келавермайсанми? Йигитчасига отилиб: «Энди бизники бўлмади, иш беринглар»,— де.

— Э, улар отаси ким бўлганини суриштириб ўтирибдими,— деди Сафар олов,— елкаси қизиб офтоб кўрибдими.

Нодир бу гапларни сиртига юқтирмади:

— Уқишга кирдик деяпман-у, тутзорда ётганимизни намунача пеш қилаверасизлар.

Умидни эса муздек тер босди. У қандай қилиб уйига яқинлаб борганини ҳам, ҳатто дўсти Нодир қайси муюлишда ўзидан ажралишганини ҳам билмай қолди.

5.

Макар Афанасьевич келиб кетди-ю, Уктамхоннинг яраси янги бўлди. Умрининг баҳори — ҳаётининг энг сўлим, тотли дамлари Умиднинг отаси билан ўтганди. У оддий уй қизини ўқитиб, жамоатчи, ташкилотчи эл қизи даражасига кўтарганди. Бу орада яхши ниятлари нишонаси — Умиди туғилганди. Унга боқиб эру хотин қанчалар қувондилар. Аммо уруш, шум уруш фароғатларидан айирди. Уктамхон Умиди билан қолди.

Мана, ҳаёт ўз танасига заҳарли илондек ёпишган уруш номли вабонинг бошини янчиб ўтиб, яна ўз йўлида олға босяпти, тобора юксакликларга талпиняпти.

Қош қорайди. Она райҳонларнинг ҳидини гуркиратиб, ҳовлига сув сепар экан, дам-бадам кўча эшикка қарар, «Умидим эртaroқ етиб келганида Макар акани кўрар эди»,— деб афсусланарди.

Шу пайт эшик ғийқиллаб очилди.

— Умиджон,— деди она юраги шошиб.

— Лаббай, ойижон! Ҳа, мен келдим.

Уктам опа кўча эшикка талпинди. Фарзандининг дуркун қадди унинг меҳр оташи ёлқинланган кўксини тўлдирди.

— Шаҳарда кечикиб қолдинг, ўғлим,— Умидни сунага бошлар экан юзи-кўзларига боқди она.

— Ҳа, ҳалиги... биз...— кўзларини олиб қочиб дудуқланди ўғил. Она унинг юрагини тимдалаётган нарсани сезди.

- Балинг етмадими?
- Атиги бир бал.
- Нодирникичи?
- Уч бал.

Онанинг нафаси ичига тушиб, бир дам жимиб қолди: «Утган йили ҳам имтиҳондан қоқилган эди. Бу йил бир балгина етмабди».

— Хафа бўлма, ҳечқиси йўқ,— деди ўрнидан илдам қўзғалиб. У нима қилиб бўлса ҳам ўғлини юпатишга уринарди.

— Умиджон, айтгандек, бугун чўлдан адангнинг дўсти келиб эди, хиёл кечга қолдинг-да!

— Адамнинг дўстлари? Ким деган?

— Макар ака дердигу. Чўлда бирга ишлашган, (Мирзачўлга яқин туришгани учун «чўл» деб аташарди). Уйимизга илгари кўп келар эди. Унда сен кичкина бола эдинг. Билмайсан. Мен сенга аданг чўлга кетаётганларида орқаларидан босмачилар тушганини айтиб эдим-ку!

— Ҳа, ҳа,— Умид қизиқиб, қулоқ солди.

— Ушанда чўлга хабар етказган мана шу Макар Афанасьевич-да!

Умид онасидан ҳам, бошқалардан ҳам икки-уч бор эшитгани — бу воқеани хотирида яхши сақларди. Онасининг жасорати билан ҳатто фахрланиб ҳам қўярди.

Макар Афанасьевич босмачи думларининг янги режаси ҳақидаги хабарни етказиб бориши биланоқ шўрни йўқотиш тажриба станцияси оёққа турган. Сиддиқжон ва Макар акалар олдиндан яхши тайёргарлик кўриб, душманни роса боплашганди...

Тун яримдан оққанда станцияга икки ёнбошдан икки кичик тўда писиб кела бошлаган, Сиддиқ ака пис-тирмага яширинган чекистлар билан уларни уй яқинига — ўртага ўтгунча қўйиб берганлар. Босмачилар уй бурчакларига шох босганлар, устидан керосин сочганлар. Сўнгра тўрттаси Сиддиқ ака билан олим тура-

диган уй эшиги олдига бориб зулпинга қўл узатган. Шу пайт чекистлар узган ўқ иккитасини қулатган. Шохга гугурт чақаётган босмачилар ўқ овозини эшитиб, гангиб қолган. Отишма кўпга чўзилмаган, босмачилар чўл зулматига шўнғишган. Чекистлар улар кетидан қувиб, тонг пайтида ҳаммасини қўлга туширишган.

«Уша Макар Афанасьевич келибди-да, эй аттанг, Нодирнинг гапига кириб, тутзорга бурилмаганимда уни кўрармидим!»— кўнглидан кечирди Умид.

Она яна тушутирди:

— Чўлга яна ишга келибди, у ерда катта шаҳар қурилаётганмиш.

Она ўғлига таскин бериш, имтиҳон беришдаги муваффақиятсизлик аламларини ота ҳақидаги яхши гаплар билан қувиш, кўнглини кўтаришга уринар, ўғил эса тобора эзилар, ҳозиргина ўқариқ бошида сувчи йигитлар отган пичинглар қулоғи тагида жарангларди. «Туппа-тузук одамларнинг болалари-я... Бунақа қилиб юргандан кўра...»

Она эса бундан беҳабар, ҳамон ўтмиш ҳақида ҳикоя қилар: Макар Афанасьевичнинг қизи билан Умид олдинма-кетин туғилганини, шўрлик ота қизим тирикмикан, деган умид билан ҳамон уни истаб юрганини гапирарди.

Отаси ҳақидаги яхши хотиралар, автобусдаги кишининг институт ҳақидаги гаплари, сувчи йигитларнинг пичинги — ҳаммаси, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

— Макар Афанасьевичга бугун қолаверинг демасиз-да,— деди хаёлини йиғиб Умид.

— Айтдим, ишим зарур деб, кўнмади. Сени кўриш учун алоҳида келмоқчи бўлди. Яккаш «катта йигит бўлиб қолгандир-а», дейди бечора.

Ўғил хиёл жилмайди.

— Бечора, адангни, ҳали ҳам чўлда ишлаб юрган

бўлса керак, деб ўйларкан, отанг билан бирга тажриба қилиб кўрган ишлари яхши натижа берганмиш. Кетаётиб, Умиджон бўлганда ўзим билан олиб кетиб, отасининг қилган ишларини кўрсатардим, деди.

Она бу гапларни, ўгли учун шунчаки гапирди-ю, лекин Умиднинг қалбида ҳаяжон уйғотиб қўйганини сезмади. Йигитнинг кўзлари онага қадалиб қолди. Анчадан кейин у чуқур сўлиш олди. Кечаси эса ўрнида алла-паллагача ухлаёлмай ётди: «Бунақа қилиб юргандан кўра чўлга кетаман, бошқа иложим қолмади, Макар Афанасьевич яхши келибди»,— дерди ўз-ўзига.

Умид эртасига барвақт ўрнидан туриб, районга тушиб кетди, уйга кечқурун қош қорайганда қайтди. У келганда Уктамхон опа ҳам эндигина ишдан келиб турган эди:

— Қаёқларга бординг, ўғлим?

— Райком комсомолга.

— Иш сўрабми?

— Йўқ, районимиздан бир талай ёшлар Мирзачўлга — шаҳар қурилишига бориб ишлаймиз, деб ариза беришган экан. Аввал куни эшитган эдим. Шунга учрашдим. Мен ҳам кетаман.

— Нима деясан?— ўғлига тикилиб туриб қолди она. Узоқ жимликдан сўнг оғир хўрсинди:— Ўйламай иш қилибсан-да, ўғлим.

— Нега энди? Макар ака, «қизим шу ерда туғилган эди», деб қаёқлардан келибди-ю, мен адамнинг ўрнига бормайманми? Ахир унинг ўрни бўш-ку.

Она бир нарса дея олмай қолди. У ўғлининг қалбидагини энди тушунган эди. Лекин қачон ва ким билан кетмоқчи эканини сўрашга юраги бетламади. Қалбининг бир чети узилгандек бўлди.

Умид билан Нодир бир синфда ўн йил бирга ўқиб, дўстлашиб кетган эдилар. Бу яқинлик уларнинг феълларидаги бошқача-бошқача товланишлар-у, бошқача-бошқача талпинишларни ҳам бир-бирларига сингдириб юборганди.

Она эртасига эрталаб қишлоқ советига — кундалик хизматига кетди. Умид уйда ёлғиз қолиб, ҳовлидаги гуллар тагини юмшатишга, помидорга сув қўйишга киришди. Ишқомларни айланиб чиқди. Шундай ивирсиш билан куннинг ярмини ўтказди. Бир вақт кўча эшик тарақа-туруқ очилиб, остонада Нодир пайдо бўлди. Унинг кайфи чоғ эди.

— Тухум босган товукдек уйда ўтираверасанми, — Нодир қадамни унда-бунда ташлаб кириб келди. — Юр, Отқумарга бориб, чўмилиб келамиз. Ҳамма болалар ўша ёққа кетишди...

— Бўпти, — деди зериккан Умид суюниб. У кетмонини қўйиб, шимининг почасига илашган тупроқларни қоқди, Нодир яна бидирлади:

— Сенга бир гап айтаман. Ҳаммаси, институт нима бўлди... Қайси факультетга кирдиларинг, деб жонимга тегишган эди, ҳа инженерлик факультетига, сиртқисига кирдик, дедим. Нега, қатнаб ўқийдиган тўғри келмадими, дея яна гапни айлантиришган эди: «Биз комсомол оталиғидаги қурилишда ишлаб, сиртдан ўқиймиз, деб отилиб чиқдик» — дедим. Ағрайиб қолишди. Боплабманми?!

Нодирнинг «боплабманми»си Умиднинг ҳам кулгисини қистатиб, ҳам пешонасини тириштирди.

— Уйлаб гапирмабсан. Токайгача ёлғонлайсан. Ахир бир кун ҳамма билади-ку. Уятинг борми ўзи!

— Сенда-чи, сенда борми уят? — дўстининг куюниб айтган таъналарини ҳазилга йўйишга уринди Нодир. Буни Умид кўнглига қаттиқ олди:

— Менда бор,— деди у бақириб,— сенга ўхшаб ҳаммага олифта гап қилиб юрмайман, қурилишга кетаман.

— Э,— деди Нодир қўл силтаб,— қуруқ гапингни қўйсангчи, ишлайман десанг колхозда ҳам иш тўлиб тибди-ку!

— Гап ишлашда эмас,— рostaкамига жаҳди чиқан Умид унга яқин келди.— Гап мана бу дўппида, ламарда.

У Нодирнинг белидаги камари билан, бошидаги дўпписига ишора қилди.

— Ҳовлиқаверма кўпам,— деди Нодир.

Умид унга Макар аканинг келганини, колхозчилар аънасидан эзилаётганини ётиғи билан гапириб: «Шундан кўра Мирзачўлга кетиб ишлаган минг марта яхши эмасми»,— деди.

— Чўлда ишлаш осон бўлади, деб ўйлайсанми.

— Ишнинг ҳаммаси ҳам осон эмас. Аввал қийинини енгмасак ўқиш ҳам, кўнгилдаги иш ҳам бизники ўлмайдиганга ўхшайди.

— Нега бунча шошилиб қолдинг? Нима бизни биров ҳозир ишла, ўша чўлга бор, деб мажбур қиляпганими?

Бу гап Умидга қаттиқ тегди. У дўстининг бу дарака шуурсиз, енгил фикр эканини билмаганига ҳайрон қолди. Ҳаётнинг энг мавж урган жойларига ўзини дришдан кўра, енгил-елпи ишларга мойил бўлган Нодирга тушунолмай қаради. Агар у ҳозирги тушунчаси билан боравериб, дўконда тарози палласини чаққон ўйнатадиган Зикирга ёки бошқа шунга ўхшаганларга қўшилиб қолса борми, чуқур чоҳларга тушиб кетиши, Умид дўстидан айрилиб қолиши мумкин. Умид бўлса дўстини қизғанар, ундан кўзини олмас эди. Нима қилиш керак? Дўстлик учун, дўстининг қисмати учун кўрашмаган, унинг янглишаётганини кўрсатиб, тўғрилиқ,

олижаноблик йўлига солмаган дўст дўст эканми? Умид бир нафас ўйлаиб, кейин деди:

— Тўғри, бизни ҳеч ким чўлга бор, деб мажбур қилаётгани йўқ. Бу ердан осонроқ иш-пиш топиш ҳам унақа қийин эмас. Ёрдам берадиганлар ҳам бор. Ана, Зикирга ўхшаганларнинг биқинига ўзингни урсанг...

Дўстининг учуриғини Нодир дарров пайқади.

— Мен сенга Зикирни гапиряпманми,— буралди у.— Лекин, бир ҳисобда унинг чаққонлигига қойил ҳам қолиш керак. Сен унинг тарозидан қилган ўғирлигинигина ушладинг, бошқа ишлари ҳам бор.

— Бўлиши мумкин,— деди Умид,— ўз нафсидан бошқани ўйламайдиган одам бундан ҳам ёмонроқ тубанлиқларга кетиши турган гап.

Умиднинг бу гап жуда вазмин ва босиқ гапириши, сўзларининг тағдорлиги Нодирга таъсир қилди ва дўстига синовчан боқди:

— Чўлга бораман, деб рostaкамига айтяпсанми?

— Ҳали ҳам ишонмаяпсанми? Гап битта.

Нодир ғалати бўлиб кетди. Унга дўстидан ажралиб қолиш алам қияптими ёки ўз енгилтакликларига афсусланияптими, Умид бунни билмасди. Нодир бўшашганча ҳовузча лабида анча турди. Чаман бўлиб очилиб ётган гулдан бирини узди. Яна ойнадек ярақлаб турган ҳовузчага тикилди. Ҳовузча тубида зангори осмон парчаси кўриниб турарди. Бу тиниқлик унга ёқмади шекилли, қўлидаги гулни ҳовузчага отиб, «ойна»ни чил-чил синдирди. Кейин битта-битта одимлаганича кўча эшик томон юрди...

Дўстининг илдамая чикиб кетиши Умидга оғир ботди. «Наҳотки билмаса, уни деб мактабда ҳам, институтга киришда ҳам озмунча уринмадим. Баҳолари пасайиб, бали камайиб кетмасин, деб ўзимдан ҳам кечган вақтларим бўлди. Бунни ўзи ҳам билади-ку, наҳотки, шуларни бир тийинга олмаса, ёлғиз кетишимга

розг. бўлса». Умид қаттиқ хафа бўлса ҳам яна дўстини тўхтатди.

— Нодир! Нега кетяпсан, ахир... Откўмарга бормаймизми!

Нодир кўчага чиқиб олиб бақирди:

— Юрмайсанми, борсанг...

Умид кўчага чиқди, Нодир эса Откўмарга эмас, магазин томонга кетар эди. У орқасига қарамасди. Умид индамай уйига қайтди.

ИККИНЧИ БОБ

1.

Сотувчи йигитнинг чаққон қўллари гоҳ оғзи ҳимариқли қоплардаги қандларга, гуручларга чўзилади, гоҳ тарози палласини тарақа-туруқ қилиб ўйнатганича сариёғларга, хурмо ёки попук қандларга югуради. Баъзиларнинг бетига қараб туриб, молнинг нархини ошириб ҳам айтаверади. Баъзилар:

— Курғур Зикирвой, зап эпчил йигит-да!— деб қўйишади.

— Отасининг боласи-да, раҳматлик Абдишукур ака ҳам шунақа оёқ-қўлли эди.

Бундай «мақтов»лар орасида кимларнингдир, аччиқ таъна, таҳқирлари ҳам эшитилади:

— Зикирвой, қайтимни кам берибсиз-ку! Қанақаси бу...

— И... и... и... и... Шунақа бўптими Янглишибмизми, қани-қани... Қанча экан? Мана, сендан кетса менга, менадан кетса сенга. Хафа бўлма, ука.

Зикир норози харидорнинг ортиқча оғиз очишига йўл қўймайди, ҳатто баъзида ҳақини талаб қилгани гуноҳқор қилишга ҳам уринади. «Пасткашлар, эллик тийин, йигирма тийинни ҳам ҳисоблаб ўтирибди-я», деб ўзича гудурлайди. Қишлоқ магазинида савдо «қизигандан қизийди...»

Зикир бундай ноҳўя ҳаракатларни гўё шундай қилишга ва шу йўл билан одамларни алдашга тўла ҳақлик, ҳатто, шундай қилиши зарурдек ҳис қилади. Тарози палласини ва чўтқи қанча тез «ўйнатиб» юборса, шунча севиниб, фахрланиб қўяди. Тўғри, чаққонлик, ишбилармонлик, хушмуомалалик билан сотувчи ҳар қанча фахрланса, обрў топса ҳақи бор. Аммо Зикир сотувчидаги бу фазилат фақат ўғирлик қилиш, бойлик ортдиришга хизмат қилиши керак, деб тушунади. Бу фикр унинг миясига қачон қуйилган ва бу иллат ниманинг таъсирида туғилган?

Зикир пулдор оиланинг яккаю ягона эркатойи эди. Айтгани айтган, дегани деган бўлиб ўсди. Ота арзанда ўғлини хурсанд қилиш учун унинг оғзидан чиққанини муҳайё қиларди. Онаси райини қайтарган кезларда ота: ўғлимни нега хафа қиласан, дея суйилтирар, юпатиш учун қўлига пул тутқазар эди.

Аммо эрка ўғилнинг бўйи чўзилиб, мактабнинг тўртинчими, бешинчими синфида ўқиётганда, бир йўла ҳам ота, ҳам онасидан айрилди: она ичкиликка берилиб қолган эрини кўчада учиб қолган жойида топиб, уйига олиб келаётганда иккови поезд тагида қолишди.

Шундай қилиб бола кўксотувчи, мумсик амманинг қўлида қолди. Фиринг деса бошига муштлаб, ҳар кун саҳарда кўк кўтартириб бозорга югуртирди. Бола қараса, аҳвол танг. Эркалик қилиш уёқда турсин, ортиқча оғиз очса калтак ейди. Пулга ўрганган, истаганини қилиб, еб-ичиб келган эмасми. Ота-онаси бор вақтдаги ҳаётини кўмсайди. Аммасининг пулига, бекитган нарсаларига қўл чўза бошлайди. Бу орада амма унга қурт, писта бериб, мактабда ўқувчи ўртоқларига сотишни буюради. Аммо бу «бозор» мактабда юришмайди, табиий, «нонтпар» жой керак. Бола мажбур бўлиб, писта ва қурт «бозори»ни мактабдан йироқ, болалар кўрмайдиган жойга кўчиради. Дастмоя кўпай-

ган сари Зикирнинг иштонбоғи орасига жойланадиган тапгалар ҳам қоғоз пулга айланади.

Кунлар шу тахлитда ўтаверади. Зикир аммасидан яширган пулларини кўпайтираверади. Амма насиҳат қилиб қўяди:

— Одамга одам дўст бўлмайди,— дейди у,— пул дўст бўлади, одам бўламан десанг, сен зумраша, олдин одамларнинг оғзидагини олишни, пул топишни ўргангин.

Аммасининг қўлида бўлган дастлабки йилларида бола тарашадек қотиб кетган эди. Кейинчалик шу муҳитни, қаллоблик билан пул топишни ўзиники қилиб олиб, эт ҳам қўйди. 7-синфни битирганидан кейин ўқишни ташлаб, 2-3 йил муттасил олиб-сотарлик қилди. Олди-сотдининг мазаси қочгач, аммаси «синашта» магазинчининг биқинига қистириб қўйди. Шундан кейин бир йилча ўтмаёқ, амма шўрликнинг куни битган экан, у ҳам ўлди. Аввало эрка бўлиб ўсиб ва кейин қингир йўлга ташланган Зикирнинг ҳаётга қарашини қандай бўлиши табиий. У, нима бўлса ҳам пул топиш керак, деб ўйлар эди. Шу мақсад уни ўрни келганда хушомадгўйликка, пайти келганда «қистирмачилик»ка ҳам ўргатди, шу сабабли у, ҳали ёш бўлса ҳам, қишлоқнинг «сердаромад» дўконига мудир бўлиб олишга муваффақ бўлди.

Аммо яқинда шу қишлоқнинг ёшларидан бири кутилмаганда уни чалиб юборди, молни кам тортиб, қайтимдан уриб турганда қўлга туширди. Олинган молнинг биридан 50, биридан 40, биридан 65 грамм кам келгани, қайтимни кам бергани ҳақида акт қилишди. Зикир актга чанг солиб йиртиб ташламоқчи бўлди. Лекин қўлига қоқиб юбордилар.

Зикирнинг иши пачавасига айланаёзган эди. Лекин ўртага кишилар тушди. «Ўсиб келаётган новда, жувонмарг бўлмасин»— деган ялпизлашлар билан актни йўқ қилишди. Бу орада асосий даъвогарнинг инсти-

тутга кириш учун шаҳарга кетиб қолгани ҳам қўл келди. Мана, Зикир яна ўз ишида, аввалгидан ҳам чаққонроқ ҳаракатда.

— Эй, Нодирвой,— Зикир магазинга кириб келган Нодирга тарози тортаётган қўлларини узатди:— Яхшимила, келинг-келинг.

— Шундай, сизни бир кўриб кетай, деб келдим.

— Жуда соз, қани, ўтиринг,— Зикир пештахтадан ошириб табуретка узатди. Нодир уни эътирозсиз олиб, бир чеккага қўйди-да, ўтирди.

Иккиси бир-бирининг ҳол-аҳволини сўрашган бўлишди. Жуда ийишиб кетиб, уй ичидагиларнинг, ҳатто қариндошларининг номини ҳам тилга олишди. Гап навбати институтга келиб, Зикир сўз очмоқчи бўлиб турганда магазинга Умид кириб келди. Зикир уни кўриб кўрмаганга олди, яримлаб қолган қопларнинг қаддини ростлаётган, оёғи тагидаги яшиқларни четга суриб қўяётган бўлиб атайин алахсиди. Умид бир он индамай жим туриб қолди. Нодир эса бу тасодифдан ўнғайсиз ҳолга тушган эди.

Анчадан кейин Зикир гўё энди кўзи тушган кишидек Умидга ўгирилди:

— Келинг-келинг, Умиджон, ишлар қалай? Уйнаб-кулиб юрибсизми!?

Умид Нодирга, бу ерда нима қилиб ўтирибсан, дегандек қараб олгач, Зикирга деди:

— Чакки эмас, раҳмат.

У уйга уи, ёғ, қанд олмоқ учун келганини айтди.

Зикир, «жуда соз» деди-ю, кўнглида: «Олдимга келар экансан-ку, шунчаликка ҳаммаёқни тўполон қилиб юрибсан»,— деган гинани такрорлади. Умиднинг айтган нарсаларини оғир-оғир қилиб тортиб бера бошлади. Умид бу «сахийлик»ни тушунди. Зикир тортилган нарсаларни идишларга ағдарар экан, Умид тўхтатди:

— Нима қилганингиз бу! Керак эмас, тўғри тор-

тинг!— Умид молларни қайтадан тарозига қўйдирди. Зикир титраб кетди. Аммо сир бой бермади:

— Харидорлар ҳисобига ҳам янглишар эканмизда, хах-хах-хах,— Зикир осмонга қараб кулди. Умиднинг ўзи молларни қайта тортиб, ортиғини олиб ташлагунча қараб турди.

Пул олишга келганда ҳам Зикир сипоришлади:

— Қўявер, ука, орамизда қолмас.

Лекин у Умиднинг газабини сезиб, пулга тезгина қўл чўзди.

Тар устида кўзлар бир-бирига сездирмай учқун сочарди.

2.

Умид магазиндан таъби олиниб чиқди. Эшик олдида унга мовий кўзлари очиқ баҳор осмонидек чарақлаб турган бир қиз рўбарў келди.

— Нафисахон,— деди беихтиёр Умид.

— Умид ака, яхшимисиз?— Қизнинг анордек юзларида шодлик табассуми намоён бўлди. Унинг кўзлари йигитга «ҳозир чиқаман, кетиб қолманг» дегандек жуда ёқимли тикилди. Ўзи магазинга шошиб кириб кетди. Умид йўл устида бир дақиқа туриб қолди. Собиқ синфдоши Нафиса-ку! Жуда ўзгариб, бошқача бўлиб кетибди. Кўрмаганига ҳам икки йилча бўлди шекилли. Охирги марта қизни асраб олган отаси — Парпи отаникига келганида кўрган эди. Кейин ҳам қишлоққа — отасининг олдига келиб турган, ҳатто бутун қаникулини отаси ёнида ўтказган бўлса ҳам, Умид у билан дуч келмаганди.

Улар илгари экскурсияларга кўп марта бирга чиқшган, ўлкани ўрганиш походларида тоғлар ва адрларда ёнма-ён кезишган, мактаб мичуринчилари боғида лимонлар, анорлар ўстиришганди. Ўша вақтларда ҳам Умид бу истараси иссиққина қизни ёқтирар, у би-

лан қанча бирга бўлса ҳам зерикмасди. Лекин 7-синфни битиргач, қиз қурилиш техникумига ўқишга кетиб қолиб, ўртадаги дўстлик алоқаси узилган эди. Мана энди ўша хипчагина қиз ўсиб, етилибди. Тўлишган юзида илгариги сийрак сепкиллар билинмай кетибди. Умиднинг назарида қиз тамом ўзгарган. Унинг бўйибаста, юзларигина эмас, бўйинларига ёпишиб, елкасига тушиб турадиган сариқ сочлари ҳам ўзгариб, кўнгир тусга кирибди.

Умид магазинда ҳозиргина бўлиб ўтган кўнгилсиз кулгилару, учуриқларни унутиб, кўчанинг нариги бетига ўтди. Ўзи нималигини билмай, магазин томонга қараб тураверди. Назарида қиз, ичкаридан ҳозироқ «шу ердасиз, кетиб қолмадингизми», дея чопиб чиқиб қоладигандек туюлар, унинг мовий кўзлари чақнаб, кўнглига қандайдир ёқимли ҳислар қуйиларди. Аксига олиб, қиз ичкарида кўп туриб қолди. Магазин деразасидан фақат Зикирнинг гоҳ илжайган, гоҳ қаҳқаҳ уриб кулган башараси бир-икки кўриниб қўйди. Бу орада магазинга икки-уч харидор кириб-чиқиб кетди ҳам. Қиздан эса дарак йўқ. Умиднинг назарида у магазиннинг қаеригадири сингиб кетгандек эди.

Ниҳоят қиз магазиндан чиқди. Унинг кўзлари «у кетиб қолмадимикини» дегандек атрофга алангларди: Газетага чала ўралган консерва ва яна қандайдир шишаларни кўтариб олганди. Қизнинг назари кўча четиди, тол салқинида турган йигитга тушди, юзлари ёришди. Чехрасида кутдириб қўйгани учун узр сўрашга мойилдек истеҳола бор эди.

— Шу ердасиз, Умид ака, одамни бирам гапга солишдики, сўраганимни олиб берақолмайди ҳам.

Умид Зикирнинг атайин шундай қилганини пайқайди. Қизни ўнғайсиз ҳолдан чиқариш учун гапни бошқа ёққа бурди.

— Уқишларингиз яхшими?!

— Раҳмат, ёмон эмас, ўзингиз...

Улар чойхона олдидан ўтиб, азим тераклар соя ташлаган кўча бўйлаб кетар эканлар, Умид яна сўради:

— Уқишингиз тугаб қолгандир?

— Ҳа, тугаб қолди, охириг практикани тамомлаб келдим.

— Нима иш қилдингиз?

— Чўлда совхоз шаҳарчаси қурилишида бўлдик. Бирам чиройли, бирам яхши иморатлар қуриляптики.

Нафисанинг ифтихор ва қувонч тўлқини билан жангланган овози йигитнинг қалбига ҳаяжон солди. Қизнинг офтобда тобланган қип-қизил юзларига, кўйлакка тикилиб турган миқти гавдасига яширинган латофат ва жозиба сирига энди тушунгандек бўлди. Юрагига алланима ғулув солиб ўтди. Қизга ҳавасланиб тикилди. Қиз эса унга сари йигитни қизиқтирмоқчи бўлгандек, чўл янгиликларини берилиб мақтарди:

— Бир томонни қарасангиз, бульдозерлар гумбураб, янги ерни суряпти, бир томонни қарасангиз, қатор-қатор янги иморатлар қуриляпти, ҳар куни янги одамлар келиб туради. У ерда ҳамма нарса янги.

Умид Нафисанинг ҳикоясини берилиб тинглар, ўрни келганда: «Қанал ҳам очилляптими? Қуриляётган иморатлари тўрт қаватлими?»— деб сўраб қўярди.

Аксига олиб, бугун уларнинг гаплари эндигина бир-бирига қовушиб келаётганда, йўллари ажралишга тўғри келиб қолди. Умид янги участкалар орасига — ўз уйига, Нафиса дала йўлига — колхоз парранда фермаси жойлашган сойликка томон бурилиши керак эди.

— Клубга ҳам кам чиқар экансиз, Умид ака, кеч-қурунлари чиқинг,— деди қиз ўз йўлига бурила туриб.

Умид:

— Чиқаман, албатта чиқаман,— деди-ю, алланечук бўлиб кетди.

Қизнинг таклифи билан турмушда биринчи марта

қалбида аллақандай бир ўт яллиғини сезди. Бу сезги таъсирида қизни кузатиб қўйишни ҳам унутди.

3.

Нафиса магазинга кириши билан: «Келинг, келинг, Нафисахон»,— деди Зикир унга пешвоз туриб. Нафиса бу ерда турган бошқа таниш-билишлари қатори Нодир билан ҳам сўрашди. Олмоқчи бўлган нарсаларини магазинчига айтиб турган эди, кетидан кириб келган паст бўйликкина кекса:

— Парпивоининг қизимисан, катта қиз бўлиб қопсан-у, қаёқлардайдинг, болам?— деб сўраб қолди. Нафиса салом берди. Орқароқда турганлардан кимдир:

— Шаҳарда, ўқишдайди,— тушунтирди отага.

— Шунақами, оббо қизим-эй,— отанинг юзларидаги ажинлар ёйилиб сийраклашди. Қиз уялгандек бош ликиллашиб тасдиқлади. Зикир гап қўшди:

— Нафисахон қурилиш техникумида ўқийди, чўлда шаҳарча қуришибди.

— Чўлда шаҳарча?— отанинг хира кўзлари нурланиб, Нафисага қайтадан юзланди:— Паҳлавон қиз экансан-у, чўлни обод қилиш— жуда савоб иш, улуғ иш, болам. Қани энди, кўкрагига уриб, гап билан ҳамманинг оғзига қаратиб юрадиган йигитлар ҳам у ерга бориб, бир кун ишласа.

Отанинг сўзларини Нафиса мулоғимгина жилмайиб эшитарди. Ота ўз хасратига ўтиб кетди:

— Менинг кенжам ҳам бир вақтлар, чўл шери, деб ном чиқарганди. У чўлда янги уйини эндигина битказиб, яхши кўрган қизи билан тўйи бўлай, деб турганда уруш бўлиб қолди, ўғлим бир кетганича дому дараги бўлмади. У бўлганда эди, эҳ-ҳе...

Нодир Зикирнинг кўзлари қизнинг остонадан узилаётган чиройли оёқларига қадалганини пайқади.

Шу пайт магазин эшиги олдида машина тўхтади,

ундан бир киши тушиб, магазинга кирди. Зиқир уни кўриб, шошиб қолди. Савдони ҳам унутиб, келинг-келинг, Бегибой ака, деганича пештахтадан ўтди. У киши билан қўл бериб сўрашиб, тагига стул қўйди. Кейин Нодирни ҳам, ҳатто бошқа харидорларни ҳам унутиб, янги келган кишига парвона бўла кетди. Унга кабоб келтирди. Ошхонага ош буюрди.

— Оббо, Бегибой ака-ей, бизни эсингиздан чиқармабсиз-да. Яшанг, отам,— дерди Зиқир.

— Сиздек укани эсдан чиқариб бўладими, суҳбатнинг гулисиз, гули, чўлга кетяпман, янги ишга.

— Шунақами, миҳдек иш бўпди-ю, лекин Олтинтопган нима бўлади.

— Э,— уни гапирма дегандек қўл силтади Бегибой.

Улар, худди Қрилов масалидаги ўз-ўзини мақташиб, кўкка кўтарган какку билан хўроздек, бир-бирига парвона бўлишар, оғизларидан бол томарди.

Нодирнинг энсаси қотди. Тез қадам ташлаб магазиндан чиқиб кетди.

— Нодирвой, қаёққа, тўхтаг.

— Раҳмат,— деди кўчага чиқиб кетар экан киноя билан Нодир. У орқасига қарамасликка уринарди.

4.

Ёлгон девор қулади, қулаганда ҳам ён-берига эмас, тўппа-тўғри Нодирнинг бошига қулади: шаҳарда ўқишга кириб қолганлар қишлоққа келиб кетишгач, Нодирнинг сирини очилди. Шўх қизлар қишлоқ ёшларига Нодирларнинг имтиҳонлардан йиқилиб қайтишганини, комсомол қурилиши деган гап, институтга киролмаганини ниқоби эканлигини очиб қўйишди. Бир ўтиришда ўртоқлари ўртага олиб, Нодирни мазах қилишди:

— Комсомол қурилишида ишлаб, кейин кўзойнак тақиб ўқишармиш.

— Қуруқ аравани олиб қоч-а, ёлгончи!

Жон-пони чиқиб кетган Нодир улар билан ёқа бўйишишгача бориб етди. Эрмақбон пап топиб олган бола-лар Нодирнинг бадтар жиғига тегишарди:

— Мана, Умид бошлади, ёлгонлаб юрмай, тўғри чўлга, комсомол қурилишига борадиган бўлибди. Комсомол комитетига йўлланма сўраб, ариза берибди.

— Онаси ҳам, «шаҳдингни қайтармайман, ўғлим, майли, отангнинг изидан бор», дебди.

Нодир Умиднинг уйдан аразлаб чиққандан бери ундан қочиб юрар эди. Бехосдан эшитилган бу янги гаплардан шошиб қолди. Унга жуда алам қилди. Умид қишлоқда жон деган оғайниси. Тунов куни шаҳардан қайтишаётганида унинг ўзи, эндиги йилга яна бирга ҳаракат қиламиз, иккимиз доим бирга бўламиз, деган эди-ку.

Нодир қай куни Умид айтган гапларни, аччиқ устида шунчаки гапиряпти, сувчиларнинг таънаси ботиб кетган экан, эртага айнийди, деб ўйлаганди. Ҳозир эса ҳайрон бўлиб ўйлади: «Йўлланма сўраб ариза берибди?! Ёки адасининг чўлдаги оғайниси ўзимнинг олдимда ишлаб турсанг, институтга киритиб қўяман»— деб хат-пат ёзганмикин? Сирини яширмас эди-ку».

Нодир ҳар хил хаёллар билан уйига кирди. Айвон четига қўйилган каравотига бағрини бериб ётиб олди. У ўйлар, аммо ўйининг тубига етолмас эди.

Ҳовли ўртасида ҳурпайиб ўсган қирқоғайни гули орасида отаси тутга ёнбошлаб аллақим билан гаплашиб ўтирарди.

— Магазинни топшираётганида бир қанча ҳужжатларга кўра аллақачон сотилиб кетган нарсалар чиқди,— деди бегона овоз.

— Бир балоси бор,— деди отаси.

— Ўқтамхоннинг ўғли тузган актга қараганда ҳам у аллақачоноқ жойи ростонини топиши керак эди.

— Ҳа. Аммо у шарлатон савдо инспекторини қўл-

га олиб, актларни йўқ қилиб улгирибди,— изоҳ берди унга отаси.

— Шундай бўлса ҳам думини тугишибди.

Бу гаплар қулоғига чалиниши биланоқ Нодирнинг хаёли Зикирга кетди. Кўз олдидан Зикирнинг алам ва кек билан бужмайган тунд башараси ўтди. Унинг қалбини билади. Нафисага илашиб юрганини ҳам эшитганди. Уни Зикирга қарши нафрати ортиб борарди.

Отаси унинг уйғоқ ётганини билиб чақирди:

— Нодир, Нодир, буёққа кел, ўғлим.

Ота қайта-қайта чақиргач, ўғил ўрнидан қўзғалишга мажбур бўлди. Катта йигит бўлиб қолган бўлса ҳам отасини кўрганда қўзийдиган эркатойлиги тутди. Ланжлик билан буралиб-суралиб, унинг олдига борди, бўш стулга ўтирди. Ота янги тутатган папиросини бурқсатиб тортарди. У ўғлининг Умид билан жуда қалин дўст эканини яхши билар, ўғлининг «комсомол қурилишларига бориб ишлаб, сиртдан ўқиймиз», деган ёлғонлари ва Умиднинг чўлга боражаги ҳақидаги гаплар қулоғига чалинган ҳам эди. Тусмоллаб сўради:

— Сен ҳам чўлга бормоқчи эмишсанми?

Отанинг сўроғи замиридаги «бормайсан» деган таъкидни ўғил пайқади.

— Ҳа, бораман,— кескин жавоб қилди ўғил.

— Нима бор сенга у ерда, аҳмоқ!

— Ҳамма нарса бор. Нега аҳмоқ бўлар эканман.

— Бормайсан!

— Нега энди?

— Бормайсан, дедим бормайсан, тамом,— дағдағага ўтди ота.

— Бораман. Бораман дедим, бораман.

Ота-бола пасту-баландлашиб қолдилар. Ота ёлғиз ўғлини ўқиса-ўқимаса ёки ишласа-ишламаса кўз олдига юришини истар, чўлларда ёзда офтобда, қиш-

да совуқда ишлашини ўзига муносиб кўрмас эди. Уғил эса чўрт кесарлигига бориб, ўжарлик қиляпти. «Буни улар йўлдан уришган»,— деди ота ўзича.

— Бола, ёшлик қилма,— пўписа билан енгмоқчи бўлди ота.

Уғил ҳам бўш келмади: «Ёш эмасман, чўлга борганим-борган»,— деб бир сўзда туриб олди. Шу билан у ўзини енгил ҳис қилар ва кўчада калака қилган оғайниларидан аламини олгандек кўнгли ёришарди.

Отаси индамади. Нодир уйга кириб кетди. Дарс столига ўтириб, ариза ёза бошлади.

5.

Қино бошланишига ҳали анча бор. Аммо клуб яқинидаги чойхона қош қораяр-қораймасданоқ гавжум бўлиб қолди. Даладан қайтган ёшларнинг баъзилари ҳовуз лабига, супаларга, сўриларга чордана қуришиб, чой ичишар, баъзилари газета-журнал кўришар, шахмат-шашка суришарди. Зикир ҳам шийпондаги ёшлар орасида оёқларини чалиштириб, папирос тутатганича ҳаммага бир-бир қараб ўтирибди. Район газетасини кўриб ўтирган бир йигит ҳовлиқиб:

— Ие, мана бу гапни қаранглар, мана бу гапни,— деди.

— Нима гап экан?— кўпчилик унга қаради.

— Районимиздан ўн йигит, комсомол қурилишларига бориб ишлаймиз, деб ариза берибди. Мана, бизнинг Умид, Нодир ҳам бораркан.

— Энди эшитяпсанми, мен кеча радиоузелдан эшитганман,— деди шахмат ўйнаётган шериги.

— Ҳамма жойдан: Москва, Киев, Бокулардан ҳам комсомол қурилишларига миңглаб ёшлар келяпти. Булар ҳам, шулар қатори ариза беришипти-да,— деди иккинчи шахматчи.

— Оббо азаматлар-ей, темир қанот чиқаришибди-да, учирма бўлишибди-да.

Зикир бу гапларга тушунаётгандек, кўзларини пир-пиратиб, район газетасига қўл чўзди. Ҳалиги йигит газетани бераркан, клуб томонга ўтиб кетаётган Умид билан Нодирни кўриб қолиб қичқирди:

— Ҳой Умид, Нодир, буёққа келинглар!

Умид билан Нодир чойхонага келишди. Уларни табриклаб, қўлларини сиқишди, баъзилар: оила чатоқда, бўлмаса мен ҳам борар эдим, деб ҳавасланган ҳам бўлди. Бир четда тумшайиб ўтирган Зикир ҳам гап қистирди.

— Битта-яримта сенларни чўлга бор деб зўрляп-тими?

— Узимиз кетяпмиз,— деди Нодир, Зикир унга ишонмагандек лабини бурди:

— Менга деса ундан нарига ўтиб кетларинг-у, лекин ўйлаб иш қилмабсан, шу... колхозда нон топиб ея олмайсанларми, чўлу биёбонга бориб ишламасаларинг?

Бу гап атрофдаги бошқа йигитларга ҳам, Умидга ҳам наштардек қадалди. Умид тутақиб деди:

— Сени қара-ю, бутун мамлакатдан минглаб комсомол ёшлар Мирзачўлни обод қиламиз, деб келсин-у, биз шундай биқинида туриб, икки қўлимизни чўнтағимизга тиқиб ўтирайликми?!

— Минглаб ёшлар келса сенларга нима,— деди мазақ қилиб Зикир,— чўлни обод қиламиз, эмиш. Ана қуруқлигу! Уз кўчангда аравангни секин тортавермайсанми? Чўлни очиш сенларга қараб қолиптими?! Ана гапу!

Зикир ҳаддидан ошиб кетди. Умид ҳам, Нодир ҳам унинг ҳозир, нима учун бу даража аламга тўлиб, оғзига келганини қайтармай валдираётганлигининг сабабини тушунардилар. Унинг ичидаги бошқа фасодлар ҳам кайф аралаш ёрилмоқда эди.

Зикирнинг гаплари Умид ва Нодирларнинг чўлга бориши ҳақидаги хабарни биринчи бўлиб гапирган йигитга айниқса кор қилди:

— Сизга ўхшаб,— деди у,— ҳамма ўз аравасини эгри кўчалар билан сургайверса, басми?

Бошига тўқмоқдек урилган бу гап Зикирни талмов-сиратди.

— Эй, қоч, сенга гапиряпманми!— деди шундай бўлса ҳам баланд келиб Зикир.— Менга деса сен ҳам улар билан қўшилиб, гум бўлиб кетмайсанми!

Зикир шарманда бўлишини сезиб, одамлар орасидан тез сирғалиб чиқиб кетди. Орқасидан гурр кулги кўтарилди...

Клуб олдида магнитофон турли рақс куйларини чалар, очиқ сайхонда танца тушувчиларнинг давраси минут сайин кенгайиб борар эди.

Умид билан Нодир ва Зикир ҳам шу даврада. Ёшлар: «Чўлга бориб ишлаймиз, деб ариза берганлар шулар»,— деб Умидларни бир-бирига имлаб кўрсатишарди. Нафиса қизлар орасидан чиқиб, Умиднинг олдига келди.

— Табриклайман,— деди у йигитнинг кўлини беихтиёр сиқиб,— газетада ўқиб севишим.

— Раҳмат, Нафисахон.

— Практикани тугатиб қайтишимда,— деди қиз,— бошқарма бошлиқлари: «Ўзимиз сени сўраб оламиз, келиб техник бўлиб ишлайсан», дейишган эди. Билмадим яна...

Умид чўлга бориб ишлашни кўпдан бери орзу қилиб юрганини, отасининг дўсти Макар Афанасьевич ҳам яқинда келиб кетганини айтди.

— Макар Афанасьевич?— деди қиз йигитнинг кўзларига тик боқиб.— Қанақа Макар Афанасьевич? Сизнинг адангиз билан чўлда ишлаган, босмачиларни қувишганми?

— Ҳа, ўша, сиз қаёқдан биласиз?

— Қишлоқда етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма эшитган, ҳамма билади-ю, мен билмайманми.

Йигитга бу гап ёқди.

Кино ҳам бошланди. Умид билан Нафиса бир ерда ўтиришди.

Кинодан чиқишганда ой кўтарилиб қолган эди. Кумуш дала ва зумрад мевазорлар ҳузурбахш тун уйқусига толган. Фақат аҳёнда бедазор томондан чигирткаларнинг чўзиб-чўзиб чириллаши-ю, катта ариқда айқириб оқаётган сувнинг шалдирашигина тун осойишталиги пардасини чертиб ўтаётгандек туюлади.

Умид билан Нафиса шу сўлим тун оромини бузгилари келмагандек, индашмай кетиб борадилар. Фақат ҳар замон-ҳар замонда қиз муздек тун ҳавосини тўйиб сипқариш учунми ёки бошқа сабабданми, аста хўрсиниб қўяр, кўзларини кўтариб, гоҳ йигитга, гоҳ кўкда чақнаган юлдузларга қарайди. Йигит ҳам ички ҳис ва туйғусини яширишдан азоблангандек пахтазор тўшини қоплаган нимқоронғуликка бежо тикилиб қўяди. Дала йўлдан ўтиб, катта ариқ бўйига боришди. Уйноқи сув ариқнинг қирғоқларидан ошиб оқар, у ҳатто икки тол оралиғига ташланган харини ҳам кўмиб кетган эди.

— Вой-бу, харини ҳам оқизиб кетибди-ку,— деди қиз кўксини ушлаб,— энди нима қилдим?

Умид олдинга ўтди. Сув хари устидан шаршара бўлиб айқириб оқар, майин тол барглари ариқ қирғоқларини беркитганди.

— Ҳозир топаман,— почаларини шимариб, сувга оёғини тикар экан, деди Умид.

— Вой, тушманг,— уни тўхтатмоқчи бўлди қиз. Йигит қайтмади.

— Топдим, хари жойида экан, қўлингизни беринг.— Оёқларига урилиб, шалдираб оқаётган сув ичида нариги қирғоққа томон секин сурила бошлади йигит. Қиз муздек сув оёғига тегиши билан бир сесканиб тушди-ю, кейин йигитнинг қўлидан ушлаб, ордидан сурилди. Зумрад тошқинлар унинг ҳам чиройли болдирларига ёпишди. Қиз сув тегмасин учун кўйлагининг эта-

гини кўтариб олди. Ариқ четига етай дейишганда Нафиса тойиб кетаёзди. Умид чаққонлик қилди, бир қўли билан қарши ёқдаги толни, бир қўли билан қизнинг билакларини ушлади. Нафиса бир сапчиди-ю, қарши қирғоққа чиқиб олди. Фақат кўйлагининг этаги бир оз ҳўл бўлганди.

— Вой ўлсин, ўтакам ёрилди-я,— деди у. Четроққа ўтиб этагини сиқа бошлади.— Сиз бўлмаганингизда сувга тушиб кетар эканман.

Умид индамади. У қизнинг оёқларига қарамаслик учун кўзларини осмондаги ойга тикди.

6.

Умидлар Макар акага ёзган хатларига тезда жавоб олдилар. Макар Афанасьевич ўз хатида Умиднинг институтга киролмай қолганига афсусланар, чўлга қурилишга бориш ниятини эшитиб, хурсанд бўлганини айтар, «келишсин, тўғри менинг олдимга келишсин, ўртоғини ҳам олакелсин, ўз ёнимда бўлишади...»— деганди. Шу билан бирга у хатида Умидларниқидан қайтгач, бир вақтлар Сиддиқжон билан бирга ишлашган жойи — шўрни йўқотиш тажриба станциясига борганини, бирга туришган, ҳатто ишдан сўнг бирга сайр қилишган ерларини айланиб кўрганини айтганди. «...Эҳ, хотиралар,— дебди у,— ўша вақтларда бу ерда чарчашни ҳам, зеркишни ҳам билмай, кучга, ғайратга тўлиб-тошиб ишлардиг-у, аммо замонлар келиб, ҳаёт бизни ўз тўлқинларида қаттиқ силкитиб ўтади, айрилиқларга солади, деб сира хаёлимизга келтирмасдик».

«...бу ерда айланиб юриб, бир вақтлар Сиддиқжон йқковимиз — биримиз. Надяни, биримиз Умиджонни кўтариб, кечқурунлари кўча эшикдаги тахта супачада ўтирардик. Уша ҳали ҳам бор экан.

Умид билан Надяни чақалоқлигида биз шу стулчага ёнма-ён турғизиб суратини олдирган эдик. Қийқиришиб, питирлашвериб, бизни роса қийнашганди...

Ўқтамхон, сурат балки сизларникида сақлангандир. Менда ҳозир қизимнинг ҳам, хотинимнинг ҳам ҳеч қандай сурати қолмаган...»

Хатда Умидга ва яна таниш-билишларга салом йўланган, чўлда ишлар яхши кетаётгани айтилганди.

Ўқтамхон опа хатнинг қолган қисмини тез-тез ўқиди-ю, ўрнидан туриб, уйга кириб кетди. У суратларни сарғайиб, йиртилиб кетмасин учун альбомларга авайлаб тизган, баъзиларини қоғозга ўраб, сандиққа солиб қўйганди. Умид сандиқни очиб турди. Она отанинг кийимлари орасидан альбомни олди. Она-бола айвонга чиқиб, суратларни бир четдан қарай бошладилар.

...Мана, Сиддиқжон аканинг комсомолга ўтган вақтида олдирган сурати. Қирра бурни, тўлагина юзлари Умидникига жуда-жуда ўхшаб кетади. Унинг бир қўлида китоб, бир қўлини узун кўйлак устидан боғланган камарга тираганича, кўзларини тикиб турар эди. Бошқа бир суратда Сиддиқжон билан Ўқтамхон ёнма-ён туришарди.

Альбомдаги суратлар орасида Макар Афанасьевич айтган сурат йўқ эди. Умиднинг адаси билан онаси ўртасида ўтириб тушган сурати бор-у, Надя билан бирга олдиришгани йўқ.

— Қаёқда қолдйкин?— ўйлаб қолди опа.— Топиб юборсак қизини кўргандек бўларди.

Ўқтамхон эрининг кўп суратларини кийимининг чўнтақларига солиб юриш одатини биларди. Яна қайтиб уйга кирди. Эҳтиётлик билан сақлаб юрган эрининг пальтоси ва костюмини олиб чўнтақларини қидира бошлади.

— Мана кундалик ёндафтарлари,— деди Ўқтамхон эрининг чўнтагидан қизил дафтарчани олиб. Умид унинг орасини титкилади. Дафтарча қатидан кичкина сурат ерга учиб тушди.

— Шу, шу сурат,— деди Уктамхон опа уни ердан олиб. Лўпигинадан келган икки гўдак ёнма-ён тик турар, қийқириб, бир-бирига интилишарди.

— Надянинг қўлидаги узунчоқ холи ҳам суратга тушган экан,— деди она.

Она-бола суратга узоқ тикилишиб ўтирдилар. Сўнг-ра маслаҳатлашиб, Мақар акага хат ёзишди. Хатда Умидларнинг чўлга кеч кузда боришлари айтилганди. Хатга қўшиб суратни ҳам юбордилар.

7.

Қор майдалаб ёғиб турарди. Темир йўл станциясига элтадиган йўл бугун анчагина гавжум, серқатнов эди. Нодир ҳам чамадончасини қўлтиқлаб, кўпчилик оқимида станция сари ошиқарди. Отаси унинг ёнида каттагина қопни инқиллаб-синқиллаб кўтариб борарди. У қоқилиб, тийганиб кетди. Оёғи осмондан бўлиб, ёмон йиқилар эди, аммо орқадан етиб келган киши тутиб қолди.

— Зикир ака,— деди ўгирилиб Нодир,— сизга йўл бўлсин?

Ота Зикирга миннатдорчилик билдириб, уларнинг орқаларидан эргаша бошлади.

— Мен шу ерда, ўзларингизга йўл бўлсин, чамадон, юклар...

— Нодирвой чўлга кетяптилар, қурилишга,— деди ота орқадан.

— Шунақами? Сенинг ҳам боришинг ростга чиқибди-да?— Зикир қошларигача бостириб олган қалпоғини юқори кўтариб қўйди.

— Ҳа, Нодирвой икки оёғини бир этикка тиқиб олди. Майли, борсанг бориб ҳам кўр дедим:

— Ука, кетини ўйламапсан-да,— деди афсуслайиб Зикир.— У ерга борганингда нима қилардинг, қўлингга лўм, кирка тутқазишади, гишт ташитишади...

— Биз боп иш топилар,— хотиржам вазиятда жавоб берди Нодир.

— Боп иш эмиш, таниш-панишларинг бўлмаса, сенларнинг.

— Умиднинг яқин кишиси бор экан,— деди отаси.— Қелишса ўз қанотим остида бўлади, деб хат ёзибди, мен ҳам шунга орқа қилдим.

— Умиднинг яқин кишиси? Шу Умиднинг-а? Тоғдаги дўланага тоғора кўтарибсизлар, амаки. Шўрвасининг шўрвасининг шўрвасидек гап-ку, бу.

Нодир Зикирнинг гапига парво қилмади. Отаси йўлда тўхтаб, қопни бир елкасидан иккинчисига олди. Зикир яна нималарнидир саннаб кетди. Шу пайт орқадан Уктам опа билан Умид етиб келиб қолишди.

— Амаки жуда уриниб қолибсиз-у,— деди Умид Нодирнинг отасига ёндашиб.— Қопни менга берақолинг?

У ўзининг енгилроқ чамадонини отага бериб, қопни олмоқчи эди. Ота бир ўғлига, бир Умидга қараб, истиҳола қилди:

— Қўявер, ўғлим, оғир эмас, ўзим кўтараман, етиб қолдиг-у.

— Берақолинг,— деди Уктамхон.

Анчагина илгарилаб кетган. Нодир билан Зикир буларнинг овозини эшитиб, қайрилиб қарадилар. Зикирнинг қовоқлари тушди. Уктамхон яқинлашиши билан чехрасига ясама тус берди.

— Салом, опахон, яхшимисиз, сафарлар бехатар бўлсин.

— Ўз ишларинг дурустми, Зикиржон,— унинг кўнгли учун сўради Уктам опа. Автобус тўхташ жойига боргач, Зикир хайрлашди.

Станцияда янгиерчилар ва кузатувчиларнинг тўлқини тошарди. Булар ҳам тошқинга бориб қўшилишди.

1.

Кечадан бери бўралаб ёққан қор тинди. Лекин изгириги қулоқларни, юзларни чимчиларди. Чўл ўртасида тўхтаган поезд қаршисига қаёқдандир анчагина одамлар йиғилишиб чиқди. Улар келувчиларни очиқ чеҳра билан кутиб олишар, яхши етиб келдингларми, дея қўлларини сиқишар, юкларини кўтаришиб, поезддан туширишарди. Умид билан Нодир ҳам кўпчилик қатори вагондан ташқарига қадам қўйдилар. Уфқларни ўпган чексиз қор океани кўзларини қамаштириб, шу билан бирга юракларини орзиқтириб юборди.

— Оппоқ, ҳаммаёқ оппоқ,— деди Умид. Шу пайт буларни олиб келган поезд қўзғалиб, поёнсиз бўшлиқ денгизи қаърига шўнғиди. Икки дўст кўпчилик оқимига қўшилиб, олисда — қалин қор кўрпаси орқасида қорайиб кўриниб турган пасту баланд уйлар, кўкиш ўтовлар сари талпиндилар.

— Бу ер совхоз маркази, бизнинг бошқарма шу ерга жойлашган. Шаҳар, ҳов орқа томонда, катта сайхонликда қуриляпти,— Умиднинг юкини кўтаришиб кетаётган йигит ўзича тушунтирар, қаршидан — тоғлар томондан эсан шамол кийимларни таталаб ўтарди...

Совхоз маркази ўн беш — йигирматача янги уйлар, ўтовлардан иборат экан. Уйлар атрофида жуда кўп одамлар, машиналар уймалашиб ётибди. Одамлар тўлкини орасида Нодир Умидни туртди.

— Уни қара! Уни? Кимди у?

— Ким, экан?— Умид ҳам тушуна олмай тикилиб қолди. Тепасига «3-қурилиш бошқармаси» деган ёзувли тахта қоқилган бино олдида кўзойнакли, жуссадор киши турар эди.

— Танимадингми? Ҳов, институтдан қайтаётгани-

мизда шаҳардан қишлоққача автобусда бирга келган киши-ку!

— Танияпман,— деди кўзлари ғалати пирпираб Умид.

Буларни бошлаб келган йигит юкларини бир четга қўйиб:

— Тура туринглар, ҳозир сизлар тушадиган уйни билиб келаман,— деди-ю, қаёққадир ғойиб бўлди. Умид билан Нодир кўпчиликнинг ғала-ғовури орасида бир четда туриб қолишди. Шундай ёнгиналарида, зинапоя устида ҳалиги кўзойнакли киши турарди.

— Шунақа юрагида ўти бор йигит-қизларни кўрсам яйраб кетаман,— дерди у.

— Қизингизнинг дарағи чиқмадими?— деди ёнида турган думалоқ киши тўсатдан.

— Нишонаси топилди, нишонаси,— деди унга кулиб кўзойнакли киши.— Яқинда эски бир танишимиз болаликдаги суратини топиб юборибди, ҳозирча менга шунинг ўзи ҳам катта мадад.

— Яхши, яхши, энди шояд ўзи ҳам топилиб қолса,— деди думалоқ киши.

— Қани энди,— кўзойнакли енгил хўрсинди,— лекин яқинда ўзимизнинг бошқарма қизлари орасидан менинг қизимга ўхшаб кетадиган битта қизчани топиб олдим... Шундан бери у билан қалинман. Ҳа, булар ҳаммаси ҳам ўзимнинг болаларим-да...

— Албатта, албатта.

Зинапоя устида турган икки кишининг гапи бири-бирига улашиб борар, уларни ярим-ёрти бўлса ҳам бир четда эшитиб турган Умиднинг таажжуби ортар эди. «Ўзи нима қилган эдик, наҳотки, ўша киши адамнинг оғайниси бўлса, бизнинг уйга кетаётган экан-да?! Йўқ, йўғ-е». Умид тахминини ҳозирча Нодирга айтишга ошиқмади.

Болалар орасида яна ҳалиги кузатувчи йигит пайдо бўлди. Ўзи бошлаб кетаётган йигитлар қатори

Умид ва Нодирларга ҳам юринглар, деб имлади. Унинг ортидан эргашидилар.

Кузатувчи буларни ҳам янги уйлардан бирига бошлаб бориб, бир қанча болалар орасига жойлаштирди. Дам ўтмай, бир йигит қаердандир икки чойнак чой дамлаб келди. Бири ўртага дастурхон ёзди. Яна бири:

— Келинглар-ей, олдин бир чой-пой ичиб, заправка қилиб олайлик,— дея ҳаммани дастурхонга таклиф қилди. Умид билан Нодир ҳам қопларидан патир нон, майиз, ёнғоқлар олиб дастурхонга тўкдилар. Бир ҳовуч, икки ҳовучдан бўлиб дастурхон нозу неъматларга тўлди.

— Олинг, олинг!

— Андижоннинг аноридан еб кўринг!

— Уратепанинг ўриги қанд бўлади, деб эшитгандим.

— Волганинг балиғими? Лаққа экан-у.

— Ургутнинг майизидан тотинг!

Ҳаётларида биринчи марта учрашиб турган бўлишларига қарамай йигитлар худди эски қадрдонлардек бир-бирларига қизгин илтифот қилишарди. Хонага боя бошқарма эшиги олдида турган кўзойнакли киши кириб келди.

— Яхшимисизлар, йигитлар?! Яхши етиб келдингларми?!— У ҳаммадан бир-бир ҳол сўради, жойларни кўздан кечирди.

Ёшлар орасида бири уни танир экан, қўярда-қўймай дастурхонга таклиф қилди.

— Макар Афанасьевич, ўтиринг, чойимиздан ичинг.

«Макар Афанасьевич?»— Умид худди туш кўраётгандек, кўзларини ишқалади.

Умид онасидан Макар Афанасьевичнинг уй адресини олганда ўйлаган эди: «Ўзи онам юборган телеграмма билан йўлга чиқар, бирор сабаб бўлиб чиқмай қолса, ишга жойлашиб олгач, бафуржа олдига борарман, ундан олдин борсам, менга тузукроқ иш беринг, дегандек бўлади».

Бугун Макар Афанасьевич билан йигитлар орасида дуч келишгани, яна тўппа-тўғри келиб, у ишлайдиган бошқармага тушишлари Умидни ғалати ҳолга солиб қўйди. «Макар Афанасьевич, мен Умидман», дея ўзини танитмоқчи, қўлларидан сиқмоқчи бўлди, лекин уялди. «Қандай қилиб танитасан». Автобусда унга Нодирнинг бобиллаганлари эсига тушиб кетди. Нодир эса ҳозир дастурхондан бошини кўтармай, жим ўтирарди.

Макар Афанасьевич бирпасда ҳамма билан чиқишиб кетди.

— Орангларда чўлни кўриб, юраги увишаётганлар йўқми, бўш келмайсиз, азаматлар,— деди кулиб. Баъзи йигитларни худди ўз боласидек билиб, ранги рўйинг олинбди, йўлда уриндингми, дам ол, деб меҳрибончиликлар қилди. Умид билан Нодирни танигандек мулојим жилмайиб сўрашди, йигитларнинг қўлини қайтармаслик учун дастурхондан нон олиб тишлади. Бир-икки пиёла чой ҳам ичди. Кейин:

— Йигитлар, мана яхши жойлашиб ҳам олибсизлар, чойни ичиб олгач, сайхонликка чиқинглар, митинг бўлади,— деди-ю, бошқа уйларга ўтиб кетди. Бу гаплар шунчалар қисқа бир муддат орасида бўлди-ки, Умид чувалган ўйларининг боши-оёғини тута олмай қолди...

Кечга яқин изғирин тўхтади. Булут бўлиниб, қуёш тожи таралди. Тўрт томони уфқларга туташган, оппоқ қор билан қопланган чўл ўртасидаги уйлар ва ўтовлар ёнида митинг бўлди.

Митингга чўл райони ижроия комитетининг раиси шаҳар қуриш, янги ерларга ҳужум қилишга отилиб келган ёшларни табриклади. Ишларига муваффақият тилади. Облаstdан бош бўлиб, кузатиб келган силлиқ юзли чиройликкина йигит ҳаммаларини қурилиш бошқармаси ихтиёрига ўтказганини, энди шартнома бўйича тегишли касбда ишляяжакларини маълум қилди.

Ундан кейин минбарга қурилиш бошқармаси бош

инженери, партия ташкилоти секретари Макар Афанасьевич Гаврилов кўтарилди. «Қурилиш бошқарма-си бош инженери Макар Афанасьевич Гаврилов? Шу одам, шу киши»,— деди ўз-ўзига Умид.

— Ким шу одам?— туртди унинг ёнида турган Нодир.

— Адамнинг оғайниси.

— Адамнинг оғайниси? Қайси оғайниси? Уйингларга борган кишими?

— Ҳа,— деди Умид минбардан кўзини узмай.

— Йўғ-э,— у кишига қайта тикилди Нодир. Унинг пешоналари тиришар, бу гапга сира ишонгиси келмас эди.

— Бу ерга,— деди Макар Афанасьевич,— халқимизнинг энг сара фарзандлари, партия олдимизга қўйган катта ва муҳим вазифани яхши тушунган йигит ва қизлар келишяпти. Ҳақиқатан ҳам бепоён чўлга сўнгги ҳужумлар, сўнгги ҳамлаларни кучайтириш учун таянч марказ бўладиган шаҳарни қуриш осон иш эмас. Бунинг учун пўлат билакли, темир иродали кишилар керак...

Гавриловнинг нутқи пардама-парда кўтарилиб боради, тингловчилар бир кишидек минбарга тикилар экан, кўз ўнгларида бўлажак шаҳар, янги кураш майдонлари, чексиз пахта далалари бирин-кетин намоён бўлар эди. Умид билан Нодирнинг ҳам қалбларига янгидан-янги ҳаяжон ва завқ қуйилар эди.

Митингдан сўнг кадрлар бўлимига кириб, ишга ёзилиб чиққанларидан кейин Нодир безовталаниб қолди:

— Умид, у одам адангнинг оғайниси бўлса кириб айтмайсанми, ахир бизни тузукроқ ишга қўйсин, бетон заводи қурилишига оддий ишчи қилиб ёзишди-я!

— Олдига кириб, енгилроқ иш беринг дейишнинг ўзи бўлади, деб ўйлайсанми?— ачитиб олди Умид. Нодир унинг нега бунақа деяётганини тушунарди.

— Сени қара-ю, шунақа вақтда феълинг айнайди-қолади!

— Шошма кўп, пайти келади. Бетон заводи қурилишига ишга ёзилганлар эртага эрта билан бош инженер кабинетига кириши керак.

Бу сўздан Нодир бир оз тинчиди...

2.

Умид билан Нодир бош инженер кабинетига кириб, кутмаганда ғалати бир ғалванинг устидан чиқиб қолдилар. Кабинетнинг пойгагидаги узунчоқ стулларда учтўрт киши бепарво энгак ишқаб ўтиришар, Макар Афанасьевич столнинг четига кафтини қўйиб тик туриб олган, унинг ўнг ёнидаги икки кишининг бири қизишиб, қўлини пахса қилиб, гапирарди.

Бош инженер гапирувчини тўхтатиб, Умидларга юзланди:

— Сизлар ҳам бетон заводи полигони қурилишига ишга ёзилганларданми?— Улардан «ҳа» жавобини олгач, қўйида ўтирганлар қаторига таклиф қилиб, нотиққа қулоғини тутди.

— Бизни шундан-шу ёққа ишлатамиз, деб олиб келганларингдан кейин,— дерди гапирувчи,— яшаш учун, ишлаш учун бундоқ тузук шароит яратиб беринглар-да. Олиб бориб совуқ палаткага тиқдинглар.

— Печкани ёқмайсизларми?— қўйида ўтирган калта пахта чопонли киши орага сўз қистирди.

— Печкани дейсиз, печкани ёқишга, уйни супуриб-сидиришга одам қўйишмаган-у, ҳаммаёқ ивирсиб, ахлат босиб ётибди.

— Бу ишларни ўзларинг қилсаларинг ҳам бўлади-ку,— калта чопонли киши яна гап қотди.

Шикоятчининг пешона ва юзларидаги ажинлари буришди, кўм-кўк кўзлари олайди.

— Узингиз бир куп ётиб кўринг, биласиз,— овози

Ўзгариб деди у,— нима қилай, кечқурунлари баъ
Ўзимиз ёқамиз. Бари бир кечаси ўчиб қолиб, ётган
эрталабгача тишлари такиллаб чиқишади.

— Қийин, қийин экан,— деди ўтирганлар ора
дан бири. Қимдир уф тортди. Бу қилиқлар солқи лун
ли иккинчи кишига ёқмади. У ўтирганларга ўқрай
қаради. Унинг катаклари тез-тез торайиб, кенгай
турган қирра бурни, чимирилганида кирпи игнасида
диккайиб кетадиган ингичка қошлари, малина до
сини эслатадиган кичкина кўзлари Умид билан Н
дирга танишдек туюлди. Улар бу кишини аллақасер
кўрган эдилар...

— Иш жойини олинг,— шикоятчи йигит давом
ди,— биз бетон қуйиладиган пойдеворга қолип қилам
деб уззукун уринамиз, оёғимизнинг таги билчилла
лой, шунга мундоқ тахта берсанглар-у, иш юриш
кетади.— Сўнгра у, ўн кунчадан бери кино кўрм
ганлиги, сартарош йўқлиги тўғрисида, овқатлар худ
сида гапирди. Шериги эса қип-қизил лунжларини к
мирлатиб, бош инженерга, «эшитяпсизми», деганде
тикилиб ўтирарди.

Умид билан Нодирга бу гаплар галати туюлди.
Нихоят Макар Афанасьевич киприкларини кўтарди
унинг қошлари титраб кетганини Умид пайқади. Л
кин кулиб туриб, ярим ҳазил, ярим киноя тарзида
деди:

— Қани энди, оғайни, биттадан фаришта уйлар
мизни ҳар куни ялаб-юлқаб, супуриб, кўрпа-тўшакла
римизни солиб бериб турса, ўзимиз ишдан қайтгани
мизча ошимизни пишириб сузиб турса, кечқурунлари
унинг сочларини силаб ўтириб, кино кўрсак... Оҳ, о
чўлни ўзлаштириш унча қийин бўлмас эдику-я!

Бу гапга «шайтони зўрроқ»лар пиқиллаб кулишди
семиз кишининг оғзи тўла тилла тишлари йилтира
кўринди. Шикоятчи йигит ҳам осмонга қараб, бир ку
либ қўйди-ю, тагин пешонасини ишқади.

дмасьел мотори овозини олиб келар, темир йўл томондан ахён-ахёнда поезд сигнали янграб қолар эди...

Эртаси кун отряд баҳамжиҳатлик билан бўлажак завод ўрнини текислашга, қум, шағал элашга киришди. Янги ҳаёт йигитларни бағрига ростакамига тортиб олди.

4.

Чўлда ишлай бошлаганининг иккинчими, учинчими куни эди. Йигитлар олис дарёдан самосваллар ташиб келтира бошлаган қум, шағал, чағир тошларни тўкиш учун жой текислаб бердилар. Эндигина полигон чети хандақчаларини ковлашга киришган эдиларки, шаҳар қурилиши томонидан чиқдим, ўтовлар ичидан ўтдим, бир кимса пайдо бўлди. У узоқдан қўл силкитиб, буларга ўдағайлаб келаверди.

— Бегибой ака,— бу гал узоқдан ҳам дарров таниди Нодир.

— Чўлга мени бош инженер олиб келган, деб ҳаммага дағдаға қилиш одатини чиқарган шекилли у,— тўнғиллади ишдан қўлини узмай Владимир.

— Бош инженер олиб келган?— қовоқлари тортилди Умиднинг.

— Шунақа,— деди Жўрабой ака ҳам. Бегибой эса қўлини пахса қилганича келарди...

Ўзининг таъбири билан айтганда, Бегибой Ҳолиқорич Николай замонасининг каллақандларидан сўриш лаззатига муяссар бўлган кишилардан бири эмиш. Революция бўлиб, халқ заводчи бой деб ном чиқарган отасининг аркони давлатини меҳнаткашларга олиб берган пайтда у этак остида ўралашиб юрадиган бола эди. Отаси бир томони қўлдан кетган молу ҳолига, бир томони «оёқ яланг»ларнинг революция номидан уни судга тортишига чидолмай, ўзини отиб қўйган кунларда, бола камбағал бир қариндошлариникида ўйнаб юрарди.

Боланинг маккора онаси бир қўшни йигит билан донлашиб юрар экан. Эри ўзини отиб қўйгач, йигитнинг хотинига заҳар берибди. Эридан яшириб кавак-кавакларга тикқан тилла ва қимматбаҳо буюмларни бўғчасига тугиб, қолганини аравасига ортиб, уникига кўчиб келиб, ўтириб олибди. Элу халққа, мен бу камбағал йигитни яхши кўрардим. Бой мени зўрлаб олганди, дебди. У йигит бир туркча мактаб домлаларига ўзини яқин олиб, хизмат қилиб юрар экан. Бегибойни қишлоқдан келтириб, ўша мактабга элтиб тутибди. Аммо у ерда кўп ўқий олмапти, мактабнинг миси чиқиб, тарқаб кетибди. Сўнгра Бегибой бир-икки йил қариндошларининг эшигида санқиб юрибди.

Бир кун отасининг амалдор эски ошнаси кўриб қолиб, болани малака ошириш мактабига киритиб қўйибди. Ундан олиб, бир идорага ишга жойлаштирибди. Шундан кейин Бегибой гоҳ амали хиёл кўтарилиб, гоҳ пасайиб, турли идора ва бошқармалар қоғозлари орасида узоқ замонлар йўқолиб юрибди. Яна замонанинг зайли билан Олтинтопганга ишга бориб қолибди. Бу ерда унинг айрим қурилиш материалларини олиш ва сарфлашда имзоси иш берадиган ўринлар ҳам бор экан. Бунинг устига ёғлироқ бир идорада ишлаганида ҳуфя ишларга икки-уч бор шерик қилган бир учар ошнаси у ерга келиб қолибди. Бир куни шу йигит олтидан чиқиб, бир чангал пул кўрсатибди:

— Беш минг ғишт қурилишга ишлатилди, деб ма-на бу қоғозга қўл қўйиб юборсангиз, шу пул сизники,— дебди. Бегибойнинг шу топда пулга кўзи қалқиб турган экан. Бу талабни ғиринг демай ўрнига қўйибди. Ҳафта ўтмай яна шундай бўлди. Бегибой белни оғритмай, ўзи келадиган бундай пулга мазахўрак бўла бошлабди. Аммо кўп ўтмай, учар йигит ҳам, унинг синашта шофёри ҳам жиноят устида қўлга тушибди. Лекин улар ҳамма оғирликни ўз бўйинларига олишибди. Бегибойни «сотишмапти». Шундай бўлса ҳам Бе-

гиббой Ҳолиқович, жиноятда иштирокчи, деб гумон қилиниб, ишдан ҳайдалибди.

Бегибой анча вақт беиш юрибди. Бўйнига ҳеч қандай айб қўйилмагани ҳолда ишдан бўшатиб юборилгани ҳақида ариза кўтариб, қурилиш министрлигига қатнабди.

Шу ариза кўтариб юрган кунларининг бирида у министр қабулхонаси йўлагиде иш билан келган икки-уч одамлар қатори Макар Афанасьевич билан бирга ўтиришиб қолибди. Макар Афанасьевич чўлга ишга янги ўтган кунлари экан. Министрликка бошқарма юмушлари билан бориб, у ерда эски бир танишини кўриб қолибди. Икки дўст министр қабулхонаси йўлагиде ўз бошларидан кечирганларини ҳасратлашиб, узоқ ўтириб қолишибди.

Макар Афанасьевич урушда Берлин остонасигача жанг қилиб боргани, уйига бомба тушиб хотини ҳалок бўлгани-ю, қизчасини излаб юрганигача ҳаммасини гапириб берибди. Бегибой Ҳолиқович унинг гапларини эшитиб ўтирган экан. «Қизча бомба гумбурлашидан кўрқиб, қанақа бақирган экан-а, қоронғи кечада,— деб ачинибди. Макар Афанасьевичнинг кўнглини кўтарибди.

— Менга қаранг, менга,— дебди у бирдан жиддийлашиб.— Мен Олтинтопганда ишлаб юрганимда бир одам билан гаплашган эдим. Сизларники Украинанинг Житомир томонларидами?

— Ҳа, ҳа,— дебди Макар ака.

— Шу одам уруш вақтида Украинада ота-онасиз қолган болаларни йиғиб, уларни фронт орқасига юбориш билан банд бўлган экан. У Житомир томонлардан ҳам бола олганман деган эди. У одам ҳозир Тошкентда туради.

— Шояд бир яхши гап чиқса,— дебди Макар Афанасьевичнинг дўсти. Бу гап Макар Афанасьевични ҳам умидлантирибди.

Бегибой Ҳолиқович у одамнинг уйини билар экан, икков бошлашиб, узоқ қидириб топишибди. Эшикни сариқ мўйлов, баланд бўйли киши очибди. Бу киши Бегибой айтган одамнинг акаси экан, кўп ўтмай укаси ҳам келибди. У, Бегибой айтганидек, ҳақиқатан ҳам Украинада кўп болаларни ўт ва бомба тагидан қутқариб, бепоён Ватанимизнинг тинч томонларига юборишда қатнашган экан. Житомир атрофларида кўп болаларни қутқариб, фронт орқасига юборишганини айтди. Аммо Макар Афанасьевичларнинг қишлоғидан бомбардирдан кейин олиб кетилган болалар ва Надя ҳақида аниқ ҳеч нарса дея олмади.

— Мен у қишлоқда ҳатто бўлмаганман ҳам,— деди у. Шу билан бирга:— Болаларни фронт орқасига жўнатиш вақтида чалкашликлар бўлган, болаларнинг номлари янглиш ёзилган,— деди.— Айниқса, бомба тушган уйлардан қутқариб олинган болалар шунақа бўлган. Уларнинг баъзиси отларини дуруст айтолмас, бошқалар ҳам билмас эди. Бунақангилар кўп эмас эди-ку, ҳарҳолда бор эди. Сиз номи адашган ёки ноаниқ кетганлар рўяхатидан қизингизни қидиртириб боқинг,— деди.

Бу маслаҳат Бегибойга жуда ёқди. Аммо Макар Афанасьевич қизини бундай «адашганлар» рўяхатидан ҳам қидиртириб кўрган, натижа бўлмаган экан.

Шу воқеалар баҳона бўлибди-ю, Бегибой Макар Афанасьевич билан танишиб олибди. Пайт топиб, ўз қисматини гапирибди:

— Ноҳақ, ҳеч қандай айбсиз ҳайдашди,— дебди. Министр номига ёзган аризасини кўрсатибди. Кўнгилчан Макар Афанасьевич унинг одамгарчилиги, бирга аллақаяқларга борганини ўйлабди. Шундай бўлса ҳам ишга олиш олдидан суриштирибди. Ҳеч қаерда уни қоралайдиган юридик ҳужжат йўқ, ўзи бошқармаларда кўп ишлаган, ишбошилиқ ҳам қилган. Бир вақтлар гишт терувчиликка ҳам ўқиган. «Ёмон одам эмас ше-

қилли, мен ҳам одамгарчилик қилай»,— дебди-ю, чўлга бошлаб келибди. Шаҳар қурилишининг бир бўлимига участка бошлиғи қилиб қўйибди... Ана ўша Бегибой узоқдан қўлини пахса қилиб келмоқда.

— Сизларга план, сизларга обрў керак бўлса, бизларга керак эмасми?— дерди у бақириб.— Сиз ҳурмат тахтага тушишни истасангиз, биз истамаймиз-а! Еки, кечагина келиб, бизнинг оёғимизга болта урмоқчимизлар?

— Бегибой, ўзи нима гап?— деди Жўрабой ака.— Ҳамма ишини тўхтатиб, унга қараб қолганди.

— Ўзи нима гап дейсиз тагин!— у баттар тутақди. Солқи лунжлари эса гоҳ пуфакдек шишар, гоҳ пучқайиб ичига кириб кетар эди.— Менинг энг яхши шофёримни ўзингизга ўтказиб олиб, қўлимни кесиб, яна нима гап эмиш-а?!

— Қайси шофёр? Қим экан у?— Жўрабой ака бошиқ муомала қилди.— Биз билмаймиз, шофёрларни ҳам, машиналарни ҳам бошқармадагиларнинг ўзлари белгилашган. Бизга фақат, кеча жой текислаб қўйинглар, эртадан қум, шағал олиб боришади, дейишганини биламиз.

— Билмайман эмиш, шофёрларнинг яхшисини олиб-олиб, энди билмайсизми?!

Йигитлар нима гап эканлигини энди тушундилар-у, ишларига тутиндилар. Бегибой ҳамон тарсилларди.

— Бошқаларнинг ишини расво қилиб, ўзларингникини тўғрилаб олибсиз, тагин билмайман дейсиз. Гаражда путёвканинг копиясини кўрдим-ку, ахир. Гриша, 84-13, сизларга шағал ташишга келибди!

— Бўлса бордир, мен шофёрларни яхши танимайман,— жавоб қилди Жўрабой ака.

Бегибой бир дам ўтмай, Жўрабой акага ялпизлаб, конторадаги баъзи одамларни сўқди. Гришани мақтади:

— Ҳа, чаққон йигит, роса олғир ҳам, шунақа шо-

фёрдан яна учтаси бўлса, планирни доим 150 қилар эдим. Бошқа шофёрлар фиштга уч қатнаганда, у беш қатнайди, ҳа билиб қўйинг, мен Гришани ҳам, унинг шеригини ҳам, ҳеч қайси бригадага ўтказишга йўл қўймайман.

— Ихтиёрингиз,— деди Жўрабой ака,— бизга бошқаси ҳам бўлаверади.

Жўрабой аканинг лоқайдлиги Бегибойга ўтиринқи-рамади.

— Йигитларни саралаб олдим, ишларим энди ўз-ўзидан юришиб кетаверади демоқчимисиз?— ярим ҳазил ва ярим жиддий қиёфада деди у.— Мендаги, ана у, Макар Афанасьевичнинг хонасида кўрган болангиз бор-ку, ўша ҳам мен деган йигитлардан эди, кўпга бормаи тайсаллаб қолди. Иш оғир.

— Ишқилиб ишлаб туриптими?— сўради Жўрабой ака.

— Қаёққа борарди,— Бегибой белини ушлаб, болаларнинг тепасида қаққайиб қолганди.— Лекин унинг ўша кунги тўполони ҳам иш берди. Шу баҳона Макар Афанасьевич участкамизга борди, ўтовларни кўрди. Мажлис ўтказдик.

Бу билан у, биз ўшанақа ёмонлардан ҳам яхши фойдаландик, демоқчи бўларди. Бегибой Гришанинг йўлига қараб-қараб қўйиб, полигон сатҳини ўзича қадамлаб, қум, шағал элаш учун ажратилган жойларни айланиб чиқар экан,— яхши бўлди, мажлис ўтказдик, ялқовларнинг танобини тортиб қўйдик,— деди. Бир вақт Нодирнинг тепасида тўхтаб қолди:

— Мана бу йигитингизнинг кетмон ушлашини қаранг, чапақай экан-ку.

Нодир кетмонни чапақай урарди. У кўп ер чопиб ўрганмаганлиги учун кетмон урганида қаддини бир текис тута олмас, гоҳ энгашиб дастага суяниб қолар, гоҳ гандираклаб кетарди. Бегибой унга қараб туриб, «Қойил, менга бер-чи», деб кетмонга қўл чўзган эди,

Нодир силтаб ташлади. Чалақайига яна тарақлатиб тупроқ кўчираверди.

— Бу ер ҳам катта бир мактаб,— деди Жўрабой ака Нодирнинг ёнини олиб,— ким онасининг қорнидан ўрганиб тушибди. Билмаганини ўргатамиз.

— Ургатинг, ўргатинг,— киноя аралаш деди Бегибой.— Шу дарёи азимлигингиз билан Фарҳодларни, Қайроқумларни енгиб келганингизга ҳайронман. Лекин Янгиер бошқа...— у чарчади шекилли, ўтов олдидаги стулни Жўрабой аканинг яқинига қўйиб ўтирди.

— Ҳаммаси ўзига, шароитига яраша,— Жўрабой ака ишдан қўлини олди.— У ерларда дарёни бўғиб, ГЭС қурган эдик, бу ерда шаҳар қурапмиз. Мана ўзингиз ҳам Олтинтопганда шаҳар қуриб кўрдингизку!

— О, Олтинтопганинг нимасини айтасиз. Тоғнинг ёнбағри, кўм-кўк арчалар... Ўйноқи сойлар, айниқса какликхўрликларни айтинг. Бир каклигим бор эди, ўзиям роса сайроқи эди. Дам олиш кунлари сайроқимни олиб, елкамга милтиқни ташлаб тоққа чиқиб кетар эдим... Арчанинг тагига бориб, каклигимни бойлаб қўйиб, ўзим бир чеккада писиб ётар эдим. Каклигим сайраган сари, атрофда гала-гала какликлар патир-путир учиб-қўниб олдига келаверар эди. Мен уларни якка ўқлик милтиқ билан пирс-пирс этказиб отиб олаверардим. Бир кунда саксон, юзга этказиб каклик овлаш ҳеч гап эмас эди. Оғайнилар билан бирга какликхўрлиг-у...

Эшмон унга жуда ҳавасланиб тикилиб қолди. Владимир бошини ликиллатди.

Бегибой ҳикоясининг бошқа пардасига ўтди:

— Лекин шу каклигимнинг ишқибозлари кўпайиб кетди. Битта каклик бозорда нарисини билан ўн беш-йигирма сўм турса, унга бир минг, бир ярим минг берамиз, дейишди. Сотмадим. Бир куни чойхонада икки минг, ҳатто икки ярим минг қилишди, кўнмадим. Ўша

куни чойхонада ошхўрлик қилиб ўтириб, дўппимни йўқотиб қўйдим, уйга келсам каклик йўқ. Ҳа, десам хотиним: «Мана ўзингиз дўппингизни бериб юбориб-сиз-ку»,— деди. Бир сапчиб тушдим, хотинимни бўғизлагим келди. Йўқ, номардлик қилишмапти, хотинимга икки минг сўм бериб кетишибди.

— Асл каклик экан-да,— мақтаб қўйди Жўрабой ака.

— Олтин эди, олтин,— лабларини учирди Бегибой,— лекин бу чўлда нима ҳам бор, на каклик, на бошқа ов?!

— Чўлнинг ичкари томонидаги кўлда ўрдаклар бор шекилли?— деб сўради Владимир.

— Шунақа дейишади. Бир бориш керак, лекин, бари бир, тоғдагидақа ов бўлмайди-да,— тебранди Бегибой. У болаларга ов ҳақида ёлғон-яшиқ гапларни гапириб берди. Бу орада Жўрабой акани, ҳадеб ишлайвермай ов-пов қилиб туришга даъват этди. У аллавақтда жўнар экан таъкидлади:

— Эртага ҳаракатларингни қилинглар, Гришадан хомтама бўлманглар!

5.

Эртаси куни эрта билан юк машинаси катта сув цистернасини келтириб, думалатиб кетди-ю, шу бўйи бу томонга доримади. Кун пешин бўлди, дам олиш соати тугади ҳам, на қум, на шағал ташийдиган машина кўринади, на бошқаси. Йигитлар хандақларнинг бир қисмини қазиб битказиб, энди унга бетон босишга шайланмоқда эдилар. Шағал, чағиртош ва қум элайдиган тўрлар ҳам тайёр. Аммо қум, шағал оз, цемент келтирилмаган. Бунга тушуна олмай қолган Умид Жўрабой аканинг гапи билан гаражга, ундан конторага чопди. У ердагилар:

— Қечаги 84-13 машина бугун ҳам сизларга юбо-

рилган. Сизларга бошқа машина йўқлиги учун берган-миз, лекин Бегибой уни талаб қилган эди,— дедилар.

— Қаёққа кетди бўлмаса?— шошиб сўради Умид. Бегибойнинг кечаги гапларини эслади. Унинг қўл остидаги ғиштчилар ишлаётган қурилиш сари чопди. Анчагина дала ва сайхонликлардан бирида яхмалакка тайғаниб, кунгай жойларда лой кечиб ўтиб, етиб борди. Бегибой ғишт уюмлари устида қўлини белига тираб турар, Гриша самосвалнинг кузовини лайлак қилиб, ғишт ағдарарди.

— Нима қилганингиз бу, Бегибой ака, бизга юборилган машинани йўлдан урибсиз.

Бегибой машина шовқинида Умиднинг сўзини эшитмас, одамларга ўшқирарди.

— Бегибой ака, бу ахир нима қилганингиз,— иккинчи марта қичқирди Умид. Шундан кейингина Бегибой қайрилиб қаради. Қаради-ю, нима гаплигини тушунди.

— Нима дейсан, кеча айтдим-ку, сенларга, ҳаракатларингни қилларинг, Гришани бермайман деб. Гриша менда ишлайди, бошқа шофёр топиб оларинг.

— Ахир бу машина бизга, шағал ташишга берилган!

— Машина керак бўлса, шофёр топиб оларинг. Бегибой орқасини ўгириб олди. Унинг тескари муомаласига Умид тушуна олмай қолди. «Нима бу, бошқаларнинг оёғига болта уришми ёки Бегибой ўз бригадаси учун жонкуярлик қиляптими?»

Умиднинг назарида ҳозир Бегибой кечаги кўрган ишбилармон ва ялхак одамига ҳам, ундан олдин бош ишженер ҳузурида учратган кишисига ҳам ўхшамас, мутлақо учинчи бир — ўжар, бетаъсир кимса бўлиб кўринди.

Бегибойнинг қилиғи шу ерда ғишт тушириб, ғишт ташиб юрганларга ҳам ёқмади. Бу нимаси, нима дағ-

даға, дегандек бир-бирларига қарашиб қўйдилар. Шофёр Гриша машинасини бир четга чиқариб, гоҳ Умидга, гоҳ ғишт устида тайтанглаб, тебранаётган Бегибойга тикилар эди.

Шу пайт ярим тикланган иморат орасидан чиқдимиди, орқа томондан келдимиди, эгнига калта чарм куртка ва почаси бўғиқ пахтали шим кийган бир қиз пайдо бўлди. У, Бегибойнинг дағдағасидан жанжал нима устида кетаётганини билиб, шофёрнинг олдига ўтди.

— Қани мен кўрай-чи,— қиз шофёрдан путёвкани олиб ўқиб кўрди.— Бетон завод полигони қурилишига дарёдан қум, шағал, цемент ташийди, деб кўрсатилган-ку.

— Кўрсатишган бўлса нима қилибди, ўртоқ техник,— юқоридан ўшқирди Бегибой,— ғишт ортишдаги ур-йиқитни кўрдингиз-ку, у ердан Гришага ўхшаган абжир йигит олиб келмаса, бошқаси удда қилолмайди, иш кейинга сурилиб, план бажарилмаса, ким жавоб беради?

— Бошқа шофёрлар ҳам олиб келяпти-ку!

— Бошқалар бир марта олиб келса, бу тўрт марта олиб келяпти, буни нега берар эканман!?

— Бетон полигони ҳам ўзимизники, ўзимизнинг бошқарманики-ку!— У билан қиз олиша кетди.— Шофёр талашиб, бошқарманинг ишига зарба берсак яхши бўладими? Эрта-индин биринчи қаватни тиклаб бўлсангиз, примичка, тўсин керак бўлади, унда нима қиласиз, буёғига бетон полигони қуришни кейинга сурганлар жавоб берсин, деб тураверасизми?

— Сиз, сиз ўзи тушунинг, ўртоқ техник,— Бегибой қўлини пахса қилганича ғишт уюми устидан келиб тушди. У тўсатдан омонат ғиштга оёғини қўйиб тойиб кетди. Қўллари шамол тегирмони паррагидек, ҳавода бир-икки айланди-ю, оёғи кўтарилди. Йўқ, ҳартугур ёмон йиқилмади, гуп этиб ўтириб, ғиштларга ёпишиб олди. Бошлиғидан қўрқинибми ёки уни ҳурматлашиб-

ми, ишчилар оғизларини бекитишиб кулгиларини аранг тўхтагишди. Умид юмалаб туриб келаётган Бегибойни унутиб, шаҳдам-шаҳдам гапираётган қизга тикилиб қолган эди. Умид чўлга келган куни техникумни битирган беш-олти техник қиз бу ерга ишга келганини эшитганди. Аммо, уларнинг орасида Нафиса бор-йўқлигини билмас, чўлнинг ҳар томонига ёйилиб кетган қурилиш бошқармаларидан қизни суриштиришга вақт топмаганди. Ўзига ҳимоячи пайдо бўлиши биланоқ ким экан, деб қайрилиб боқиб, қаршисида Нафисани кўрди. Унинг юзи тўлишган, қадди ўзига ярашган иш кийимида тирсиллаб турарди. Умид икки хатлаб қизнинг олдига ўтди.

— Нафисахон!

— Ия, Умид ака, сизмисиз, яхшимисиз,— қўл чўзди қиз ва яна Бегибойга қаради:

— Сиз нотўғри қилгансиз, Бегибой Ҳолиқович, бу машина ҳозироқ полигонга бориши, бир минут ҳам тўхтамай қум, шағал етказиб бериши керак.— Қиз Бегибойнинг бобиллашларига ҳам қулоқ солмай, шофёрни полигон томон жўнатди. Бегибой тутоқиб кетди. Умиднинг безбетлигини ҳам, техник қизнинг чўрт кесарлигини ҳам ўз обрўсига қилинаётган ҳужум деб билди. Тела сочлари тикка бўлди: «Бу бетга чопар Макар Афанасьевичнинг хонасида ҳам бир ҳунар кўрсатиб эди-я,— деди бўғилиб,— мен сени биламан, таърифингни қишлоғингдаёқ эшитгандим: Зикирдек йигитни чалган ярамассан-да! Чўлга келиб энди менга ёпишибсан-да, хумпар, қараб тур, ҳали!» Бегибой қалби ғазабдан ёниб, ичида яниб сўкар, фишт уюми атрофида гир-гир айланарди.

— Бари бир ўтказиб оламан, қараб турларинг ҳали, иш берадиган одамни мен ҳам биламан,— дерди гапни бошқа ёққа буриб. Унинг Гришага маҳкам ёпишиб олиш сабабига бу ерда ҳали ҳеч ким тушунмасди...

Умид билан Нафиса эса унинг дағдағаларини ҳам унутиб, бир-бирларига маҳлиё бўлиб қолгандилар.

— Умид ака, сиз бетон заводи қурилишида ишла-япсизми?— деди қиз мовий кўзлари ўша магазин олдида дуч келишганидагидек чарақлаб.— Чўлга келдингиз ҳам, қурилишда ишга тушдингиз ҳам... вой сиз-ей, ҳеч билмабман-а!

— Шунақа бўлди, мен ҳам сизнинг бу ердалигингизни энди билдим.

Буларнинг таниш чиқиб қолишлари Бегибойнинг энсасини қотирди. У ўз боши жойида эканлигига шубҳаланаётгандек, бўйинини уёққа-буёққа букиб, қимирлатиб олди-да, ғишт тераётганлар олдига кетди. У томондан эса яна кимгадир ҳайқиргани эшитилди.

Умид билан Нафиса ташқи оламни унутган эдилар.

— Қурилишнинг муҳим участкаларидан бирига қўйишибди, бу ерда отангизнинг оғайниси борлиги иш берибди-да,— дер эди қиз. Йигит эса:

— Омад келди шекилли, Нафисахон,— деди ҳазиломуз.

Нафиса Умиднинг қандай жойлашганини ҳам, колхозда ўзидан кейин нима воқеалар бўлганини ҳам, Уктам опанинг соғлиғи-ю, Нодирнинг кайфиятини ҳам сўраб чиқди. У суҳбатнинг шохидан баргига ўтиб кўтарилиб борган сари, майин овози йигитга ҳузур бахш этар ва у ҳам ўз навбатида қизнинг дипломини, янги ерга қандай келганини сўрарди.

Ўз техникларининг ғишт уюми олдида чиройли йигит билан гаплашиб қолганини кўришган ғиштчи таниш қизлар бирин-кетин буларнинг олдига кела бошлади. Қизларнинг ҳаммаси ҳам сиртдан ўзларини ҳеч нарса билмаган қилиб кўрсатишса ҳам, Нафиса уларнинг нигоҳларида яширинган кулимсираш ва бир чети ҳавасга ўхшаш учқунни кўриб турар, ўз навбатида қизларга фахр билан кулимсираб жавоб берарди. Умидни дугоналарига таништирарди ҳам:

шиб чиқа бошлади. Хандақ текис ва силиқ чиқди. Макар Афанасьевич ёш экскаваторчини қайта рулга ўтқизиб:

— Кўрдингми, шундай оч,— деди.

Экскаватор гулдираб текис тупроқ торта кетди. Макар Афанасьевич четроққа ўтиб, Умидга тушунтирди:

— Аданг Сиддиқжон тажриба қилган ишларидан биттаси шу эди, мана бу ерга зах сувни тортадиган янгича плита қувурлар кўмамиз, шаҳар тагида бир қатра ҳам сизот сув турмайди.— У яна қачонлардир чўлда шўрни йўқотиш устида ишлаган бир олим ҳақида гапирди, Умид қизиқиб суриштирди, отасининг тажрибаларидан у фахрланарди. Нодирнинг эса: «Нега керак буларга бунақа гаплар-а»,— деб сабри тошиб борарди...

Макар Афанасьевич билан хайрлашиб йўлга тушдилар. Ичи чала-ярим сувоқ қилинган мактаб биноси хоналарини тўлатиб ўтириб, дарс ўқишаётган саксон-тўқсон чоғли йигит-қизларни кўрдилар. Улар янги очилган тректорчилик курсининг ўқувчилари эди.

— Яқинда янги ерларга ҳужум бошланади. Янги тракторчилар, прицепчилар керак. Булар шунга ўқиш-япти,— деб тушунтирди Умид. Нодирнинг ўзи ҳам буни эшитган эди. Мактабнинг ярим очиқ деразаларидан бўйнини чўзиб қаради-ю, индамай кетаверди. Бу ердан ўтиб, янги қурилажак бинолар пойдеворига бетон қуйиш учун тахта қолип ишлаётган дурадгорларга, битган бинолар эшигини қоқаётган усталарга, ҳатто шаҳарнинг бўлажак боғи майдончасини чамалаб, бу йил қаерга қандай гулларни экамиз, деб мўлжаллаб юрган икки кекса боғбонга ҳам дуч келдилар. Шаҳар комсомол комитети учун махсус ўтов қураётган ёшлар олдидан ўтдилар.

Йўл устида Нафисага рўбарў келишди. Қиз ўзида йўқ даражада хурсанд, дам кулади, дам олдида турган

басавлатгина бир йигитнинг кифтига туртиб-туртиб қўяди. У Умидга мақтана кетди.

— Умид, Нодир, яхши келдинглар, мана, бизнинг участкамиздаги ихтиро билан танишинглар, тунов кунигина қоришма сўрадиган шлангани ишга туширган-дик, бугун Микола уни яна бир ихтиро билан бойитди...

Умид билан Нодир катта лой тоғора четига ўрнатилган кичкина моторни берилиб томоша қилдилар. Мотор асосан шлангалар билан қорилган лойни бионинг юқори қаватига сўриб узатишга хизмат қилар, Микола деган йигитнинг қилган иши эса, мотор ҳаракатининг бекор кетадиган бир қисми кучидан фойдаланиб, ёғоч тоғорадаги лойни аралаштириб турадиган икки темир асбоб эди.

— Бунда бир-икки одам кучини тежаймиз. Бу ихтиро менинг участкамда бўлди. Бунинг учун сенга мукофот ҳам олиб бераман,— севинганидан чапак чалар эди қиз.

Микола бир четда: «Жуда мақтавординг»,— деб кулимсираб турарди.

Нодир дўсти Умиднинг бу янгилик учун Нафисадан камроқ қувонмаётганлигини кўрди. У ҳам қафтларини ишқаб, лой тоғора атрофида айланарди.

Нодир темир таёқчаларга тикилиб турди-да, хайрлашмай жўнаб қолди. У ўз-ўзича: «Мен кичкина бола эканманми, мунақанги одамларни кўрмапманми, қурилишма-қурилиш айлантиради», деб сўкинарди.

Нодир орқасига қарамай кетвермоқчи эди, лекин чойхона олдида Жўрабой ака билан гаплашиб турган бир йигитга дуч келиб қолди. Буларнинг гапи қулоғига ғалати чалинди. Ёнларида тўхтади. Орқама-орқа Умид етиб келди.

— Бари бир кетаман, жонингни жабборга бериб ишлаганинг билан уч пақирлик қадрингга етмас экан. Ҳақни айтсанг ёмон отлиққа чиқаркансан,— дерди тажанг йигит.

— Нега бундай қиялсан?— деди Жўрабой ака.

— Э, сўраманг,— қўл силтади йигит.— Саккиз кетмон урмасингдан билқ этиб, сув чиқиб кетадиган жойга шунча одамни олиб келиб шаҳар қурамиз деб ўтиришибди-я, булардан нима ҳам кутиб бўлар эди.

Гапнинг қалтис томонга бурилиши баъзиларнинг эъсасини қотирди. Нодир унга жиддий қулоқ тутарди.

— Ўзинг ҳам ол деса олақопни олиб югурадиган бўлибсан-да,— бир йигит уни майна қилиб кулди.

— Шаҳар қуриш планини тузганлар шуни ҳисобга олгандир, уларда ҳам сенчалик ақл бордир, ахир,— деди барваста йигит.

— Нима, улар ҳам сен билан менга ўхшаган одамда,— яна баланддан келди тажанг йигит.

— Мирзачўлда ерости сувлари кўплиги аниқ,— деди Жўрабой ака.— Бу ерларни ўзлаштиришнинг қийинчилиги ҳам шунда. Лекин бу бизнинг қўлимизни боғлолмайди.

— Боғламаган билан биз уринаверамиз, у қулай-веради. Бу ернинг шамолларини, шўрларини биласизми ўзи?!

Баъзилар, бу шунақа, бўлар-бўлмас гапларни қувавериб, эсини еб қопти, деб ўйлаб, бошқа ёққа ўгирилиб олишди. Умид ундан кўзини узмасди.

Жўрабой ака боплаб жавоб қилди:

— Қанақа гапларни қиялсан ўзинг, ўрта асрда, ботқоқзорда Петербургдек шаҳар қуришган. Биз шунча куч, шунча техника билан қурган шаҳаримиз нураб кетаверадими?! Гапнинг қара-ю.

Баҳсинг кети Нодирга ёқмади, ҳамма гаплар, ҳамма ишлар унинг хоҳишларига, тушунчаларига тескари келиб, ҳафсаласини пир қилар эди. У аста узоқлашди.

Нодир футбол майдончаси қуриш учун жой мўлжаллаб юрган йигитлар олдидан ҳам, деразаларидан шўх қаҳқаҳа эшитилаётган вагонеткалар, ётоқлар ёни-

дан ҳам шуурсизгина ўтиб борарди. Ҳамма жойда шавқ-завқ, жўшқин ҳаракат, интилиш. Аммо булар ҳозир Нодирнинг қалбига сингмасди. «Мен ўйлаган иш ҳам бўлмади, бетони жонга тегди»,— дерди у.

Кечқурун ўтовда Иосиф биринчи бўлиб гап қотди:

— Ҳамма участкаларни айланибсизлар, қалай, у ерда қўйилган бетонларни ҳам кўрдингларми?!

Бу гап Нодирга яна оғир ишни эслатди. У индамади.

2.

Чўл томондан келган автобус: «Янгиер шаҳари. Тўхташ жойи», деб ёзиб қўйилган тунука тахтача олдида тўхтади. Автобусга чиқувчи ва тушувчилар анчагина бор эди. Биров чамадон ва қоп-кажовларини шошиб, сургаб туширар, биров шляпасини бостириб, чарм папкасини қўлтиғига қисганича одамлар орасида уриниб, автобусга чиқар, яна биров — будка ва магазинларга югуриб, папиросми, нонми, харид қилишга шошилар эди. Шу пайт катта кўчанинг қарши томонидан ўтиб келаётган паст бўйли, бароқ қош йигит автобусга қараб қолди.

Машина ичидаги танишига кўзи тушди шекилли, тўсатдан юзлари ёришиб, деразани тақиллата бошлади.

— Ҳой, ҳой, хўжам, менга қара. Туш буёққа, шунақа керак бўлиб туриб эдинг-ки!

Автобусдаги йигит ҳам пастдагини таниб, тишининг оқини кўрсатди. Кўчадагиси эшикдан айланиб кирди. Йўловчи: «Шаҳарга кетаётиб эдим, нима ишинг бор, гапирсанг-чи», деганига қарамай, ёпишиб олди.

— Туш, ҳозир туш, икки кундан бери сени қаердан топтурсам экан деб, бошим қотиб юриб эдим, хизрни йўқласам ҳам бўлар экан,— деди ва шеригининг би-

летини қўлидан юлқиб олиб, кимгадир «инъом қилиб» юборди.

Иўловчи, ноилож тушди. Тўғри ошхонага боришди.

— Шу ердан ўтиб, тўхтамай кетяпсан-а, сени қара-ю, ўзим ҳам дўконни эндигина бекитиб, овқатланишга чикувдим. Ишларинг қалай, тинчитдингми?

— Тинчимайдиган иш борми?

— Ҳа, тушундим, ҳайфсан билан қутилдингми? Ҳеч нарса қилмайди, жуда зўр келса меҳнат дафтарчасини баҳридан ўтиб, янгилаб оласан қўясан-да. Жаззаси пул... Ишқилиб, хит бўлмапти, парво қилма, тўғрилаймиз, ҳаммасининг ўрнини тўлатамиз...

Бир-икки рюмка кўтарилгач, иўловчи ҳам тилга кириб қолди.

— Ҳаммасининг ҳиссасини чиқаришим, ҳаммасининг аламини тарқатишим керак,— деди у.

— Иш бор, Зикир оғайни, жуда ёғлиқ. Ҳаммасининг ҳиссаси чиқиб кетади, бу чўли малигида сопини ўзидан чиқариб кетмасак нима қилиб юрибмиз?

Зикир, кабоб тишлаб туриб, «биламан» дегандек илжайиб қўйди. У нима ҳам демоқчи эди-ю, гапи узиллиб тўхтаб қолди. Кўзлари ошхонага қийқиришиб, шўхлик қилишиб кириб келаётган бир тўда қиз ва йигитларга қадалганди. Улар ичида Нафиса ҳам бор эди.

— Момақаймоқ қизлар ҳам кўп бу ерда,— Зикирни қизиқтирмоқчи бўлди шериги.— Битта-яримтаси ёқиб қолдими, дейман. Ҳа-ҳа, унисими, 3-бошқарманинг техниги-ку, дидинг чакки эмас. Шу ерда бўлиб турсанг эвини қиламиз.

Зикир кабобни қўйиб, папирос тутатди ва Маъдига синовчан боқди.

— Одамни эритадиган нарса экан-ку, эгаси йўқмикин?— деб сўради атайин.

— Эгаси бўлганда нима! Зикир билан Маъдининг тўрига илинмайдигани бор эканми?!..

Иккиси завқланиб кулди. Зикирнинг юрагида илгаридан шу жононга етишиш охи бор эди, яна хоҳиши жўш урди. Маъди уни тобора қизиқтирарди, кўкрагига бош бармоғи билан туртиб:

— Бу ердан урган бўлса-чи, а?!— деди.

Зикир Маъдининг кафтига кафтини қўйди. Қизлар овқатланиб бўлиб, чиқиб кетдилар. Ошхонанинг бир четига қисилган Зикир ва Маъдига қарамадилар ҳам.

— Энди ҳалиги ишни гаплашайлик, юр буёққа,— деди Маъди қизлар кетгач. Иккови Маъдининг магазинига кириб, эшикни ичидан қулфлаб олдилар. Омборхонага ўтиб, Зикирга турли этиклар, ботинкалар уюмини кўрсатди.

— Мана булардан машина-машина келяпти, сотяпмиз, бошқармаларга ўтказаяпмиз ҳам... Тунов куни тоғдаги қариндошларимизникига бориб билиб келдим... У ерда бу молларга ҳозир кўзи ўйнаб турганлар кўп экан. Фактураларини сотдик деб тўғрилаб, бир машинасини ошириб юборсак, тенг бараварига фойда-да!

— Уёқда қандай сув қилиш мумкин?

— Бир танишим билан гаплашиб келдим. Уша гум қилиб беради.

— У ёғини яхши пиширибсан, лекин синашта шофёр бўлмаса!.. — бошини қашиди Зикир.

— Эй, шофёрдан ғам ема,— далда берди Маъди.— Сендан, мендан ҳам ишончлироқ шофёр бор.

— Қим экан?

— Ўзимизнинг Гриша-да.

Зикир Маъдининг елкасига бир туширди.

— Эсимга келмабди у, ҳали ҳам шу ердами?

— Шу ерда, олдингисидан ҳам яхшироқ хўжайиннинг қўлида. Бегибой ака деган, Олтинтопгандан келган.

— Э, ўзимизнинг акамиз-ку! Бўлди-бўлди.

— А, буёғи ҳам миҳдек экан-у,— суюниб кетди

Маъди.— Гришани бошқармадан бошқа бригадага ўтказиб қўйишган эди, Бегибой ака жанжаллашиб юриб, яқинда уни яна ўзига олди.

— Иш чиқадиган одамни биледи-да.

— Бегибойни яна бир мойлаб қўлга олсак бўлди, Гриша бизники бўлади, унга бир кун ошириб сотадиган гиштининг пулини берсак бас. Хуллас, ҳаммаёқ миҳ. Энди, оғайни, ўзим билан бўласан, ёз келса тоғ томонлардан узум, олма олиб келсанг, баб-баравар фойда қилаверасан.

Зикир тиржайди.

3.

Нодирнинг меҳнатга кўниколмай ўзини минг ёққа уриши Умидни қийнаб юборди. У Умидга: «Адамнинг оғайниси деб орқа қилиб келган одамнингни қара-ю, одам эмас экан-у»,— дерди сўкиниб. Умид «Макар акага айтсам айтиб, шуни жўнроқ ишга ўтказдирсам ўтказдира қолай. Қулоқ мияни еди», деб ўйлади. Ишдан чиққач, ётоққа кириб кийинди. Нодирга Макар Афанасьевичнинг уйига кетаётганлигини айтиб жўнади. Нафиса ҳам бугун ишдан кейин тунов кунги ихтиро лойиҳасини, бош инженерга олиб бориб кўрсатмоқчи эканлигидан хабардор эди. Кундузи кўрганида қиз: Макар Афанасьевичга ихтирони айтдим, кундуз қўлинг тегмаса, схемасини ишдан кейин уйга олиб бор, дедилар, бугун бораман, деган эди. «Қай вақт борар экан? Ҳовлиқиб, ҳозироқ борар»,— деб ўйланиб кетар эди йигит. «Йўлда кўриб қолсам эди...»

У шунақа хаёл билан катта йўл четида — магазин атрофида айланишиб қолди. «Борса ҳам шу ердан ўтади, балки келиб қолса бирга бораман». Йигит нима учун қалби шу қизга талпинаверишини, нима учун уни кўргиси, гаплашгуси, бирга бўлгуси келавериши сабабини ҳали чуқур ўйлаб кўрмаган эди.

Умид дам-бадам йўлга тикиларди, магазинга ҳам кириб чиқди, катта йўлдан ўтаётган автобусларни томоша қилди. Аммо магазинчи йигит — Маъдининг қовоқлари осилиб, ёмон қараганини ҳам, у кириши билан магазинда бир соя лип этиб қоронғиликка ўтганини ҳам сезмади.

Нафисалар билан бир ётоқда турадиган Зулфира исмли семиз жувон ошхона томондан келиб қолди. Унинг қўлида елимдан ясалиб, атир сепилган бир дона қизил гул, гўштдор юзларига қалин қилиб упа чап-ланганди. Умид уни танир, клубда бир-икки марта бирга танца ҳам тушган эди. Зулфира гулини ўйнаб, унинг йўлига кўндаланг бўлди.

— Чиройли йигит, туришингиз бошқача?!— деди.

— Шундоқ, ўзим.

— Ясангансиз, мабодо ёлғиз кинога кетаётганингиз йўқми?

— Йўқ, Макар Афанасьевичникига кетаётиб эдим, ишим бор, — тўғриси айтиб қўя қолди Умид.

— Макар аканикида нима бор шу вақтда,— ноз билан гулини ҳидлаб, орқа-олдимни кўриб қўйинг, дегандек буралди.— Ундан кўра мени кинога олиб тушинг.

Бу гаплардан кейин Умид тетикланиб, унинг кўзларига кўзларини қадади, лекин пинагини бузмади. Зулфиранинг бир оз чакки оёқ босишини ва айниқса келишганроқ йигитларни кўрганда суркалавериш одатини эшитганди. Узига ҳам бир-икки шунақа суркалиб ўтган эди. Нозик пайтда яна суркалиб келиши ғашини келтирди.

— Кино кечқурун бўлади-ю,— деди ундан қутулиш учун баҳона қидириб.

— Унгача мени овутинг, қаёққа десангиз бораман.

Бу гал йигитнинг бошига қон югурди. Бир Зулфирага, бир йўлга қаради. Узига узатилаётган елим гулга қўл чўзиш-чўзмаслигини ҳам билмай қолди. Зулфи-

ранинг кўзлари ёниб, йигитнинг кўнглидан нозик жой қидирарди. Лекин йигитлик номуси устун чиқди. Умиднинг қалби, муҳаббат хирсада эмас, покликда, вафода бўлади, дея шивирлаётгандек бўлди. Зулфиранинг гул тутган қўлини итариб ташлаб, нари бурилди.

Узини шунчалик паст тутиб, йигитни ялинтириш ўрнига ўзи ялингани Зулфирага алам қилди.

— Кейин алам қилиб юрмасин, тагин йигитмисиз,— деди жийрилиб Зулфира. Бу Умидга ботди.

— Бемаъни гапга ўтманг,— деди у кесиб.

Шунинг устига ихтиро схемаларини думалоқлаб қўлтиқлаганича Нафиса келиб қолди.

— Умид ака, Макар Афанасьевичникига бормоқчи эдингиз. Юринг борсангиз.

— Бораман,— деди унга пешвоз чиқиб Умид.

Икков тез-тез одимлашганича, Макар аканикига жўнадилар.

Зулфира бўлса, уларнинг орқасидан жуда хунук қараб қолди, алланималар деб қарғади ҳам. Унга ҳозир жуда-жуда алам қилиб кетган эди, магазинга кириб кетди...

4.

Макар Афанасьевич уйида экан. Умид билан Нафисани жуда суюниб кутиб олди.

— Келинлар, келинлар,— бош инженер ёшларга жой кўрсатиб, дастурхон ёзишга тутинди.

— Ҳеч нарсага уринманг, нима керак бўлса ўзимиз топиб оламиз,— деди кулиб Нафиса. У ихтиро схемаларини ёзди, тафсилотларини айтиб, уни қўлланганда қанча ишчи кучи тежалиши, вақтдан қанча ютилиши мумкинлиги ҳақида гапирди. Макар Афанасьевич унга қулоқ тутарди-ю, аммо ўзи жуда ўйчан, маъюс кўринарди. Бунга ҳаммадан олдин Нафиса пайқади:

— Бирор ерингиз оғрияптими, Макар Афанасьевич? Нега хомушсиз?!

— Йўқ, қизим, қани гапираверинг.— Бу билан Нафиса тинчий олмади. Қитоблар устида ётган очиқ конвертга ва бир парча қоғозга қараб деди:

— Нима гап, бирор кўнгилсиз хабар олдингизми?

— Йўқ, ҳаммаёқ тинчлик, урушда йўқотган қизимни яқинда яна қидиришга берувдим, шундан жавоб келди.

— Шунга айтмайсизми?— хатни чаққонлик билан қўлига олди Нафиса.

— Яна илгариги гапларнинг ўзи,— деди Макар Афанасьевич ҳафсаласизлик билан,— Бегибойнинг гапи билан бергандим. Бу гал ҳам наф чиқмади.

Нафиса хатни ўқиб бўлиб, Умидга узатди. Унда, Надя Макаровна Гаврилова деган қизнинг бирор ёққа юборилганлиги ҳақида ҳеч қаерда ҳеч қандай маълумот йўқлиги, архив материалларида ҳам бу ҳақда ёзилмаганлиги айтиларди. Макар Афанасьевичларнинг қишлоғи атрофларида бомба тушган уйдан қутқарилган, номи адашиб кетган Наталия исмли қизни кейин ота-онаси топиб олиб кетганлиги маълум қилинар эди.

Нафиса Макар Афанасьевичнинг қизи ҳақидаги гапларни илгари ҳам эшитганди. Шунинг учун инженернинг кўнглини кўтаришга уринди.

— Хафа бўлманг, умидингизни узманг. Соғ бўлса бўлди, бир кун бўлмаса бир кун топасиз,— деди у. Умид ҳам унга қўшилиб, Макар акага таскин берган бўлди.

— Қизимнинг руҳи доим мен билан бирга, у назаримда атрофимда ўраллашиб юргандек,— деди ота.— Шунинг учун сира умидимни узолмайман.

— Ундай бўлса, топилади,— деди Умид тамом ишонч билан.

— Ана сурати,— деди Макар Афанасьевич рамкага солиб, уй тўрига осиб қўйилган суратга ишора қилиб. Бу ўша Сиддиқ аканинг ёнчўнтагидан чиққан суратнинг ўзи эди. Икки гўдак — Умид ва Надя қийқир-

шиб турарди. Катталаштириб ишлангани учун унда гўдакларнинг семиз қўллари янада тўлишиб, ҳатто Надянинг қўлидаги холи ҳам яққол кўриниб тушган эди.

Нафиса суратдан кўз олмай узоқ тикилиб туриб қолди.

— Жажжи қизча экан,— деди у.— Умид ҳам ширингина чақалоқ бўлган эканлар,— деди.

Ҳаммалари барабар кулишди. Шундан кейин ҳам Нафиса суратга икки-уч бориб, тикилиб-тикилиб келди. Сўнг учов яна схема устига энгашдилар. Яна суҳбат хат ва сурат устига кўчди. Нафиса бу орада чой дамлаб келди. Анча вақт чой ичиб ўтиришди. Аммо Умид Нодирнинг арзи-ҳолини Макар Афанасьевичга айтишга пайт тополмади. «Қолхозда ишлаб кўрмаганда, қийналяпти», дейишга ийманди, «ўзи нозикроқ йигит эди», дейишга тили бормади. Нафиса ҳам, Макар ака ҳам, бунақа жони бўш экан, чўлга келиб нима қилар эди, деб ўзини уялтиришаётгандек бўлаверди. Макар Афанасьевич эса уларни уйдан чиқаргуси келмас, латифалар айтиб берад, ҳазиллашарди.

5.

Кечаси билан ранги сарғайиб чиққан Нодир эрта билан инқиллабгина турди. Ечмай ётган пахтали шими ва пайтавалари устидан этигини тортиб кийишга эриниб, чап ёнбошига ағдарилди. Умид ҳам ўрнида ёнгшиб ётарди. Утовда ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини билиб, Нодир Умидни туртди:

— Тур кетамиз...

— Қаёққа?

— Уйга,— товуши томоғидан чўзилиб чиқди Нодирнинг.— Макар акангдан ҳам гап чиқмади.

— Эсингни едингми,— деди Умид қаддини кўтариб,— чўлга жўнаш олдидан кўкрагинга уриб, оғиз кўпиртирганларинг, одамларга қилган гапларинг ёдингдан чиқдими? Бу гапингни қўй.

— Йўқ, қизим, қани гапираверинг.— Бу билан Нафиса тинчий олмади. Китоблар устида ётган очик кон-вертга ва бир парча қоғозга қараб деди:

— Нима гап, бирор кўнгилсиз хабар олдингизми?

— Йўқ, ҳаммаёқ тинчлик, урушда йўқотган қизим-ни яқинда яна қидиришга берувдим, шундан жавоб келди.

— Шунга айтмайсизми?— хатни чаққонлик билан қўлига олди Нафиса.

— Яна илгариги гапларнинг ўзи,— деди Макар Афанасьевич ҳафсаласизлик билан,— Бегибойнинг га-пи билан бергандим. Бу гап ҳам наф чикмади.

Нафиса хатни ўқиб бўлиб, Умидга узатди. Унда, Надя Макаровна Гаврилова деган қизнинг бирор ёққа юборилганлиги ҳақида ҳеч қаерда ҳеч қандай маълумот йўқлиги, архив материалларида ҳам бу ҳақда ёзилмаганлиги айтиларди. Макар Афанасьевичларнинг қишлоғи атрофларида бомба тушган уйдаи қутқарилган, номи адашиб кетган Наталия исмли қизни кейин ота-онаси топиб олиб кетганлиги маълум қилинар эди.

Нафиса Макар Афанасьевичнинг қизи ҳақидаги гапларни илгари ҳам эшитганди. Шунинг учун инженернинг кўнглини кўтаришга уринди.

— Хафа бўлманг, умидингизни узманг. Соғ бўлса бўлди, бир кун бўлмаса бир кун топасиз,— деди у. Умид ҳам унга қўшилиб, Макар акага таскин берган бўлди.

— Қизимнинг руҳи доим мен билан бирга, у назаримда атрофимда ўралашиб юргандек,— деди ота.— Шунинг учун сира умидимни узолмайман.

— Ундай бўлса, топилади,— деди Умид тамом ишонч билан.

— Ана сурати,— деди Макар Афанасьевич рамкага солиб, уй тўрига осиб қўйилган суратга ишора қилиб. Бу ўша Сиддиқ аканинг ёнчўнтагидан чиққан суратнинг ўзи эди. Икки гўдак — Умид ва Надя қийқири-

шиб турарди. Катталаштириб ишлангани учун унда гўдакларнинг семиз қўллари янада тўлишиб, ҳатто Надянинг қўлидаги холи ҳам яққол кўриниб тушган эди.

Нафиса суратдан кўз олмай узоқ тикилиб туриб қолди.

— Жажжи қизча экан,— деди у.— Умид ҳам ширингина чақалоқ бўлган эканлар,— деди.

Ҳаммалари барабар кулишди. Шундан кейин ҳам Нафиса суратга икки-уч бориб, тикилиб-тикилиб келди. Сўнг учов яна схема устига энгашдилар. Яна суҳбат хат ва сурат устига кўчди. Нафиса бу орада чой дамлаб келди. Анча вақт чой ичиб ўтиришди. Аммо Умид Нодирнинг арзи-ҳолини Макар Афанасьевичга айтишга пайт тополмади. «Колхозда ишлаб кўрмаганда, қийналяпти», дейишга ййманди, «ўзи нозикроқ йигит эди», дейишга тили бормади. Нафиса ҳам, Макар ака ҳам, бунақа жони бўш экан, чўлга келиб нима қилар эди, деб ўзини уялтиришаётгандек бўлаверди. Макар Афанасьевич эса уларни уйдан чиқаргуси келмас, латифалар айтиб берад, ҳазиллашарди.

5.

Кечаси билан ранги сарғайиб чиққан Нодир эрта билан инқиллабгина турди. Ечмай ётган пахтали шими ва пайтавалари устидан этигини тортиб кийишга эриниб, чап ёнбошига ағдарилди. Умид ҳам ўрнида фингшиб ётарди. Утовда ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини билиб, Нодир Умидни туртди:

— Тур кетамиз...

— Қаёққа?

— Уйга,— товуши томоғидан чўзилиб чиқди Нодирнинг.— Макар акангдан ҳам гап чиқмади.

— Эсингни едингми,— деди Умид қаддини кўтариб,— чўлга жўнаш олдидан кўкрагингга уриб, оғиз кўпиртирганларинг, одамларга қилган гапларинг ёдингдан чиқдими? Бу гапингни қўй.

Ҳозир Нодирнинг юрагида номус ўти, йигитлик лафзи, ориятдан кўра худбинлик, ўжарлик устун турарди. У дўстининг кўзлари тагидаги виждон изтиробини, орият ўтини кўра олмас эди.

— Кетаман дедим, кетаман, яхшиси бирга кетамиз. Нима, бизни кетди деб отиб юборишармиди?! Нафиса ҳам сени яхши кўрса кетингдан борар, ўзининг қишлоғи-ю.

— Бўлди, бас қил,— деди ўзини тутолмай Умид.

Шу пайт тарақа-туруқ қилиб эшик очилди, остонада Иосиф пайдо бўлди. У буларнинг жанжалини эшитганди. Бир Умидга, бир Нодирга аланглаб қараб қолди. Булар эса ҳеч нарса бўлмагандек кийимларини тўғрилашарди.

Бора-бора Нодирнинг нияти чинакамига бузилди. У ўртоқларига зимдан тунд назар билан тикилиб қўяр, белкуракка суянганича узоқ-узоқ туриб қоларди. Ишга ҳам гоҳ пала-партиш ёпишиб кетар, гоҳ узоқда бот-бот кўриниб-йўқолиб кетаётган автобуслардан кўз олмасди. Кечқурун Нодир, ўтовда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, беҳосдан йиғиштиринишга тутинди. Нарсаларини чамадонига жойлади, кўрпаларини ҳам ростлади. Овқатдан кейин ҳар куни ярим тунгача ўтирадиган йигит бугун ҳаммадан бурун кўрпа ичига кириб бурканди. Ҳар замонда кўрпа ичидан бошини чиқариб, каравоти устига чўнқайганича нималарнидир чатиб ўтирган Жўрабой акага, узун столнинг икки бошида мукка тушиб олиб, нимадир ёзишаётган Умид ва Иосифга, каравотига ёнбошлаб китоб ўқиётган Владимирга қараб-қараб қўярди. Булар кейинги кунларда Нодирнинг «ғалатироқ» бўлиб қолганига ортиқча эътибор ҳам қилмагандилар. Фақат Умидгина «нималар ҳақида хаёл сурасан», деб бир-икки койиб қўйди. Нодир унга зўрма-зўраки жилмайишдан бошқа жавоб қилмади.

Аксига олгандек, бугун Жўрабой аканинг ҳам гап-

донлиги тутиб кетди. Фарҳодда, Қайроққумда қоя ағдарганлари, дарё бўғанлари ҳақидаги қиссаларидан гапирди.

— Худди, баъзи хомсемиз раислардек, оёғи ингичкалашиб, икки ёнга тарвақайлаб, боши зўлдирдек кичрайиб, думалоқлашиб кетган қоялар, тепалар,— деб ҳикоя қиларди у,— шунақа қоялар тагидан ўйиб, кавлаб ичига кириб кетар эдик. Кейин порох қўйиб, портлатиб ағдарардик. Аравадек-аравадек келадиган харсангтошларни ажратиб олиб йўнардик, уни Фарҳод тўғонининг тагига босар эдик.

Умид, Иосиф, Эшмон ва Владимирлар унинг ҳикоясини жон қулоқлари билан тинглардилар. Нодир истар-истамасгина қулоқ солиб ётарди.

— Шундай зўр ишларни бажараётган пайтингда қўл остингдаги ёрдамчиларинг ҳам ишга бажонидил ёпишадиган азаматлар бўлса яхши-я,— давом этди Жўрабой ака,— лекин менинг қўл остимдаги йигитлар орасига иш кўрмаган, махсимча бир йигит аралашиб қолди. Одамлар бараварга ҳа-ҳалашиб харсангга ёпишса, у ҳам «ҳа, бўл, ҳа ол» деб башарасини буриштириб кўтаришарди. Мундоқ разм солсам, ҳақиқатда ўзини заррача уринтирмай, харсангнинг бир четидан ушлаб тураверар экан. Ёни-веридагилар қизариб, терга ботиб кетишяпти. Унинг пешонасида милт этган томчи кўринмайди. Ҳамма ҳаллослаб, ўпкасини тутолмай ўтириб қолганида, у оёғини чалиштириб, қўлини қўлтиғига тикади, лабига папирос қистириб, қурбақа пойлаган турнага ўхшаб безрайиб олади. Эрталаб ишга келган пайтда унча-мунча одам билан сўрашгиси ҳам келмайди. Иш ҳақиқа келганда, кассага ҳаммадан олдин чопиб боради, нега меники кўп эмас, мен ҳам ишлаганман, деб ўшқиради. Ҳаммамизнинг кўзимизга балога ўхшаб кўриниб қолди. Йигитлар ҳам унинг қаллоблигини пайқаб қолишиб, ҳалигидақа қилганда таъзирини берадиган бўлишди. Лўлилик қила бошла-

ган эди, бошқаларнинг устига ўлигини ташлай олмай-
диган ишга тўғрилаб қўйдик. Аравани кўпчилик билан
баравар тортишишга фирромлик қилиб ўрганган одам
дош беролмаслигини айтди.

Биз уни ҳалоллик йўлига бошлаб, шатакка олмоқ-
чи бўлдик, йўқ, унга ҳам чидай олмай, бир куни кеча-
си чамадонини кўтариб, жуфтагини ростлаб қолди,
унга ачиндик, холос.

«Жуфтагини ростлаб қолди» жумласини эшитибоқ,
Нодир кўрпага ўралиб, юзларини бекитди...

6.

Севги юракнинг иши дейдилар, баъзилар эса, йўқ,
севги кўзнинг иши, хаёлнинг хоҳиши, дейдилар. Бош-
қалар эса йўқ, сеvgи тафаккурнинг, идрокнинг ҳукми,
яхши, олижаноб ҳислар такомили, дея тушунтирадилар.
Билмадик, Нафисада булардан қай бири устун кел-
ган-у, қишлоқда Умид билан кино кўрган кечасидан
бери сеҳрланиб қолганди. Ёз жазирамалари-ю, қиш
изғириллари юз ва қулоқларини яхшигина чимчилаб
ўтган бўлса ҳам, аммо ҳаётда ҳали ғаддорлиг-у, мақ-
сад йўлида учрайдиган пасту баландликларга дуч кел-
маган қиз борлиги билан Умидга интиларди, унинг
хаёли билан яшар, унинг қилган ишлари, мақтовидан
тенгсиз шукуҳ топарди.

Вагонетка деразасидан суқилиб кирган қуёш нури
Нафисанинг кўзларига тушди, юзларини қитиқлади.
Қиз мовий кўзларини очди-ю, енгил сапчиб ўрнидан
турди. Тўзиган сочларини текислаб, деразадан ташқа-
рига боқди. Ёш боладек атак-чачак қилиб, қаддини
тиклаётган шаҳар ҳам юзлаб палаткалари, ўнлаб янги
уйлари, паст-баланд пойдеворлари, уюм-уюм фиштлири
орасидан янги кунни — дам олиш кунини алоҳида зо-
риқиш билан кутиб олаётгандек эди. Шаҳарча қўйни-
га бугун артистлар келади. Нафиса ҳам уларни кўра-

ди. Аввал шу деразадан қараб уни кўради-ю, олдига боради. Сўнгра у билан бирга одимлашади.

— Нафиса, мунча қараб қолдинг, у шу вақтда келармиди?— қаҳ-қаҳ уриб кулди Муяссар. Нафиса жавоб бериб улгурмаёқ, Шура олди:

— Ҳозир келиб, мени шу диркиллаб турган вақтимда кўрсайди, демоқчи-да.

Қизлар қийқиришиб кулиб юборишди. Кулги товушидан тўнтарилиб ухлаб ётган Зулфира ҳам уйғонди. Уйқу орасида қизларнинг гапи ярим-ёрти қулоғига кирган эди:

— Яна унинг хушторини гапиришяпсанларми?— деди пахмайган сочли бошини қашиб.— Гапириб қолларинг, буни ҳам авраб юриб, тузоққа тушириб кетмас бўлди.

— Нима деяпсан?— сесканиб кетди Нафиса.

— Эшитганимни гапиряпман-да,— Зулфира ихраб ўрнидан кўзгалди,— эшитганимни. Нима дердим!.. Игитингни ўлгудек фитначи, беқарор дейишяпти. Қишлоғида туппа-тузук боланинг оёғига болта уриб, қамаиб юборишига оз қолган экан-ку!

Нафиса гапнинг тагини энди билди. Лекин бу гапни Зулфира қаердан эшитганлигига ҳайрон қолди. Дугоналари олдида лоҳас тортди. Аммо Нафиса Зулфиранинг Умидга қилган кечаги қилиғидан, ундан олган жавобидан беҳабар эди.

— Ёлғон, бўҳтон,— титраб деди Нафиса.

— Туҳматчи, ёрилгур, қаердан олдинг бу беъмани гапни,— Муяссар ва Шуралар ҳам Зулфирага ёпишдилар.

— Эшитганимни гапирдим-да,— деди кийимларини ярим яланғоч эғнига илар экан Зулфира. Намунча ҳамманг энтикиб ўлмасанг. Бизлар ҳам севганмиз, ҳа, севганинг шунақа қордек оппоқ, пардек юмшоқ кўриनावеради.

— Нимани эшитдинг, гапир!

Зулфира ийдамай ювингани чиқиб кетди. Муяссар билан Шура унинг орқасидан қаргаб қолишди.

— Парво қилма бунақа гапларга, ичи қоралар нима деса, деяверсин.

Совуқ гап эрталабки қировдек тез тушиб, кўтарилиб кетган бўлса ҳам, Нафисанинг баҳор осмонидек очилиб, чарақлаб турган қалбига қилча губор, ғашлик солиб кетди. Лекин у Умиднинг қалбини билар ва унга ишонарди. «Булар Зикирдан чиққан, у бу ерда нега ўралашиб қолди», деган хаёлни кўнглидан ўтказди.

Нафиса ҳар хил ўйлар билан чулганиб борарди. Кечгача дугончалари билан бўлди. Бу орада далаларни айланиб ҳам келди. Кечқурун Умид билан учрашмоқчи, бирга концерт кўришмоқчи.

Эрталаб чиқиб кетган Зулфира кундузи соат 3-4 ларда қайтиб келди. У оғир уҳ тортиб, ўрнига ўзини ташлади-ю, кўлларини ёзиб, мажолсиздек узоқ ётди. Ҳар замонда Нафисага қараб қўяр эди. Бир вақт қўшни вагонеткада турадиган жингалак сочли, хипчагина, чиройликкина қиз кириб келди.

— Эшитдингларми?— деди у муҳим гап топиб келгандек шошқалоқлаб,— бетон полигонидида ишлайдиган болалар бор-ку, колхоздан келган, ўшалар қочиб кетибди.

— Нима?— Нафиса қулоғи тагида нимадир гулдураб ўтгандек, турган жойида қотиб қолди.

— Мен ҳам ҳали Бегибой акадан эшитиб эдим,— ётган жойида зўрға қўзғалиб деди Зулфира,— ўзим қочишаётганини эрталаб автобусда кўриб ҳам эдим-у, лекин, ўлдими, шулар қочиб, деб ишонмагандим. Бегибой ака «бетон полигонидаги болалар қочиб кетди, Жўрабой акангни энди томоша қил»,— деди.

— Қимлар, қайси бири қочибди,— ҳамон бу гапга кўнгли бовар қилмасди Нафисанинг.

— Мен эрталаб магазинга кетаётганимда ўша бо-

лалар чамадонларини кўтаришиб, автобусга чиқишаётган эди, бири шошиб ичкарига кириб кетди, иккинчисини аниқ кўрдим. Оти нима ҳам эди?!

Нафиса беҳол ўтириб қолди: «Колхоздан келган болалар, у ерда колхоздан келган булардан бошқа ким бор?! Наҳотки, у қочган бўлса. Йўқ, бўлмаган гап. Менга қанча ваъдаларни бериб-а. Наҳотки у шунчалик тайинсиз».

Қаёққадир чиқиб кетган Муяссар ҳам бир вақт шу гапни топиб келди:

— Бетон полигонига колхоздан келган болалар қочишибди.— У Нафисага ачингандек кўзларини жавдиратарди. Лаблари эса, «болалар, болалар» деб пичирларди. Зулфира бўлса, тантанавор қиёфада ялпайиб ўтирар, икки гапнинг бирда, станцияга олиб борадиган автобусга чиқишаётганини ўзим кўрдим, ўз кўзим билан кўрдим, дер эди.

Нафисанинг қалби бирпасда чилпарчин бўлди. У беҳол тортиб, деворга суянди. Умиднинг сиймоси, қарашлари, кулишлари кўз ўнгидан ўтиб турибди. Ундан иродасизлик, вафосизлик белгиларини қидирар, лекин тополмасди. Умиднинг сўнгги кунлардаги аҳволини бирма-бир эслади.

«Кўзлари ичига тушиб кетди. Қуйган бетонларини Жўрабой ака брак қилганда кўзларига ёш олди. Бўлмапти-да». Қизнинг севгиси ғазабга айлана бошлади. Унинг қочишини ўзи учун ҳақорат деб билди.

У кечгача ётоғидан чиқмади. Бугун Умид билан концертга бирга боришмоқчи бўлганини баъзи қизлар биларди. Яхшиси совхоздаги дугонасининг олдига боргани маъқул, у ҳам кутиб ўтиргандир.

Нафиса отланиб, совхозга жўнаганида ҳеч ким ҳеч нарса демади. Дугоналари ҳозир унинг икки ўт ичида ёнаётганини сезишарди.

Эрта билан Иосифнинг полни тақиллатиб ўтин ёришига уйғонган Умид ҳаммадан бурун Нодирнинг бўм-бўш каравотига кўзи тушди. Қаради-ю, данг қотиб қолди. Жўрабой ака ҳам ўрнида йўқ. Владимир қани? Аммо улар ўз ўринларини ҳар кунгидек тартибли қилиб йиғиштириб кетган эдилар. «Бугун дам олиш кунини, Жўрабой ака Қайроққумга—уйига кетган, Владимир бозорга чиққан бўлса керак», деб ўйлади Умид, — лекин бунга нима бўлди? Шунча гаплар...»

— Нодир қани?

— Яқинда кетди,— деди печкага ўтин қалаётган Иосиф.— Сен, кеч ётиб, ухлаб қолдинг. У эрта билан барвақт турди-ю, чамадонини кўтариб: «Мен кетдим. Умидга айтиб қўйинглар»,— деди. Ўзининг феъли айниб юрган эди-ку.

— Мени дарров уйғотмайсанми, ёқасидан бўғиб ушлаб қолмайманми,— тутақди Умид.

— Одамни зўрлаб ишлатишнинг нима кераги бор. «Бўйнидан боғлаган ит овга ярамайди», дейдилар. Қўявер, нима ишни ҳам қойил қилиб берар эди...

— Шарманда қилди одамни,— Умид сапчиб туриб кийинди.— Яқинда кетди дедингми?— У ташқарига отилди...

Лекин Нодир аллақачон кетиб қолган эди. Шу кетиши бўлса поездга чиқиб олиб жўнаган. Умид маъюсланиб қайтди. Зулфирани орқасидан кўриб қолди.

Кечга яқин у Нафиса билан келишилган жойга вақтидан анча олдин етиб борди. Вагонетканинг олисдан яққол кўриниб турган деразасига боқиб, уёқ-буёққа юрди. «Мени кўрди, ҳозир шошиб кийинаётгандир», деган хаёлни кўнглидан ўтказди. Лекин Нафиса чиқавермади. Беш минут ўтди. Ун минут, ўн беш минут ўтди ҳамки, дараги йўқ. Ҳайрон бўла бошлади. Соат

мили йигирманчи, йигирма бешинчи минутларни ҳам босиб ўтди. Қиз ҳеч бунақа кутдирмаган эди. «Нима гап, унга бирор нарса бўлдим!».

У Нафисанинг ётоғи — вагонеткага борди. Эшик берк, аммо зулпинида қулф йўқ. Демак, ичкарида одам бор. Балки Нафисадир! Бўлса, нега чиқмади, тоби қочиб қолдимикин? Йигит эшикни тақиллатди, ичкаридан пол тақирлаб, кимдир оғир-оғир юриб келиб, эшикни очди. Остонада Зулфиранинг семиз гавдаси пайдо бўлди. Умидга кўзи тушиб, у ғўлдиради:

— Нафисага келиб эдингми? У аллақачон кетиб қолган. «Фарҳод» совхозига — дугонасининг олдига.

— Нима учун, ўзи тузукми?

— Ўзига жин ҳам ургани йўқ.

Умид ҳангу манг бўлиб қолди. Бу нима деган гап? Нима қилиқ? Ҳеч нарсага тушунолмас эди. Изига қайтди. Йўлда бораркан Нафисанинг кунни кеча шу ерда бирга боратуриб шаҳарнинг келажаги ҳақида ўзида йўқ севишиб ҳикоя қилиб берганини эслади.

— Ана у шаҳарнинг қоқ белидан кесиб «Баҳор» кўчаси ўтади. Нариги сайҳонлик дам олиш боғи. Узунчоқ бино интернат-мактаб, унинг орқасидан канал ўтади. Бу қатор, нариги қатор ҳаммаси — янги ер очувчиларнинг тураржойлари бўлади. Телевизор вишкаси яқинига клуб қурамыз. Шаҳар атрофи яшил ўрмон...

Умид концертга бормай ётоғига қайтиб кетди. Нодирнинг қочишидан кейин Нафиса берган зарба, унга оламини қоронғи қилиб юборган эди. Палатка ҳам қоронғи экан. Владимир билан Иосиф концертга кетишган, Жўрабой ака эса Қайроққумдан — болаларининг олдидан эртага қайтиши керак...

1.

Бириси куни эрта билан Умид ташқаридан қўл тиқиб очилган эшикнинг шақира-шуқурига уйғонди. Остонада киприкларигача қиров босган Жўрабой ака билан Нодир турарди. Умид ўз кўзларига ишонмагандек, Нодирга тикилди. Нодирнинг қовоқлари, кўз таглари кўкариб, юз яноқлари, бурунлари қирилган, кийимларига лой ёпишганди. Орқасидаги қопини ҳам ерга қўймай, бошини осилтирганича, ўртоқларига мўлтирар эди. Энгагидан танғилган қалпоғинигина эмас, сийрак киприклари ва соқолларини ҳам, ҳатто бурун катагидаги майда тукчаларни ҳам узун-узун қиров босган эди. Умид унга боқиб ҳам суюнди, ҳам нафратланди, ҳам раҳми келди.

— Нодир?— деди у нафаси қисилгандек қалтираб.

— Нодир?— деди чўзиқ овоз билан Иосиф ҳам жойидан алпанг-талпанг кўзгалиб.

Нодир бошини кўтармади.

— Мана, Нодирвой ҳам қайтиб келдилар!— деди Жўрабой ака чўзиб.

— Қаерда экан?— сўради Умид.

— Катта станция йўлида, тиззасини қучоқлаб, тишлари такиллаб ўтирган экан,— унинг ўрнига Жўрабой ака жавоб берди.

— Йўғ-э!..

— Кечадан бери ўша ерда эканми?

— Билмадим, мен эрта билан машинада уйдан қайтиб келатуриб, иттифоқо кўзим тушиб қолди. Ким экан совуқда тиззасини қучоқлаб ўтирган?— деб ҳайрон бўлиб, машинани тўхтатдим. Олдига бориб қарасам, ўзимизнинг Нодирвой..

Ҳамма яна Нодирга тикилиб қолди. Ҳеч ким унинг нега бунақа қилганлиги сабабини тушунолмасди.

— Қочиб кетган эдинг-у!?— овози гулдураб чиқди Умиднинг.

— Ҳа,— деди калласи бир ёнга қийшайиб Нодир.

— Нега яна қайтиб келдинг?! Кетавермадингми?!— газабдан қалтиради Умид.

— Кетолмадим...— Нодир унга қовоқларини кўтариб қарай олмай, шивирлагандек жавоб берди.

Иосиф билан Владимир бир-бирларига ғалати қилиб қараб олишди. Эшмон:

— Нима, поездга чиқолмадингми?— деб сўради.

— Чиқолар эдим, кетолмадим.

Йигитлар яна кўз уриштиришиб олдилар. Иосиф елкасини қисди. Умид бу гапдан кейин шахтидан қайтди. Кўзларидаги газаб сўнди. Шундай бўлса ҳам дўстлик амри уни лоқайд бўлишга қўймади.

— Нега кетолмайсан? Чамадонингни кўтариб қочиб кетишга бетинг чидади-ю, уёғига чидамадими?! Кетавер ҳали ҳам,— деди ва юзини четга ўгириб олди.

Умиднинг кейинги сўзлари бўлиниб-бўлиниб чиқди. Овозидаги оҳанг «мени ерга қаратдинг, бу ердаги одамларга энди мен қандай қарайман», дегандек туюлди Нодирга. Нодирнинг кўзларида ёш ҳалқаси сизарди. У зўрға ўрнига ўтиб, каравотига мук тушиб ётиб олди.

Нодир кеча эрталаб бу ердан чиқиб кетганди. Қалби дўстларига қай даражада қаттиқ боғланганини яхши сезмаганди. Автобусга ўтириб, станцияга яқинлашгани сари юрагининг бир чети узилиб қолгандек бўлаверди. Назарида озми-кўпми меҳнати сингган бетон полигони ҳам, ишдан бўш вақтларда бирга чақчақлашган болалар ва қизлар ҳам кўз ўнгидан ўтаверди. Айниқса қадрдон дўсти Умидга бир сўз ҳам айтмай, ҳатто хайрлашмай уни ташлаб кетаётганлиги, ташлаб кетганда ҳам, қайтиб умри бўйи бетига тик қарай олмайдиган бўлиб кетаётганлигидан то станциягача қаттиқ қийналиб борди. Шундай лоқайд ҳолда поездга ўтириб, қишлоғига жўнавориши мумкин эди. Чунки гишт қолипдан

кўчганди. Лекин кутилмаганда станцияда бир-бирини суяшиб, қўлтиқлашиб турган икки мўйсафидга рўбарў келиб қолди. Мўйсафиднинг бири шол эди. Уни ўғиллари Тошкентга — катта докторга кўрсатиш учун олиб кетишаётган экан. Иккинчи мўйсафид эса, дўстини ҳатто ўғилларига ҳам ишонмай, ёнида ўзи парвона бўлиб, бирга борарди.

Станцияда одамлар суриштириб қолишди:

— Қаёққа кетяпсизлар, отахонлар?

Дўстини енгил аравачага солиб сургаб кетаётган ота:

— Докторга, докторга,— деди.

Поезд кутиш вақтида гапдан гап чиқиб, уларнинг бир-бирига муносабати ҳаммага ибратли бир дoston бўлиб эшитилди.

— Биз иккимиз бир кўрпада катта бўлганмиз,— деди оёқсиз.— Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деганлар-ку, ёшликда бошимизга оғир синовлар тушиб, кўп қийинчиликларни тортганимиз-у, шу бўйи бир-биримиздан ажралмайдиган дўст бўлишиб қолганмиз.

Унинг айтишича, иккови йигитликда қизиқ-қизиқ билан бир геология қидирув экспедициясига оддий ишчи бўлиб ишга киришган. Экспедиция чексиз қум саҳросига кон қидириб кетган. Қум ичида уч кун тенгишган, турли жойларни кавлаб текширишган, тошлар йиғишган. Тўртинчи кун эса машиналари бузилиб қолган. Беш кишилик группа иккинчи бошқа группани қидириб ҳар ёққа тарқалган. Икки кун қидиришган, ҳеч ким йўқ, бунинг устига овқат тугаб боряпти. Машинани ҳарчанд уриниб тузатолмаганлар. Шунда отряд бошлиғи қолган-қутган овқат ва керакли ашёларни ҳар кимга бўлашиб берган ва:

— Ҳаммамиз бир ёққа қараб юрамиз. Лекин кучсизимиз кучлигимизга осилиб, кучлигимиз яримжонларга ёки чарчаганларга қараб, йўлда туриб қолсак, ҳаммамиз ҳам ҳалок бўламиз. Шунинг учун ҳамма ўзича

ҳаракат қилсин. Балки кучи етганлар одам бор жойга етиб чиқар ёки икки-уч кундан кейин бизни қидираётганларга йўлиқар,— деган.

— Бу гап бизга ёқмади,— деди чол.— Унда ҳаммамиз ҳам ҳалок бўламиз,— дедик.

Мен дўстимни жонимдан ҳам яхши кўрар эдим. У бошқаларга қараганда нимжонроқ эди. Уни шу оғир пайтда ёввойи саҳрога ўз ҳолича ташлаб, «сен ўзингни қутқар, мен ўзимни қутқарай», дейиш инсоннинг иши эмас.

Бошлиғимиз билан шофёр ўзларини бу бало чоҳидан қутқариб олишларига ишониб, алоҳида-алоҳида кетдилар. Биз уч киши бирга қолдик.

Мўйсафиднинг гапига қараганда уч ҳамроҳ оч саҳро билан тўрт кеча, тўрт кундуз олишган. Йўлда бир-бирларини суяшиб, қум барханларидан ошганлар. Чанқоқни енгиш учун кечалари шабнам тушган қумни сўрганлар. Кундузлари оғизларига майда тош ташлаб, ўзларини алдаганлар.

Сўнгги бурда нонни ҳам бирга баҳам кўрганлар. Қурт-қумурсқаларни тутиб тамадди қилганлар. Бундай оғир пайтда одамлар бир-бирига жуда қаттиқ боғланиб, гўдак каби беғубор бўлиб, иноқлашиб кетади. Иродасизлик қилса ваҳима ва қўрқувдан ўзини ҳам, шеригини ҳам ҳалок қилади.

Тўртинчи кунига ўтганда учинчи ҳамроҳ жинни бўлиб қолган. У, ойи, ойи, мени олинг, сув беринг, мен ит бўлиб қолдим, деб бақириб, ўзининг ҳаммаёғини тишлаб ташлаган, чинқирган. Бешинчи кунга ўтмаёқ ҳалок бўлган. Улигини йиртқич қушлар еб кетмасин учун кекса саксовул тагига ётқизиб, устидан қум торганлар. Ўзлари ўша кунга кечгача ҳам бир-бирларини суяб-сургашиб юриб, кечқурун бир қудуққа дуч келганлар. Тош охурда қолган сўнгги томчи сувларни ялаб-юлқишган. Эртасига уларни чўпонлар топиб олиб кетган.

«Мен ўзимни ўзим қутқараман», деб саробга талпинган киши — бошлиқ билан шофёрнинг ўлигини ҳам, тиригини ҳам топиб бўлмаган.

— Уша оғир синовлар бизни бир-биримизга умрбод боғлаб кетди,— дейишди отахонлар.— Шундан бери бир-биримизга суюнчиқмиз. Катта Фарғонада ҳам бирга ишладик, урушда Қавказдан Қарпатгача ёнма-ён туриб, немисни бирга қувдик. Мана кейинги вақтларда, қариликми, ҳар қалай оғайним оёғидан ажраб қолди. Уни ўғилларига ҳам ишонмай, ўзим бирга олиб кетяпман. Шунча вақт бирга бўлдим, буёғига ҳам бирга бўлиб, бирга ўлиш — мақсадимиз.

Ожиз чол дўстига ҳазил қилиб, «сен билан бирга бўлсам, ўлишимга ҳам қўймайдиганга ўхшайсан-а»,— деб кулиб қўйди. Қимдир: «Икки чинор ёнма-ён турса, уни бўрон ҳам йиқитолмайди», деган мақолни ўқиди.

Кексаларнинг гаплари ва аҳволига кўпчилик ёқасини ушлади. «Ҳаётда бундай дўстликлар ҳам бўлар экан», деб тан беришиб, бошларини тебратишди.

Нодир кексаларнинг ўғиллари келиб, қўлтиқларидан олишиб, поездга олиб чиқиб кетишгунгача улардан кўзини узолмай қараб турди. Унинг Янгиерда узилиб қолаётгандек бўлиб, тимдаланган қалби бешбаттар эзилди. Назарида Умид билан иккови гўё ҳалиги ажал тўфони ўйнаган чўлга тушиб қолишган-у, дўстини қумга ташлаб кетаётгандек бўлаверди. Гарчи Нодир эркатой бўлиб, машаққатсиз ўсиб катта бўлган бўлса-да, дўстликка содиқлик, вафодорлик фазилатига эга эканлиги ҳозир намоён бўлди. Нодир ўзига ўзи танбеҳ бера бошлади: «Нима қияпман? Умид менга мактабда доим ёрдам берарди. Тоққа экскурсияга чиққанимизда ярим кун адашиб қолиб, оёғимни тош тилиб кетганида мени опичиб, лагерга олиб келган Умид эмасмиди?! Эй, Нодир, бир вақтлар у билан бирга бўлганингда қўшни маҳалланинг уришқоқ болалари олдида ҳам кўкрагингни кўтариб юрмасмидинг?! Ахир, институтга

кираман, деб биринчи йили шаҳарга тушганларингда Умид имтиҳонлардан ўтди, сен ўтолмай қолдинг, шунда у, «эндиги йил бирга кириб ўқиймиз», деб сени кутмадимми? Эндиги йили эса иккаламиз ҳам имтиҳондан етарли бал ололмадик. Ахир, у сени деб институтга кира олмади-ку! «Оғир-енгилини бирга кўтаришмаган дўст-дўстми», деб қанчадан-қанча хархашаларингга кўнди. Энди сен уни ташлаб кетяпсан-а». Нодир ўзига шундай дашном берди-да, поездга билет олишни ҳам унутди. Қопини йўқотган одамдек станцияда тентиди. Саҳарга борганда бир ерга бориб чўнқайиб ўтирди.

Нодир бу ҳикояни дўстларига кейин айтиб берган бўлса ҳам, улар Нодирнинг мўлтираб турган кўзларидан қалбидаги изтиробни ҳозироқ пайқаб олишганди.

Нодир бошини кўтарди. Ўз каравоти устида икки оёғини қучоқлаганича узоқ ўтириб қолди. Унинг кўзлари энди кечагидақанги ўғринча пайт пойламас, чақнаб, ёниб турарди. Лекин ўзи хаёлга ботганди. У яна каравотига чўзилди. Унинг тепасига борган Жўрабой ака, алангайи-оташ бўлиб ёнаётганини сизди. Пешонасига қўлини қўйиб:

— Иссинг баланд-у,— деди у,— шамоллаганга ўхшайсан.

Нодир ёнига Умид билан Владимир келишди.

— Ёнаяпсан-у,— дейишди улар ҳам. Жўрабой ака қутисидан дори қидирди. Владимир врачга чопди. Иосиф печкага олов ёқди. Умид Нодирни кўрпага ўраб ташлади.

Врач билан тез ёрдам машинаси келиб, Нодирни шаҳарча касалхонасига олиб кетди. Кичик коллектив қаттиқ қайғу ичида қолди.

2.

Нафиса курсдош дугонасининг олдидан эртасига қайтди. Ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслик учун чекка йўллардан, иморатларнинг орқасидан ўтиб, ётоғига

борди. Шура, Муяссар ва Зулфира тумшайишиб ўтиришарди.

— Вой, омон-эсон келдингми, ўртоқжон, қаёқларда йўқ бўлиб кетдинг, биз икки кундан бери хавотир олиб ўлиб бўлдик-ку,— Муяссар унга ёпишди. Шура ҳам суюниб кетди. Зулфира эса наридан-бери сўрашиб, жойида ўтираверди.

— Бечоранинг аҳволи оғир дейишяпти,— деди Шура.

— Кимнинг?— бепарво сўради Нафиса.

— Умиднинг оғайниси Нодир бор-у, ўшанинг.

— Нодир?— анқайиб қолди Нафиса. Унинг хаёлидан «қочаман деб автобус-мавтобуснинг тагида қолибди-да», деган фикр ўтди.

— Қочиб кетаётган экан, йўлда совуққа қотиб қолибди. Жўрабой ака станция йўлидан топиб олибдилар,— тушунтирди Зулфира.

— Бунақа жони бўш экан чўлга нимага келади,— бепарво деди Нафиса.

Қизлар унинг ҳамон эски ғазаб ва изтиробда эканини билдилар.

— Умид қочмаган экан-у, сен қочиб кетди, кўрдим деб, туҳматлаб юрибсан,— Нафисага эшитдириб Зулфирага деди Муяссар.

Нафиса ялт этиб уларга қаради.

— Бари бир иккаласи бирга қочиб кетмоқчи бўлган, чўлда бизга нима бор, деб гаплашган гапини болалар эшитишган. Умид ётоқдан чиқолмай қолганидан кейин униси ҳам қайтган.— Муяссарни қайтариб ташлади Зулфира.

Қизлар Нафисани юпатиш учун бошқа сўз топиб айтишолмади. Нафиса яна маъюс тортди. Унинг ҳозир бошқалар учун димланган хумдек бекик, ўзи учун тоғ дарёси тўлқинидек минг қирғоққа урилаётган ёнғинли қалби ҳеч бир соҳилга тирмаша олмай, сирғаниб кета бошлаганди.

— Иккаласи ҳам шарманда бўлди, одамлар уларнинг бетига қарамай қўйди,— юзларига атир-упа чаплаб қаёққадир чиқиб кетар экан деди Зулфира,— туннов куни мен шунақалигини айтганимда юлгудек бўлган эдинг, мана энди, қўшилиб шарманда бўлдинг.

Нафиса юзларини қўли билан тўсиб олди...

3.

Кунлар ўта борди. Ишдан нолишлар, бракбозликлар йўқолди. Ҳар янги кун йигитларни чўл белида — полигонда кутиб олар, тун қадрдон ўтов бағрида тебратиб, лаззатли уйқу қучоғига ташларди.

Умид кейинги вақтларда мактабдаги қизиқувчанликлари қўзиб, кўп китоб ўқишга, кундаликлар ёзишга берилиб кетди. Нафиса ўзидан юз ўгирганидан бери китоб-дафтардан аламини оладиган бўлиб қолди. Унинг дафтарига Янгиерни қучган жўшқин ҳаёт лавҳаларидан тушган айрим парчалар характерли эди:

4 март.

Полигон битди. Кеча Жўрабой ака бошқармага бориб, полигонга янги бетончилар, арматурачилар келди, бригадалар тузилади, деган хушxabарни топиб келди. Бугун айтгани бўлди. Янги ўтовлар қурилди, майдончамиз гавжумлашди. Жўрабой ака бригадир, мен звено бошлиғи бўлдим. Бегибой Ҳолиқович қурилишдан олиниб, полигонимизга ишбоши қилиб тайинланибди. У бугун келиб ишни қабул қилди. Унинг вазоҳати бошқача...

9 март.

Қаҳратон қиш тўполонларида кўп умрини булутлар орқасида ўтказиб, зерикиб қолган қуёш кўк юзида пайдо бўлди. У кокилларини ёзиб, уфқда ҳаммадан эртароқ кўринар, тўнтарилган муз ойнадек ярақлаб

турган кўк юзида ҳафсала билан мағрур сузар, чўл уфқига яшириниш фурсатини иложи борича кетга суришга уринарди.

Ишдан сўнг шаҳарчани ораладик: ўз қўлимиз билан ясаган бетон тўсиқларимизни қўшқаватли, кўпхонали уйлар пештоқига қўйиб, устидан ғишт теришаётганини кўрдик. Лайлак нусха кўтаргич кранлар биз қўйган бетонларни илонни тумишўғида биланглатган лайлакдек лапанглатиб, биноларнинг юқори қаватларига кўтариб берарди. Буни кўриб ҳаммадан бурун Нодир билан Иосиф завқланишди. Нодир бинолар устига югуриб чиқиб, ғиштчиларга, биз қўйганмиз бу бетонларни, деди. Улар Нодирнинг ишини мақтаб, елкасига қоқдилар. Жўрабой аканинг, оламда ўз меҳнати самарасини кўриб завқланишдан ҳам буюкроқ бахт бўлмайди, деган гапи ҳақ экан. Бошқармага иш билан борган Владимир, Бегибой тортқилашиб юриб, Гришани бизнинг заводга шофёр қилиб ўтказибди, деган гапни топиб келди.

12 март.

Бегибой бугун завод билан бошқарма ўртасига телефон тортдирди. Ўзи келиб яна заводни айланди. Лекин кутилмаганда у янги қўйилган бетонларга сув сеппиб турган Нодирга ёпишди.

— Чаққон-чаққон сен,— деди ўшқуриб.

Шу кунларда заводимизда сув танқислиги сезила бошлаганди. Нодир унга учирик қилди:

— Сув тугаб қолади-да, Бегибой ака!

Бу гапни Бегибой ўзига нисбатан ҳурматсизлик деб билди, тутакди.

— Сен ўзи,— деди у,— сувни суриштиришдан бурун айт-чи, кундалик нормангни бажаряпсанми?

— Бажараяпман,— деди Нодир.

— Қайтиб келганингдан бери кунига қанчадан примичка қўяяпсан?

Бу гапга Нодир ғалати бўлиб кетди.

— Қирқтами, элликта,— деди зўрга.

— Нега қирқта бўлади, норма элликта-ку,— яна ўшқирди Бегибой.

— Сув етарли бўлган кунлари олтмишта, етмишта ҳам қўяяпман.

— Гапни айлантирма, ёлғонинг кетмайди менга. Ҳа, сен юзингдаги доғни ювиш учун планни ошириб бажаришинг керак. Планни бажармаганларни ёмон кўраман.— Лаби-лабига тегмай узоқ бобиллади Бегибой. Хайрон қолдик. У арматурачи йигит-қизлар олдига бориб ҳам шундай дағдаға қилди.

Кетаётганида Жўрабой ака:

— Йигитни ноўрин койиб юбордингиз-да,— деган эди:

— Бундай тайинсиз болаларга қаттиқ турмаса бўлмайди. Сиз ҳам маҳкам бўлинг, бўлмаса планларимизни правал қилиб, бошимизни чоҳга тиқишади, — деди. Жўрабой ака Нодирни юпатган бўлди.

— Қўявер, ўғлим, чўлга ҳар хил одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам келган, ишни улар эмас, сен билан биз қиламиз,— деди...

15 март.

Бугун биз ўтовдан янги уйга кўчиб ўтдик.

Нафисани бугун ҳам ётоғига бориб тона олмадим. Иш жойида ҳам- йўқ экан. Нега бунақа қилиб юрибди, тушуна олмайман...

4.

Умид ярим тикланган шаҳарча кўчаларида ўзича ёлғиз айланиб юришни яхши кўрар эди. Бундай пайтларда атрофга боқиб, келажакнинг ширин тасаввурига шўнғиш, хаёл қанотлари етганича ўйга кўмилиб, чуқур-чуқур сўлиш олиш унга ёқарди. Умид бугун ҳам

ишдан кела солиб бири шахмат-шашкага ёпишиб кетган, бири аллақандай нарсаларни тартибга солишга уринаётган ётоқдошларини қолдириб, шаҳар сайрига чиқиб кетмоқда эди. Илгарилари ҳам шунақа сайрга чиққанида кўпинча йўлидан Нафиса чиқиб қолар, гоҳ қўл ушлашиб, гоҳ қирларга чиқиб кетиб, роса айланар эдилар! Энди бўлса у йўлиқмайди. Гоҳо йўлиқса ҳам ўзини кўрмаганга солиб четлаб кетади. Лекин Умид хузурбахш одатини тарк қилолмай ёлғиз ўзи айланади.

У остонага қадам қўйганида Иосифнинг ғазабли овози қулоғига чалиниб, туриб қолди.

— Гриша бу ўн беш кунликда уч кун ишга чиқмадику-а?— деди у.

— Чиққанда ҳам ёлчитиб ишлагани йўқ. Нима эди?— деб сўради Владимир.

— Ойлик ўн беш кунга тўла ёзилибди. Бунинг устига яхши ишлагани учун мукофотлар ҳам қўшиб берилибди,— ҳаммага бир-бир қаради Иосиф.

— Йўғ-э, бўлмаган гапдир. Қаердан эшитдинг?— шахматга энгашиганича бошини кўтармай сўради Эшмон.

— Ойлик олаётганимда ведомостни ўзим кўрдим,— жиддийроқ далилга ўтди Иосиф. Ҳамма унга қараб қолди.

— Мен ҳам ойлик ведомостига қўл қўяётганимда бир кўзим тушиб эди-ю, эътибор қилмовдим,— уни тасдиқлади Нодир.

— Биз эътибор қилиб қарамаган эканмиз,— дейишди Эшмон билан Владимир.

Ҳамма худди қудуққа тушиб қолгандек, ҳайратда эди.

— Янглишишдимикин ёки ўғриликмн бу,— деди Умид турган жойида.

— Текшириб кўриш керак буни, ишламай ҳам ойлиг-у, ҳам мукофот олиш, бу нимаси?— Владимир ғазабланди.

— Хўжайинлар балки ўша кунлари бошқа ишга буюришгандир,— иккиланди Эшмон.

— Унда мукофотни қаердан олган!— куфур бўлиб кетди Иосиф.— Шагални-ку, бир кун ҳам ёлчитиб ташигани йўқ.

— Ким билади дейсан,— яна бўшашиб елка қисди Эшмон.

— Бунинг тагида бир гап бор,— деди Владимир қошлари чимирилиб.— Қаллобликдан бошқа нарса эмас бу.

— Нима гап бўлар эди. Бегибойнинг иши, холос. — Гапнинг пўсткалласини айта қолди Иосиф.

— Бунга далилинг борми?— Эшмон ишонқирамай ҳаммага қаради.— Бир нарсани аниқ билмай туриб, шовқин кўтариб, кейин ўзимиз уялиб қолмайлик тагин.

— Полигонда ишларнинг бўшашиб кетаётгани далил эмасми?!— Бақриб берди бу гал Иосиф.— Сувни вақтида етказиб беришмаслиги-чи?! Сенга яна қанақа далил керак?!

Эшмон бу гал индай олмади. Шундан кейин болалар жим бўлишди. Кўзларида нафрат, ҳайрат учқуни ёнарди. Баҳслашув устига келиб қолган Жўрабой акани Умид ичкарига ўтказиб, ўзи ташқарига чиқди, парча-парча булутлар кезган кўкка боқди. Қулоқлари тагида ҳозиргина янграган гапларни орқада қолдириб, шаҳарни ташвишсизгина кезиб чиқмоқчи эди. Бўлмади. Ўзи тушуниб етмаган ички ғазаб ва мубҳам фикрлар тумани уни чулғаб олаверди. «Нега бундай қилишади?! Нега ишланмаган кунларга ишланди, деб ҳақ ёзишади? Бунинг устига мукофотлар қўшиб беришади!» Уйлаб ўйининг охирига етолмади. «Бу, ахир бориб турган пасткашлик-ку, жиноят-ку? Қанақанги ярамас одамларки, шу даражада тубанликка боради? Бир кишига бошқаларнинг меҳнати ҳисобидан ҳақ ёзиб бериш!»

Умид софдиллик, ҳақгўйлик, ботирликлар ҳақида озмунча қиссалар эшитмади, озмунча ҳикоялар ўқи-мади?! Отасининг мардликлари-чи!? Буларнинг барчаси йигит қалбига муҳрдек босилганди. Қишлоқда Зикир сув юқмаснинг қаллобликларини кўрди: чўлга кел-гач ҳам шундайларни эшитди. Нодир қочиб яна қайт-ганидан сўнг, у виждон азобида бир ҳафтагача эл ора-сида бошини кўтаролмай юрди. Бегибой полигонда бошлиқ бўлгандан кейинги унинг ҳунарлари ва ай-ниқса, бугунги эшитганлари Умидни ўртаб юборди. У одамларга ачинар, одамларга тушунмас эди: «Нега бунақа қилишади-а? Нафиса ҳам шунақа ярамас одам-ларнинг гапига ишониб, тескари бўлиб юргандир?..»

Умид шундай ўйлар билан катта йўл 'ёқасига чи-қиб қолганини билмади. Ўткинчилардан бирининг чекиб кетаётган папирос тутуни димоғига кириб, чеккиси келганга ўхшади. Умид чекмас, фақат баъзан хунобли-ги ошганда ён-верида чекаётганлардан олиб, бир-икки тортар эди.

Ёнида папирос йўқ, кўча четидаги будкалар, мага-зинлар эса аллақачон бекилган эди. «Рестораннинг бу-фетига кириб, икки-уч дона олақолай», деди. Кўча-нинг нариги бетига ўтди. Ишчилар ошхонаси янги ти-повой бинога кўчган, катта кўча беткайидаги бу узун-чоқ иморат қайта ремонт қилиниб ресторанга айлан-тирилганди. Йигит ресторанга кириб борди. Буфетдан бир дона казбек олди. Гугурт йўқ экан. Тутатиб олиш учун папирос чеккан одамни қидирган эди, бир столда энгакларини энгакларига тирашганича шиша ва рюм-калар орасига кўмилиб. ўтирган Бегибой, Маъди, Зи-кир ва яна бир одамга кўзи тушди. У Зикирни илгари чўлда кўрмаганди. Нодир бир марта «Зикир акам шу ерда юрибди, уни кўрдим», деб борганда, ўзи санқиб келгандир-да, деб қўя қолганди. Бугун уни даврада кў-риб ҳайрон бўлди, ўз кўзларига инонмай қаради. Зи-кир бурқситиб папирос чекар, Маъди қадаҳларга конь-

як қуяр, Бегибойнинг кайфи ошиб қолганди, у қийқириб, ёнидагиларга гап маъқуллар, столда чала ейилган кабоб сихлари, анор ва тухум пўчоқлари, идишлар сочилиб ётарди. «Ана сенга виждон ва диёнатдан яна бир кўриниш,— деди йигит ўз-ўзига.— Одамлар бу ерда шаҳар қурамыз, деб кечаю кундузи уриниб ётибди-ю, бу уч юлғич бирлашиб, айшу ишратнинг пайида».

Бегибой ўз рюмкасини бўшатиши биланоқ, Зикир унинг оғзига овқат тикди, Маъди уятли латифа айтди, сонларига уриб-уриб кулишди. Зикир эса Умидни аллақачон кўрган, атайин қийқириқни авжига чиқармоқда эди.

Умид папиросни тутатишни ҳам унутиб, тезгина чиқиб кетди. Унга нимадир англашилгандек бўлди...

Умид Нафиса билан албатта учрашишим керак деб ўйлади. Чунки, ведомостларнинг ҳаммаси Бегибойнинг қўлидан ўтади, Умид йўлакай чойхонага кириб чой ичди, ундан чиқиб, тўппа-тўғри ўтов — клуб сари юрди. Нафиса ҳам, Макар Афанасьевич ҳам шу ерда экан. Ҳатто ҳали ҳозиргина ресторанда ўтирган Маъди ҳам шу ерда ўралашиб юрарди.

Макар Афанасьевич Нафисага:

— Йигит-қизларинг жуфт-жуфт бўлиб танца тушишларини кўришни ёқтираман,— дерди.— Атайин танца кўргани келдим.

Нафиса унга сари кулиб:

— Истасангиз бирга тушамиз,— дерди.

Макар ака Умидни кўриб қолди.

— Ана, Умиджон ҳам келиб қолди,— деди у суюниб,— жуда яхши бўлди.

Аммо Нафиса Умидни кўриши биланоқ ўзгарди... Кулиб турган чехраси бир дамда тундлашди. Чир этиб орқасига ўгирилди-ю, кийим иладиган жойга бориб, устки кийимларини ечаверди. Макар Афанасьевич бир Умидга, бир Нафисага қаради.

Нафиса Бугун худди бошқаларга ўз чиройини кўз-кўз қилиб Умидни беш баттар куйдирмоқчидек, калта энгли кўйлак кийиб олган эди.

Йигит қизнинг кийим ечатуриб ҳам ўзига зимдан қараб қўйганини, жоду кўзларининг боқишида алам билан бирга гина ва соғиниш борлигини сезди. Умиднинг соғиниши туғён урди. У Макар Афанасьевич билан гаплашаётган бўлса ҳам, кўзлари қизнинг сарв қоматида эди. Шу ҳолатда узоқ қараб тургач, «Макар Афанасьевич, одобсиз экан», деб ўйламасин деган андишада қизга қарамаслик учун орқасини ўгириб олди. Нафиса кўйлагини тўғрилаб, танцага тушишга ҳозирланди. Унинг яқинида Маъди турарди. Гириллаб бориб, қизнинг олдидан тўсди Умид. У ҳозир бор гапни очикчасига гаплашмоқчи эди.

— Нафисахон, тўхтанг, бир минутга,— дея олди у. Қиз унинг кўзларига тик қаради-ю, лекин гапини эшитмагандек, ёнидан ўтиб кетди. Орқада Маъди турарди. У лип этиб қизнинг қўлидан ушлади. Нафиса ҳам тортинмади, икков вальс оҳангига гир-гир айланиб, даврага қўшилиб кетди.

Бу ҳаракат Умидга ханжар қадалган каби қаттиқ таъсир қилди. Одамлар «ўла, аҳмоқ бўлиб қолдинг-ку», деб қараб тургандек туюлди. Югуриб ташқарига чиқиб кетди. «Нега менга бунақа қилиқ қилади,— дерди ўзича.— Муяссар айтгандек, Нодирнинг қочгани учунми?» Ўзини қаттиқ ҳақоратланган билиб, қўл силтаб кетмоқчи ҳам бўлди, аммо кетолмади. Ун қадам юрмай яна қайтди. Уни сассиқ алафларга ташлаб кетишни хоҳламас, куяр, ёнар, ўртанарди.

Қайтиб клубга кирганда Нафиса Макар Афанасьевич билан танца тушаётган эди. Кўнгли бир оз таскин топди. Макар Афанасьевич, алланималар деб қизни кулдирад, ўзи ҳам кулар, даврада ёш йигитдек текис ва шўх айланарди.

Умид уларнинг гапларига қулоқ солиб, Макар

Афанасьевичнинг: «Қўлингдаги холинг илгаридан борми, қизим? Дадангнинг уйи қаерда»,— деган сўзларинигина эшитиб қолди...

Музика алмашиб, Нафиса бошқа бир қиз билан танца тушаётганида ҳам Макар Афанасьевич унинг кўзларига, айниқса қўлидаги холига кўп тикилганини Умид кўрди. Кўнглига ҳар хил фикр келди.

Умид Макар Афанасьевичга қайтиб кўринмай қўя қолди. Нафисага ҳам қорасини кўрсатмади. Аммо Нафисанинг икки-уч аланглаб, кимнидир қидирганини ҳам, ўшандан кейин Маъди билан танца тушмаганини ҳам билди. Кетмоқчи бўлиб танцанинг охиригача уч марта эшикка чиқди-ю, Нафисани ёлғиз қолдиришга кўнгли бўлмай қайтиб келди. Фақат танца тугаган пайтда Маъдининг Нафисага уйингизга кузатиб қўяй, деб шилқимлик қилганини, Нафиса рад этганини сездди. Қизнинг орқасидан ўзи қорама-қора юриб, уйининг яқинигача кузатиб борди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач Умид кундалик дафтари-га ёзиб қўйди:

24 март.

Сув ташийдиган машинанинг иккови яна бузилиб қолди. Бирининг балони ёрилибди, бирининг баки тешилибди. Шофёрда эҳтиёт балон йўқ экан, уни ариза ёзиб бошқарма омборидан олиш лозим эмиш, тешилган бакни яматиш учун слесарлик устахонасига ишбошининг қўл қўйган илтимос қоғози зарур дебдилар. Бегибой Ҳолиқович кеча тушдан бери идорасида йўқ. Сув келтирилмагани учун бутун завод эрталабдан тўхтаб қолди. Ниҳоят пешинга яқин Бегибой Ҳолиқович қаяқдандир етиб келди. Эшиги тагида сарғайиб ўтирган шофёрларга:

— Машинада ўғринча кира қилишни биласанлар, бунақа вақти келганда ўз ёнларингдан чиқариб ре-

монт қилдиришни билмайсанлар,— дея дўқ урди,— борларинг, ҳали ҳам кира пулидан тузатларинг, мен бунақа қоғозларга қўл қўймайман,— деди. Бу гапларни ўзига оғир олган шофёрлар полигонга телефон қоқдилар.

Бегибой Ҳолиқовичнинг гаплари ҳаммамизни ларзага солди. Владимир бошчилигида тўрт-беш йигит бошқармага етиб бордик. Бегибой Ҳолиқович бир хонада кўкрагини стол қиррасига тираганича, қовоқларини осилтириб ўтирарди. У бизни кўрди-ю, ўзгариб кетди. Дағ-дағага ўтди:

— Иш вақтида, нима қилиб тўзиб юрибсанлар?

— Иш қани, иш?

— Сув бўлмаса нимани ишлаймиз?

— Машиналарни нега тузаттириб бермайсиз?

Бизнинг шахтимизни кўриб Бегибой Ҳолиқович шошиб қолди. Бу ғалвани бошқалар эшитиб қолишидан чўчидими, ҳайтовир, шофёрларни чақириб, керакли қоғозларни тезгина тўғрилаб берақолди.

Бари бир шу кун заводда иш бўлмади, қолган ярим кун машиналарни тузатишга кетди. Бетон блокларимизга муштоқ бўлиб турган қурувчи бригадалар эртага ҳам йўл пойлайдилар.

29 март.

Машиналар тузатилгани билан ҳам улар сувни мунтазам етказиб бериб тура олмасди. Полигонимизга берилган заказлар кўпайган сари қўлимиз ҳам чаққонлашиб, икки машина ташиган сув кифоя қилмай қола бошлади. Бегибой нима учундир бошқа одамга айланган эди.

Сув пойлаб бекор қолган вақтларимизнинг биринда хаёлимга бир фикр келди:

— Ҳар кун сув пойлаб сарғайиб ўтирмай, заводимизнинг ўзига битта сув тортиш насосини қурдириб олсак бўлмайдими? Ер ости суви бўлса анчагина юза.

Аммо Бегибойга қандай айтамыз, у бунақа гапга кўнармикин, деб ўйланиб қолдик.

— Ҳар қандай бўлса ҳам, дастлаб бу масала ҳақида Бегибой Ҳолиқовичнинг олдидан ўтиш керак,— дея уқдирди Жўрабой ака, — олдин унинг раъйини билши, шунга қараб иш қилиш лозим.

Ўйлаганимиздек Бегибой кўнмади:

— Бунақа масалаларга сенлар аралашма, кўлингга берилган ишни қилишни бил, мен ўзим бунга ўйлаб кўраман. Иш вақтида дайдиб юришни ким ўргатди сенларга,— деб баланд келди. Биз учун шу гапларнинг ўзи кифоя эди, идорадан чиқдик.

Биз маслаҳатлашиб, бош инженер Гавриловнинг ҳузурига киришга қарор қилиб турган эдик, кутилмаганда Бегибойнинг бир буйруғи ва янги эълон заводга етиб келди: Буйруқда, иш вақтида дайдиб юргани учун Умид, Владимир, Эшмон, Иосиф ва Нодирларга ҳайфсан эълон қилинган, эълонда эса, эртага кечқурун бошқарманинг марказий клубида умумий ишлаб чиқариш йиғилиши бўлажаги айтилганди. Ҳаммамиз бир-биримизга қарашиб қолдик.

5.

Умиднинг бу гал сабр косаси тўлди. Бошқарма идорасига борди. Орқасидан бошқа йигитлар бирга боришмоқчи эди, уларни қайтарди.

— Ўзим гаплашаман Бегибой билан ҳам, бошқаси билан ҳам,— деди.

Бошқармага борганда Бегибой ўрнида йўқ эди. «Қаёққа кетди у тўра», деб кўйди. У ҳозир Бегибойни ёқасидан бўғиб олгудек жаҳолатда эди.

Умид катта-катта қадам ташлаб, бош инженер хонаси томон юрди. Хона эшиги қия очик эди. Умиднинг кўзи Макара Афанасьевичнинг столи олдидан турган Нафисага тушди. Қадами секинлашди. Жаҳл устида Ма-

кар Афанасьевичнинг олдига кирмоқчи, юрагидагининг ҳаммасини тўкиб солмоқчи эди. Бу шахтидан қайтиб, эшик олдида тўхтаб қолди. Лекин юраги габабданми, ҳаяжонданми қаттиқ-қаттиқ уриб кетди. Қулоқ солди. Ичкаридан Макар Афанасьевич билан Нафисанинг товуши баралла эшитилиб турарди. Умид қимир этмай қулоқ тутиб қолди.

— Сиз, демак, асл ота-онангизни ҳам, қариндошуруғларингиз бор-йўқлигини ҳам билмайсиз,— дерди Макар Афанасьевич.

— Йўқ, мутлақо билмайман, ўзим ҳам асранди қиз эканлигимни кейинчалик одамларнинг гапларидан билиб қолганман. Отам (Парпи отани айтарди) анча вақтгача: «Йўқ, сен ўзимнинг қизимсан, ким сени асранди деса бекор айтибди»,— деб айтмадилар.

— Кейин анигини билдингизми?

— Билдим,— деди Нафиса.— Бу ҳақда гап очсам, отам, худди мен ташлаб кетиб қоладигандек, кўзларига ёш олардилар. «Болам, мени қийнама, қўрқитма», дердилар. Охири гапириб бердила. «Олиб келганимда эндигина тилинг чиқаётган жажжи қизча эдинг. Ота-онанг бўлса аллақачон сени қидириб топиб келишарди, лекин топиб келишса ҳам сени уларга бермайман», дедилар...

Макар Афанасьевич қаттиқ хўрсиниб олди.

— Отангиз ҳақиқатан ҳам сизни ҳеч кимга бермасликка аҳд қилган экан,— деди.— Отингизни ҳам ўзбекча қўйиб, ўзбекча кийинтирганлар-да, шундайми?

— Ҳа, отам мени жуда яхши кўрадилар, ҳали ҳозир ҳам икки ҳафта бормай қолсам, фириллаб келадилар,— фахрланиб деди қиз.

У Макар Афанасьевичга асл отини айтмади. Макар ака сўрамади. Умид эса биларди. Нафисанинг асли оти — Наташа. Макар Афанасьевич илгари бир сўраганида Умид унга айтган эди ҳам.

— Гап бундай,— деди Макар Афанасьевич ни-

ҳоят.— Сизни безовта қилиб, чақиртириб сўраётганимнинг важи шуки, эшитгандирсиз, мен урушда хотинимдан, қизимдан айрилганман.

— Эшитганман, биламан,—деди Нафиса.

— Сизни кўрсам,—Макар Афанасьевичнинг овози ғайритабиий ўзгариб, йиғламсирашга мойил эшитилди,—худди ўша қизимни кўргандек бўламан. Кўзларингиз, ҳатто яқинда танцада кўриб қолдим, қўлингиздаги холингиз ҳам қизимнинг қўлидаги холига ўхшар экан. Тунов кун и уйимда суратини кўрган эдингиз-ку. Шунинг учун менга ҳам қиз бўлинг...—Макар ака сўзининг давомини айтолмади. Нафиса унинг кўзларига, оппоқ сочларига тикилиб қолганди. Унинг ҳам юраги қаттиқ-қаттиқ урарди.

— Хўп, сизга ҳам қиз бўламан. Сиз ҳам отамсиз. Мени ўз қизингиз деб билинг. Икки оталик бўлиш қандай бахт менга. Ҳали ҳам қизингиз қатори юрибман-ку...—овози дам кўтарилиб, дам тушарди Нафисанинг.

— Раҳмат, қизим бу гапингизни Парпи отанинг ўзига айтаман.

Уруш жудалик чоҳига ташлаб ўтган бу икки жигарсўхтанинг бир-бирига қалб пайвандлиги Умиднинг кўнглини бузиб юборди. Ўз аламини, дилига йиғиб келган шикоятларини ҳам эсидан чиқариб, полни тақиллатиб қадам босганича кўчага отилди. Орқасидан «ким экан бу», деб Нафиса югуриб чиқди. Умидни кўриб, изига қайтди. Макар Афанасьевич ҳам уни кўриб қолган эди.

— Умидми?—деди у.

— Ҳа.

— У менга ўғил бўлиб эди, сан мана қиз бўлдинг, бағрим бутун бўлди.

Бу гап Нафисага ёқмади.

— Чўлдан қочмоқчи бўлганларни ҳам ўғил қилиб олаверган экансиз-да, ота.

— Ким қочмоқчи бўлган, Умидми?— Нафисага тушунолмай ҳайрон бўлди Макар ака. — Кимдан чиқди бу гап?

Нафиса ётоқдаги қизлар оғзида Нодир билан Умид қочиб кетиб, яна қайтиб келишибди, деган гапни эшитгандан кейин, бошқа бировдан бу ҳақда сўрамаган ва бошқа ҳеч ким унга бу тўғрида гапирмаган эди. Шунинг учун Макар Афанасьевичнинг саволига жавоб беролмай қолди.

— Сен бўлмаган гапларга ишониб юрибсан, шеклли? — қошларининг ораси туташди Макар аканинг.— Умид асл йигит, ота ўғил. У қочган ҳам эмас, қочмоқчи бўлган ҳам эмас.

Нафиса гарангсиб қолди. Ҳозир ўзининг алданганлигига ишонгиси ҳам, Макар Афанасьевичга сўзини бергиси ҳам келмасди.

— Асл йигит бўлса, нега полигонда ғалва қилиб юрибди?

— Уни ҳам эшитганмидинг? Қамчиликлар билан келишолмай қияпти,— деди Макар Афанасьевич.— Бегибойга ўхшаган тўраларнинг додини беряпти. Ҳа, Умид асл йигит, қизим, сен янглишма?

Нафиса бу ердан ғалати бўлиб чиқди.

6.

Зикир кечадан бери яна хуноб. Маъдидан темир-бетон полигонининг болалари бошқармага бориб, Гриша ўн беш кунда уч кун ишга чиқмади-ю, нима учун унга мукофоти билан ойлик ёзилди, деб тўполон қилганларини эшитиб, тепа сочи тикка бўлди.

— Болаларни ўша йўлга солган,— деди у.— Бунақа пасткашлик унинг қўлидан келади, нега ўз аравасини тортиб юравермай бошқаларнинг ишига тумшуғини тикади, ўзининг бир нарса бўлгиси келяптими!

Зикир дўсти Маъдининг гапи билан чўлда қолиб,

қишлоқда совурган бойлигининг ўрнини тўлдирга бошлаганди. Тоғдаги қишлоқлардан мевалар олиб келиб сотди. Худо бериб турса яна 2-3 ойда ҳаммасининг зарарини қоплаши, илгаригидек кимсан Зикирбойвачча бўлиб олиши ҳеч гап эмас. Лекин, Умид яна ошига тош соляпти. Зикирнинг кўзлари ёнди.

Янги ресторанда ишрат қилишаётиб, Зикир Умиддан шикоят қилган эди, Маъди юпатди:

— Оғайни, жуда юрагингни олдириб қўйганга ўхшайсан, арзимаган бир гапга шунча қўрқиб, тарвuzинг қўлтигингдан тушиб кетди. Парво қилма.

— Қўрқадиган жойим йўқ,— деди Зикир ҳам стаканни қўлига олатуриб.— Лекин анавини йўлга сола олмадинг-да.

— Ҳайронман, сен билан бирга юрганимни бир кўрди-ю, қайтиб ёнимга йўламай қўйди. Унинг ҳам юракпурагини олиб қўйганмисан,— столга суяниб кулди Маъди. Ҳеч гап бўлмаса ҳам Зикир унга қўшилиб қотиб-қотиб кулди. Маъди кўнглини кўтарди:

— У бўлмаса ҳам, Зулфираҳонни қўлингга топшириб қўйдим-ку, билқиллаган.

Шу лайт ресторанга Бегибой кириб келиб қолди. Икки дўстининг ёнига чўқаркан:

— Бугун бошқармада мажлис,— деди.

Зикир билан Маъдининг кўзлари бетоқат тўқнашди...

7.

«Т» ҳарфи шаклида қурилган катта, узунчоқ ўтовнинг ён қанотлари кўтариб қўйилди, орқа дарчалари очилди, ичкарига ҳам, ташқарига ҳам стуллар тизилди. Ўтов устунларига, ташқарида узун ҳодалар учига ўрнатилган лампочкалар ҳаммаёқни ёритиб юборди. Кўн ўтмай оддий ғишт терувчи ва бетончилар, сувоқчи ва дурадгорлар, экскаваторчи ва шофёрлар, тех-

никлар оқиб кела бошладилар. Зал одамга лик тўлди. Президиумга ҳар галгидек бошқарма бошлиғи, бош инженер ва ишбошилар, шунингдек, Бегибой Ҳолиқов чиқиб ўтирди. Мажлис бошланди.

— Бугунги ишлаб чиқариш йиғилишимизда,— деди бошқарма бошлиғи ялтироқ бошини силаб,— бир ма-салани, яъни бошқармамиз доирасидаги айрим бри-гада ва заводларнинг қолоқлик сабабларини аниқлаб олишимиз лозим.

— Ҳали орамизда қолоқлар ҳам борми? Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимизнинг ҳаммаси юз-ку?— де-ди кимдир орқароқдан.

— Қолоқлар бор,— деди бошлиқ овоз чиққан то-монга алаңлаб,— бошқа бригадаларнинг ўз плани-ни ошириб бажариши ҳисобига планимиз юз бўл-япти.

Бегибой ўтирган ерида қимирлаб олди, овоз кел-ган томонга олайиб қаради...

Директор қўлидаги узун рўйхатга қараб, брига-да ва участкаларнинг ойлик иш якунларини мажлис аҳлига ўқиб берабошлади. У кўпчилик бригада ва участкаларнинг ойлик иш якунларини 120, 150, ҳатто айримларини 200 процент бажарди, деб ўқиди. Бетон полигони ойлик иш графигини 81 процент, яна алла-қайси бригада 97 процент бажарганини айтди. Дирек-торнинг оғзидан чиққан ҳар-бир сўзни оқизмай-томиз-май илиб бораётган зал 81 ни эшитиши билан ғала-ғовурга келди. Гаврилов сув солинган графиннинг қорнига қалам билан уриб, зални тинчитди. Орқароқ-дан кимдир луқма ташлади:

— Бетон заводи директори чиқиб гапириб берсин, нега бунақа бўлди?

Бегибой кўзларини пирпиратди, қаддини кўтариб ўтирди, бир директорга, бир залга қаради.

— Гапирсин, гапирсин,— дейишди яна. Бошқарма бошлиғи ҳам уни минбарга имлади. Бегибой қорни

устида ҳа деса сирғаниб кетаверадиган камарини тўғри-лаб олиб минбарга чиқди. Графиндан бир стакан муздек сувни шимириб олгач, лаби-лунжини артмай гап бошлади. Бир қанча баҳоналарни пеш қилиб охирида деди:

— Графикнинг бажарилмай қолиш сабаби шуки, бетончиларимиз орасида бир-иккита бебошвоқлари бор, улар кўпинча одамларни ишдан қўйиб, сандирақлаб юради, шулар нормасини бажармайди. Яқинда биз уларни жазоладик. Танбеҳ бердик, энди иш юришиб кетиши керак.

Қовушмаган бу жавоб залда яна ғовур-ғувур қўзғалишига сабаб бўлди.

— Кимлар экан ўшалар?

Бегибой чўнтагидан бир парча қоғоз олди. Унинг оғзидан Умид Сиддиқов, Эшмон Комилов, Владимир Медведов, Нодир Зияев, Иосиф Нанашвили деган номлар чиқиши билан залда яна шовқин кўтарилди. Шовқин хунукроқ тус олаётганини пайқаган Бегибой қўшиб қўйди:

— Бизда сув ташувчи машиналар ҳам бузилиб қолиб, у ҳам бир оз қўлимизни ушлаган эди, тузатиб ишга солдик.

Залдан кимдир:

— Сиз қоралаётган йигитлар қаҳратон қишда муз чангаллаб полигон қурган-ку,— деб қичқирди.

— Биламан, улар полигон қуриш вақтида қандай ишлашганини, лекин ўша вақтда ҳам улардан бири қочиб кетишга уринган, давлатнинг кўплаб бетонларини исроф қилишган. Ҳозир ҳам бебошлик давом этмоқда.— Бегибойнинг гапларидан қўланса ҳид келарди.

Мажлис раиси зални аранг тинчитди. Бегибой жойига ўтириб улгурмасданоқ минбарга Умид кўтарилиб олган эди.

— Ишбошимиз ўртоқ Бегибой Ҳолиқовичнинг ҳам-

ма гаплари тўғри,— деди у,— тўғри, биздан ҳам камчиликлар ўтган. Аммо бир нарсани аниқ қилиб олишимиз керак, биз нима бебошлик қилибмиз, ундан кейин, биз бошқармага нима мақсад билан келганмиз?!— Бегибой Умиднинг сўзга чиқишини кутмаган эди, ўтирган ўрнида қотиб қолди. Умид гапида давом этди.— Полигонимизнинг қолоқлик сабабини, менимча, олдин ўртоқ Ҳолиқовичдан қидириш керак... Сув, қум, цемент, чақир тош бетончининг нонидир. Қум, цемент, чақир тошни гараж шофёрлари вақтида келтириб беришади. Аммо бошлиғимиз ихтиёридаги сув машиналари оқсагани-оқсаган. Шу ойнанинг ўзида ўртоқ Бегибой Ҳолиқовичнинг айби билан бизнинг 5-6 иш кунимиз ҳавога учди. Бу ҳақда шофёрлар ҳам гапириб бериша олади.

Директор титраб гапираётган Умидни тўхтатди. Залдан шофёрларни қидирди. Улар Умиднинг гапларини сўзма-сўз тасдиқладилар. Бегибой ҳатто ўзларини, машинани ўғринчи киракашлик пули ҳисобидан тузат, деб ҳайдаганларини ҳам айтиб бердилар. Умид полигонга ер остидан сув тортиш учун мотор қуриш зарурлигидан тортиб, бу ҳақда Бегибойнинг олдига таклиф билан келганларини, у кабинетидан қувлаб чиқарганини, полигонга жуда кам боришини, бюрократлигини, ҳатто шофёр Гриша минадиган 84-13 номерли машина ўтган ўн беш кунликда уч кун ишга келмаган бўлса ҳам, унга бир кунини хато қилмай, мукофотлари билан ойлик ёзилганини ҳам гапирди.

— Бегибой чўлга шахсий манфаатини кўзлаб келганлардан, у бошқарманинг машиналаридан ўз шахсий ишлари йўлида фойдаланмоқда,— деди Умид сўзининг охирида.

Умиддан кейин минбарга Владимир чиқди, ундан кейин бир арматурачи йигит сўзлади. Бу иккала нотик ҳам Бегибойни қоралаб, Умидни қувватлади. Жўрабой ака ўз йигитларининг дадиллигидан руҳланиб, устма-

уст қарсақ чалар, президиумдагиларга қараб, тўғри гапиришяпти, деб бош лиқиллатарди. Нафиса эса орқароқда кўзларини катта-катта очиб, ҳаммага бир-бир қараб ўтирар, гоҳ дугоналарига қўшилиб чапак чаларди. Бегибойнинг бўйни гарданига чўкиб, солқи лунжлари янада солиниб тушган эди.

Нихоят бош инженер Макар Афанасьевич сўз олди:

— Уртоқлар,— деди у,— бизга ҳозир бетон полигонининг қолоқлик сабаблари ойнадек равшан бўлди. Биз Бегибойга ишонгандик, у ишончни суиестемол қилаётганга ўхшайди. Унинг ишини алоҳида текширтирамиз. Биз бир нарсага эътибор қилишимиз жуда зарур бўлиб қолганга ўхшайди. Орамизда паразитлар, ишга халал етказувчилар борлиги маълум бўлиб қолди. Бундайлар бизнинг янги қурилиш шароитимизда жуда хавфли. Шунинг учун уларга қарши курашни бўшаштирмаслигимиз лозим. Бундай кураш йўлида бугун дадиллик кўрсатган ҳамда қурилишимизнинг муҳим бир участкасидаги ўприлишнинг олдини олишга ёрдам бергани учун биз, эски янгиерчининг, биринчи комсомол гвардиячининг ўғли Умид Сиддиқовга миннатдорчилик билдирамиз.

Макар аканинг сўзи тугагандан кейин зал бир нафас жим туриб қолди. Сўнг бирдан қарсақ гуриллади. Умид ҳам ҳаммага қўшилиб чапак чалар, ёнида турган Нодир унинг қулоғига:

— Жуда мақтаб юборди-ку,— дерди.

Мажлис кун тартибидаги бошқа масалаларни муҳокама қилишга ўтди. Умиднинг назарида бугун бу ерда худди ер ва одам доғига қарши кескин жанг кетаётгандек бўлди.

Нафиса Макар Афанасьевични биринчи марта қишлоқ чойхонасида кўргандаёқ, юраги унга талпингандек бўлган эди. Чўлга ишга келганидан кейин қараса, у одам ўзи ишлайдиган бошқарманинг бош инженери. Кўриб суюниб кетди. Шундан бери ота-боладек. Лекин Макар Афанасьевичнинг кечаги гаплари қизни ҳайратга солиб қўйди. У бўйи чўзилиб, эсини танигач, ўзининг ота-онаси урушда ҳалок бўлганини, асранди қиз эканлигини эшитди, дилида туғишганларимни топсам, кўрсам деган истак ёнди. Лекин улардан номнишон тополмади. Парпи отанинг ҳар қандай отага бергусиз меҳри, атрофдагиларнинг ғамхўрликлари эса ҳалиги истакни вақтинча юракнинг бир четига суриб қўйди. Аммо Макар Афанасьевичнинг гаплари унинг қалбида яна ўша истакни аланглатди. Кўринишидан Макар Афанасьевич кўп қидиришлардан натижа чиқмагач, ўз қизидан умидини узаёзган, Нафисанинг айрим белгилари қизига ўхшагани билан отлари бошқа бўлгани учун қизим бўлса керак, деб ўйламаяпти ҳам.

Нафиса кечаси билан ухлаёлмай чиқди. Унинг кўз ўнгида ўз отаси келиб турганидек бўлаверди. Эртасига эрта биланоқ қишлоққа — Парпи отанинг олдига бормоқчи, ундан яхшилаб сўраб олмоқчи, ота-онасининг асл номи нима эканлигини архивлардан текширмоқчи эди. Йўқ, бугун кетолмай қолди. Бошқарманинг кечқурунга мўлжалланган ишлаб чиқариш мажлиси йўлини кесди.

Яхшиям мажлис бўлди. Нафисанинг кўнглини хира қилиб турган бир туман кўтарилди. Бунинг ҳам бир четини Макар Афанасьевич очган эди. Қиз ёшлик ғурури билан алам-аччиқ ичида Умиддан ўринсиз чет-

лаб юрганини тушунди. Ифволарга ишониб, гўё ўч олиш мақсадида севган йигити кўзи ўнгида кимлар билан танца тушмади. Нафиса ҳозир ўзини қаерга қўйишини билмасди.

Умидни иродасиз, жони бўш, сенга ваъда бериб қўйиб, қочиб кетаверадиган йигит дейишганди. «Қочиб кетмоқчи бўлган одам шунақа бўладими?! Нега бу даража янглишдинг, Нафиса». Қиз минбарда гоҳ тутилиб, гоҳ овози кўтарилиб гапираётган Умиднинг ҳаракатлари ва интилишида, асрий чўлни забт этиш учун бел боғлаган эл фарзандларидан бирининг иродаси, жасорати, матонатини кўрарди. Унинг ўз шахсий ороми, шахсий нафси-иззатидан кўра кўпчиликнинг ишига қайғуриши билиниб турарди. Бундай хизмат йўлида у Бегибой ва Маъдиларни аямай савалаяпти.

Ҳаётда бундай йигитнинг дўсти, севгилиси бўлишдан ҳам буюкроқ бахт бўладими, қиз йигит қалбидаги олижаноб ёлқини ўша магазин олдида тўсатдан учратиб қолгандаёқ аниқ кўрган эди.

Қиз шубҳаларни қанчалик тез четга суриб ўтиб унга яқинлашса, шунча яхши эканини пайқай бошлади. «Олдин Умидга бетма-бет бўлиб, узр сўрайман, янглишганимни айтаман, кечирар, сўнг адамнинг олдига бораман», деб ўйлаган эди у.

2.

Бўлажак истироҳат боғининг кунни кечагина ўтказилган нозик ниҳоллари шабадада силкинади. Шу бугунгина қилинган йўлкаларда қўлини орқасига қилганича кезаётган Нодир сув шалдирашига, кўчат силкенишига мослаб қандайдир куйни ҳуштакда хиргойи қилади. У йўлканинг у бошидан-бу бошига бориб келар экан, шаҳарчанинг янги уйлар тизилган кунботар томонига қараб қўяди. Қуёш уфқдан сўнгги шуъла коқилларини аллақачон йиғиштириб олган. Ша-

ҳарчага тун ўрмалаб кириб келмоқда. Кўчага ясанган икки қиз чиқди. Улар янги битган клубни қоралаб келавердилар. «Дугонаси билан бирга чиқди-ку»,— ўйлади Нодир.

Нодир яхши кўрган қизининг дугонасидан ажралишини пойлаб, у томонга секин юрар экан, олдига кўзга тушган чўпдек икки йигит тайтанглашиб келиб қолди.

— Ҳа, Нодирвой, кўзлари йўлда экан-да,— тебраниб иршайди Зикир,— яхши-яхши билиб олдик...

Нодир қизарди, жаҳли ҳам чиқди:

— Энди, ака, гапни айлантирманг-да, ўзингиз ҳам...

— Менга қара,— деди Зикир Нодирни қишлоқдагидек ўзига жуда яқин олиб,— оғайнинг бу ерда ҳам жуда манманлашиб кетаётган эмишми?

Нодир унинг нимага шама қилаётганини тушунди. Маъдига ҳам тикилиб олди. Кейин:

— Ўзи, баъзи одамлар уни шунақа қилишга мажбур этишди. Ҳамма ўз ишини ҳалол бажарса-ю...

— Ия, ким ўз ишини ҳалол бажармайди дейсан! Унинг ўзига шунақа иғво қилиш, тухматчилик касали теккан.

Шу пайт Зулфира клуб томонга ўтди. Унинг Маъди ва Зикирга ниманидир ишора қилиб, қош учириб, кўз қисганини Нодир пайқади. Зикир уни кўрмагандек давом этди:

— Мана, оёғига ёпишавериб, Бегибой акадек одамнинг ҳам бошига сув қуйибди...

— Нимаси тухматчи? Сизга дейман, одамларнинг айбини очса иғвогар бўладими?— Нодирнинг жаҳли чиқа бошлади.— Уша Бегибойнинг ўзи полигонни қанақа булғатиб, ишни кетга суриб юборганини биласизми?

Зикир димоғи билан кулди.

— Сен ҳам ўзгариб, галати гапларни гапирадиган бўлиб қолибсанми,— деди. Унинг оғзидан чиққан қў-

ланса арақ ҳиди Нодирнинг димоғига урилди.— Мен оғайнингни ўзинг тўғри йўлга солиб ол, тагин сенинг ҳам оёғингга болта урмасин демоқчиман.

Маъди «маъқул» дегандек бош ликиллатди. Нодирнинг ғижини келди. Зикирнинг айёр кўзларига тикилди.

— Энди бунақасига ўтяпсизми?— ингичка қошлари туташди Нодирнинг.— Катта холангизга бориб айтинг бу гапингизни!

У тез бурилди-ю, йўлига кетаверди. Оёқ устида зўрға турган Маъди билан Зикир ҳавони сузиб, тебранишиб олди-ю, Зулфиранинг изидан кетишди.

3.

Кўш чилдирма овози янги битган клуб гумбазларини янгратиб юборди. Саҳнада шаҳарнинг ҳаваскор раққоса қизлари енгил ва шўх парвоз этардилар. Бу концертда Нафисанинг ҳам номери бор. У шеър ўқимоқчи. Ҳа, бундан икки ойча бурун Умиднинг кундалик дафтари саҳифаларида кўриб қолган ва ўзига ёқиб кўчириб олган бир шеърни ўқиб бермоқчи. Шеър чўлга юриш қилаётган комсомол ва ёшларга бағишланган. Ушанда Нафиса: «Шеърни ўзингиз ёздингизми?», деб сўраганида, Умид камтарлик қилдими ё рости шуми, йўқ, деб қўя қолганди. Мана у шеърнинг бандлари:

Партиямиз зафарга бошлар,
Бўз ер сари юринг, мәрд
ёшлар!
Саҳроларда бўстон яратинг,
Севги, бахтга мангу
йўлдошлар.

Бу кеча шу шеър бутун шаҳар ёшлари қалбига ўтиши керак. Нафиса шеърни ўқиганида Умид ҳам кўпчиликнинг орасида бўлишини, ўзини тинглашини истайди. Аммо қани у? Қиз шу бугун, худди шу кеча:

да яна унинг қўлларидан тутмоқчи, орада ўтган со-
вуқчиликлар музини эритмоқчи эди. Изтиробли инти-
лишлар билан Умиднинг йўлига кўз тутяпти. Ҳамма
келди. Ҳамон ундан дарак йўқ. Ҳаммадан кейин хуш-
рўйгина бир қиз билан келган Нодирдан сўради:

— Умид қани?

— Бугун комсомол мажлиси бор,— деди Нодир.
Нафиса шаҳар комсомол активининг мажлиси бўлиши
ҳақида эълонни бундан икки кун бурун бошқарма эши-
гида ўқиган эди. Ўзи билан ўзи бўлиб унутибди. Яна
Нодирдан сўради.

— Келармикин?

— Билмадим. Аниқ айтгани йўқ. Мажлисдан кейин
келиб қолса, ажаб эмас.

Бу дудмол жавоб қизни бўшаштирди. У энди ора-
даги англашилмовчиликни бир соат бўлса ҳам чўзиш-
ни истамас. Эндиги ҳар бир минут қизнинг кўнглида
яхшилика эмас, ёмонликка олиб борадигандек қўрқув
туғдирарди.

Ичкарида чилдирма гижбакабанги зални титрат-
моқда. Ташқарини тун қоплаганди. Шу пайт киравериш
йўлакда икки йигит пайдо бўлди. Эшик олдида турган
йигит уларнинг йўлини тўсди.

— Таклиф билетингиз?

— Энди шу концертга ҳам қоғозми?

Бу овоз таниш эди. Нафиса Зикирни кўрди. Унинг
ёнида тебранганича чўнтак кавлаб Маъди турар эди.
Иккаласининг ҳам кайфи баланд, кўзлари чалишган.
Зикирга кўзи тушди-ю, Нафиса худди қалбида оғриқ
пайдо бўлгандек безовталанди. Кўзлари ёнди. Текши-
риб киритувчи йигит уларни кўкракларидан итариб,
ташқарига чиқара бошлади.

— Чиқинг, чиқинг, жамоат жойига мастлар қўйил-
майди.

— Эй, қанақангисан ўзинг,— зўр билан тисарилар
экан қичқирди Маъди. Унинг кўзи Нафисага тушиб

қолди.— Ана, ана Нафисахон, таниш қизим, менга қаранг, Нафисахон.

Иигит унинг охи-воҳига қулоқ солмади. Суриб эшикка чиқариб ташлади.

«Таниш қизи эмиш, мен-а, унинг таниш қизиманми»,— қаттиқ ори келди қизнинг. Умиднинг ўрнига бу суюқлар рўбарў келди. Қанақанги тескари кўргулик бу? Лекин Умид қандай қилиб ҳам унинг олдига келсин. Нафиса уни озмунча хафа қилдими. Нафиса бош эгиб, унинг олдига бориши керак. «Мажлисдан кейин ўшанақаси кетиб қолса-я, у кейинги вақтларда концерт, танца кечаларига жуда кам келадиган бўлиб қолди-ку!» Мана, иккинчи, учинчи номерлар ҳам ўтляпти. Қиз эса ёлғиз. «Бораман, бориб гаплашаман, эртагача тоқат қила олмайман. Номерим келгунича олиб келаман бу ерга»,— деди у.

Нафиса кийим иладиган жойдан кўк плашини олди. Кўчага чиқди. Шаҳар тинч, ҳаммаёқда мингларча чироқлар. «Саёқлар ҳам йўқолибди», деди қиз йўлкага қадам кўяр экан. Қомсомол комитети ўтови шаҳарнинг четида, орада анча уйлар, ўра озидек қоронғи сайхонликлар бор. Чўл зулмати чироқлар шуъласини сўриб ютаётганга ўхшарди. «Ҳозир етиб бораман, мажлиси тугамаган бўлса кутиб тураман. Мени кўрибоқ ўзи тушунади, олдимга келади». Қомсомол штабига яқинлашган сари қизнинг юраги ҳовлиқар эди.

Ана катта сайхонликнинг нариги бошидаги ўтов — қомсомол штаби. У ердан одамлар чиқиб кетяпти, шекилли. Мажлис тугабдимикин?! Кўпчилик нариги катта йўлдан кетяпти. Умид мажлисдан чиққач, шу сайхонликдан кесиб ўтиши ва уйига кетса нариги муюлишдан чапга, концертга борса, ўнгга бурилиши мумкин. Шу ерда кутайми? Йўқ, боравераман,— деди қиз ва олға юрди. Аммо сайхонликка қадам кўйди-ю, нарироқда тайтанглашиб юрган икки қора гавдага кўзи тушди. «Ким улар?— тикилди қиз.— Анавилар шекил-

ли.— Йўғ-э.— Тўсатдан юраги қаттиқ ура бошлади.— Балки улар эмасдир»,— деди ўзига-ўзи. Қайтиш бўлмайди. Ким бўлса ҳам, тўғри бориб, босиб ўтиб кетавериш керак. Энди унинг Умиднинг ёнига борадиган йўлини ҳеч ким тўса олмайди. Улар бўлганида нима қилар эди.— Қиз дадил олға юриб кетди. Икки қора буни кўрди-ю, папиросини тутатиб, чайқалиб келаверди. Нафисага яқинлашгач бири:

— Ие, ўзи-ку,— деди. Иккинчиси,— аҳ,— деди. Оғзиларидан ҳамон арақ ҳиди бурқсаб турган йигитлар шошиб, атрофга алангадилар. Сайхонлик холи кўринди.

— Шунча вақтдан бери тузоққа илинмай юриб, ўзи оёғи билан етиб келишини қара-я,— деди бири хириллаб. Нафиса уларни таниди, чўзилиб келаётган қўлларини қоқиб юборди.

— Ие, шунақами,— деди бири.— Ҳали-я!

Иккови қизга баравар ташланди. Бири қўлидан таппа ушлади, иккинчиси оғзига ёпишди. Қизни четроққа сургаб ўтишмоқчи эди. Қизнинг мушти бехосдан бирининг лунжига тушди, йигитлар бошлаган ишларини охиригача етказиш учун энди бор кучлари билан қизга ёпишдилар. Сайхонликда олатасир олишув бошланиб кетди...

4.

Шаҳар комсомол комитетининг қурувчи ёшлар орасида социалистик мусобақани кучайтириш масаласига бағишланган мажлиси кўпга чўзилмади. Вазифалар аниқ белгилаб, тақсимлаб ҳам олингач, бирин-кетин тарқалишди. Кўчага ҳаммадан кейин Умид чиқди. Концертга борсамми ёки бормасамми, деб иккиланди. Ҳамроҳлари ҳам кетиб қолишибди. У бир ўзи аста йўлга тушди. Ўзича, сайхонликнинг нариги бошига,

муюлишигача юрай-чи, оёғим тортса, концертга борарман, деб ўйлади. Лекин яна: «Нафиса у ерда кимлар биландир чақчақлашиб турганини кўриб қолсам таъбим хира бўлиб юради. Қўй, бундан кўра борма», деди ўзига.

Шу пайт сайхонликнинг нариги бошидаги икки қора гавдани ва қурилиш томондаги қоронғиликдан чиқиб, уларга яқинлашиб келаётган кимсани кўриб, диққат билан тикилди. Бирдан ҳар учала гавда бир-бирига қўшилиб, қоришиб кетгандек туюлди. «Дод» деган овоз эшитилди. Қараб туриб бўлмайди.

Умид ўша томонга югурди.

Ҳақиқатан ҳам икки йигит бир аёлни зўр билан букиб, ерга босишга уринарди. Умид безориларни огоҳлантириш учун, аввал «нима тўполон», деб ҳайқирди, кейин бирининг елкасидан ушлаб четга силтаб ташлади, иккинчисининг кўкрагидан итарди. Бундай кўмакчи келиб қолишини кутмаган йўлтўсарлар Умидга бир нафас тикилиб қолдилар. Кейин бирдан унга ёпишдилар. Бири Умиднинг боши, кўзи аралаш мушт туширди. Иккинчиси қизнинг белига тепди. Безорилар кўпроқ Умидга ёпишар, «ҳа, қўлга тушар экансан-ку», деб қўярдилар.

Атрофдан одамлар шовқини эшитилди.

Безориларнинг қўлида нимадир ялтиради, улар Умидга бир-икки ёпишдилар-у, кейин чекина бошладилар. Қоронғиликка ўзларини уриб, кўздан ғойиб бўлдилар. Умид уларни қувиб бориб, иморатлар орасида йўқотди...

Орқасига қайтиб келиб, йўл четида турган Нафисани таниди.

— Нафиса?— деди у.— Сизмидингиз, нима қилиб юрибсиз шу вақтда?

— Сизнинг олдингизга кетаётган эдим,— беихтиёр йигитнинг қўлидан ушлади қиз. Ҳозир у Умиднинг бағ-

рига отилишга ҳам тайёр эди. Аммо қўлига пилчиллаган иссиқ нарса ёпишди.

— Қон-ку!?

— Йўғ-э?— уни тинчитмоқчи бўлди Умид. Лекин ўзи ҳам кафтига тирсагидан қон оқиб тушаётганини сезди. Боя қизиқ Устида билмаган экан. Елкаси, яна аллақасери жазиллади.

— Пичоқ урибди!— қўрқувдан қичқириб юборди қиз.

Одамлар етиб келди. Қимдир тез ёрдам машинасини чақиргани чопди. Қимдир милицияга юғурди, яна кимлардир безорилар изидан чопди. Қон кўп кетар, Умид ҳолсизланиб борар эди.

— Вой номардлар-эй,— ёқасини ушлади Умид.— Наҳотки шу даражага етган улар?!

Ўзини йўқотиб қўйган Нафиса нега унинг бунақа дейётганига тушунмас, қалт-қалт титрарди. Ҳозир унинг хаёлига Умидга айтиш учун икки кундан бери юрагига тугиб юрган гаплари ҳам, Макар ака билан ота-бола тутунганидан бери ҳузурини ўғирлаган оташин ният — ота-онасини излатиш орзуси ҳам келмасди.

— Ярамаслар, Ярамаслар,— дер эди у тутаяқиб...

5.

Шу воқеа содир бўлган куннинг эртасига эрталаб автобус мункайган бир чолни янги шаҳарчага олиб келди. Бу Нафисанинг отаси — Парпи ота эди. Ота қизининг уйга бориш муддатидан бир ҳафта ўтиб кетганлиги учун хавотир олиб келганди. У сўраб-суриштириб, Нафиса ишлайдиган бошқарма идорасини топиб борди.

Бу ердагилар:

— Қизингиз ҳозир касалхонада бўлса керак,— дейишди.

— Нега?! Узи соғми?— довираб қолди ота.

— Яхши юрибди, соғ, соғ,— дейишди яна.

— Бош инженери қаерда,— ота дудуқланди.

— Макар Афанасьевичми? У киши ҳам қизингизнинг олдида бўлсалар керак.

— Отлари Макар Афанасьевичми?— ота кимнидир эслаётгандек кўзларини пирпиратди.

Идорадагилар унга касалхона йўлини кўрсатиб юборишди. Ота пасту баланд йўлларда ҳассасини дўқиллатиб борар экан, гоҳ «қизим нега касалхонага борди, касалмикин», деб ўйласа, гоҳ «Макар Афанасьевич, ким бўлди экан, бу номни қаердадир эшитгандекман», деб ўйланиб қоларди.

Ота олти гилдиракли вагонеткага жойлашган касалхонага борди. Эшик олдида Жўрабой ака, Эшмон, Владимир ва Нодирлар туришарди. Уларга яқинлаб борганида, «яраси унча оғир эмас, тез тузалиб кетади», деган гаплар қулоғига чалинди. Юраги ҳовлиқди. Тили калмага келмай, ҳаммага бир-бир жавдиради. Нодирни кўриб:

— Нодирмисан? Шу ердამисан? Узи тинчликми?— деди тили зўрға айланиб.

— Салом, Парпи ота, келинг-келинг,— отани кўрибоқ хушвақт бўлиб қўл чўзди Нодир.— Нафисанинг отаси, Парпи ота бўладилар.— Жўрабой акаларга таништирди. Ота айтмасидан буруноқ унинг келиш сабабини тушунишди. Нодир Парпи отанинг ўз асранди қизини еру-кўкка ишонмаслигини биларди.

Нодир:

— Нафисахон ичкарида. Мен ҳозир,— деди-ю, зинадан икки сакраб кўтарилиб, вагонеткага кириб кетди.

Дам ўтмай остонада Макар Афанасьевич билан Нафиса кўринди. Уларнинг худди ота-боладек ёнма-ён келишларини, ҳатто қошу кўзлари ҳам бир-бирига ўхшаб кетишини кўриб, Парпи отанинг юраги шув этиб

кетди. У қизини бағрига босиб, пешонасидан ўлди. Уни соғ кўриб, енгил нафас олди. Сўнг Макар Афанасьевич билан кўришди. Нафиса икки отани бир-бирларига таништирди.

— Ота танишинг, хатда ёзган эдим-ку, бош инженеримиз Макар Афанасьевич бўладилар.

Гаврилов отанинг кўлини сиқиб кўришди.

— Гаврилов?— отанинг қошлари ораси икки-уч тугун бўлиб, ёйилди,— қаердансиз?

Макар Афанасьевич юртини ва илгари Умиднинг отаси Сиддиқжон ака билан чўлда бирга ишлашганини айтган эди, ота ғалати бўлиб қолди, кўзларини пирпиратди.

— Э, эшитган эдим,— деди-ю, енгил титраб кетди.

— Қани, қани юринглар, йўлда урингандирсиз, уйга борайлик,— уларни уйга бошлади Макар Афанасьевич. У Нафисага имлаб, Умид ҳақидаги кўнгилсиз воқеани ҳозирча отага айтмай туратур, дегандек ишора қилди.

Нафиса уларни уйга кузатди-ю, яна ўзи шошиб изига қайтди.

Парни ота Макар Афанасьевичнинг уйига боргунгача ҳам турли ўйлар гирдобидан ўзини қутқариб ололмади.

Парни ота ҳаёт аччиқ-чучукларини анчагина тотиган кексалардан. У ўтмишда бойлар эшигида қарол ҳам бўлиб ишлаган, кейин қўлига қурол олиб, тоғу тошларда босмачиларга қарши жанг ҳам қилган, ўттизинчи йили колхоз тузилишида актив бўлган, қулоқларнинг додини берган ҳам. Фақат уруш, шум уруш унинг яккаю ягона ўғлини бағридан юлиб кетиб, қаддини ҳам букиб қўйганди. Уйини ўғри уриб кетгандек, юраги увишди. Кампирига, ўғлимиз яхшилик учун курашяпти, кўпам куяверма, деса ҳам ўзи ичидан ёнарди. Уша вақтда уруш бўлаётган жойлардан кўлаб ота-онасиз болалар келтирилмоқда эди. Ота

кампири билан маслаҳатлашиб, тўғри катта шаҳарга тушди. Тегишли идораларга учрашиб, сўнг вокзалга чиқди. Бу ерда ўнлаб болалар орасидан суюкли қизи Нафисани кўриб, қўлига олди. Кўзлари қувончдан ичига тушиб кетган қизча бир бурчакда талмовсираб ўтирарди. Парпи ота унга яқин бориши биланоқ бағрига ёпишди. Уйга келгандан кейин кўп вақтгача, кўчадан машина ўтса ҳам, чинқириб кўзлари така-пука бўлиб юрди..

Қизчани олаётганда тарбиячилар, қизча кечаси бомба тушиб қулаган уй ҳаробалари орасида чинқириб ётган экан, бир жангчи қутқариб олиб, чекинаётганлар қўлига бериб кетибди, улар станцияда қутқарилган болалар группасига қўшиб қўйишибди, дейишди. Унга қизча қутқарилган жойнинг адресини беришди. Қизчанинг исми ҳужжатларда Наташа деб ёзилганди. Фамилияси аниқ эмас. Парпи отанинг кампири қизчага Нафиса деб ўзича ном қўйиб олди. Шу-шу бўлди-ю, Нафиса бўлиб кетди.

Қизча асл номини ҳам унутди.

Ўғилларидан қорахат келгач, чол билан кампир Нафисага қаттиқ суяниб қолдилар. Кўзимизнинг оқу қораси бўлиб, ўзинг қолдинг дедилар. У, ҳам ўғиллари, ҳам қизлари бўлди. Нафисани меҳр қўйиб ўқитдилар, тарбияладилар. Унинг кўнглига қараб, шаҳарга қурилиш техникумига ҳам юбордилар. Бугун эса мана суюкли қизлари Янгиерда. Лекин...

Парпи ота кейинчалик текширтириб қизининг асл исми, фамилиясини билиб олганди. Аммо у ўз қишлоғидан эмас, бошқа узоқ станциядан шарққа жўнатилаётган болалар коллонасига қўшилгани учун ота-онаси қидириб тополмай қолишини ҳам таҳмин қиларди. Қизи бу ҳақда сўраганида ўз қизимсан, деб қайтарар, алдар, кўпинча Нафиса асл ота-онасини топиб, ўзини ташлаб кетиб қоладигандек, билганларини ундан яширарди.

Шунинг учун ҳозирги тасодиф Парпи отани тамомила гангитиб қўйди. Дилида ўзича:

— Ҳаётда шунақа, номлар тасодифан бир-бирига ўхшаш келиши ҳам мумкин-ку,— дея ўзини юпатар, лекин яна,— шўрликларнинг топишиши қанақанги савобли иш-а?!— дерди.

Макар Афанасьевичнинг уйида ҳам у узоқ ўйга ботиб ўтирди.

Макар ака унга урушда қизи билан хотинидан ажралганини ҳам, ҳатто бу ерда Бегибой Ҳолиқович исмли бемаза одам қизингизни топишиб берман, деб биқинига кириб, аңча овора қилганини-ю, кеча уни комиссия текшириб, бутун ярамасликларини очгани, ҳатто иши судга берилажагини ҳам гапирди.

— Менга қизимнинг бир шу сурати ёдгор бўлиб қолди. У ҳам Умидларнинг уйида сақланган экан,— деди у рамкага солиб, деворга осилган суратга ишора қилиб.— Лекин тасодифни қарангки, сизнинг қизингиз ҳам болалигида худди менинг қизимга ўхшаган экан. Қаранг, қўлларидаги холи ҳам худди ўзи-я!

Ота суратга жуда узоқ тикилиб қолди.

— Ҳа-я, худди ўзи-я!— деди ниҳоят Парпи отанинг кўзи олдидан бутун туманли парда кўтарилганга ўхшарди. У бир суратга, бир Макар Афанасьевичга қарарди. Қалби эса ҳаётнинг бундай ажойиб қовуштиришларига ҳайратда қолиб, ўз-ўзига тан берарди: «Шу, шу Макар Афанасьевич Гаврилов, қошу кўзи ҳам худди ўзи».

Макар Афанасьевич эса:

— Қизингиз Нафисахон худди қизимнинг ўзгинаси. Мовий кўзли, олтин сочли ўзбек қизи, кел, менга ҳам қиз бўлақол, ота-бола тутунайлик десам, хўп бўлади деди, бирам хурсанд бўлдим,— дерди.

Парпи ота ўзини ортиқ тутолмай қолди. Бу жигарсўхта отанинг ҳасратлари, оҳи-зори юрак-бағрини эзиб юборди. Кўзларида милт-милт ёш айланди. Қал-

бида: «Оҳ бечора ота, сен ҳам қизингни шунчалар се-
вармидинг, фарзанд шунчалар ширинми, табиат ҳам
шуни билиб, икковингни икки дарё қирғоғидан олиб
келиб, чўл бағрида қовуштирганини қара-я»,— дерди.
Агар шундай тасодифан дуч келишиб қолишмагани-
да Парпи ота Нафисанинг асл ота-онасининг номини
ҳали қалбида узоқ яшириб юриши, ҳатто ўзи билан
тупроққа олиб кетиши ҳам мумкин эди.

Энди у тоқат қилолмади. «Тирик топишганларни мен
нега яна айирар эканман, менга ҳам, унга ҳам бўла-
ди-ку», деди.

Макар Афанасьевичга узоқ тикилиб тургач:

— Янглишмапсиз, Макар Афанасьевич, сира ян-
глишмапсиз, худди қизингининг ўзини топибсиз,— де-
ди. Бу гапни Макар Афанасьевич дастлаб ўзига айти-
лаётган юпатиқ деб тушунди, кейин асл мазмунини
пайқаб, Парпи отага жиддийроқ тикилди, ғалати кул-
ди. Ҳазилга йўйиб:

— Ҳа, топдим, топдим,— деди, лаби ёйилди.

Парпи ота жиддий далилларга ўтди.

— Йўқ, ҳазил эмас, ростини айтяпман. Нафиса
сизнинг қизингиз бўлса керак.

Бу гапга энди Макар Афанасьевич ўзини йўқотиб
қўйди.

— Нима деяпсиз?! Наҳотки??.— у анча вақтгача
Парпи отанинг кўзига тикилганча бақрайиб турди. Ота
далилларни олдин-кетин аниқ-аниқ қилиб айтганидан
кейин Макар Афанасьевич эси оғиб туриб қолди.
Кейин ўзини тутолмай, қичқириб юборди. Парпи
отани қучоқлаб юз-кўзларидан, оппоқ соқолларидан
ўпди.

— Биринчи марта кўрганимдаёқ юрагим сезган-
ди!— У «қизим, қизим», дер, ҳовлига чиқиб, қизи са-
ри чопишни ҳам унутиб, уйда гир-гир айланар эди.

Уни кўриб Парпи отанинг кўзларида ҳам ёш мил-
тирар, атрофга аланглаб:

— Хаҳ, қизим тушмагур, қаёқда қолиб кетти тағина, қани ўзи? Нега изма-из келмади-я,— дерди. У деразадан қаради, касалхона томондан чиқиб, буёққа томон келаётган Нафисага кўзи тушди. Макар Афанасьевич:

— Узимнинг Надям экансан-у, бағримда экансан-у,— дея эшикдан чиқиб, гўдакдек тайтанглаб унга томон талпинди.

Парпи ота ҳам:

— Асал қизим, шакар қизим, бу ерда асл отангни топиб, бағринг тўлган экан, шунинг учун она қорнида юргандек юрар экансан,— деб унинг ортидан ташқарига эргашди...

6.

Умиднинг яраси унча оғир эмас эди. Уша кун и эрталабоқ у врачларнинг рухсати билан туриб ўтирди, эртасига бемалол ўрнидан туриб юрди. Буни кўриб, Жўрабой аканинг ҳам, Макар Афанасьевич ва Нодирларнинг ҳам кўнгли тинчиди. Йигитнинг ёнида Нафиса қолди. Парпи отанинг келганини эшитиб, Нафиса ҳам беҳад суюнганди. У икки отани уйга кузатиб, қандайдир иш билан Умиднинг олдида бир оз туриб қолганди. Иккови ташқаридаги скамейкага чиқиб ўтирди. Нафиса бу кўнгилисизлик учун ўзини айбли деб ҳис қиларди.

— Зикир билан Маъдини милиционерлар станциядан тутиб келишибди,— деди.

— Энди ҳақиқий қопқонга тушибди-да,— деди бош ликиллаиб Умид.— Терговчи ҳали менинг олдимга ҳам келиб кетди.

Нафиса ердан бошини кўтармасди.

— Ярамаслар, шу даражага етган-а,— деди бошини чайқаб.— Лекин, нимага бунақа қилишди, ҳеч тушуна олмайман-да?

— Қоработир бўлмоқчи бўлишган,— жиддий гапни ҳазилга йўйди Умид. Нафиса унинг гапи тагидаги кинояни ҳам, ҳазилни ҳам тушунди, қизариб ерга қаради. У ўз қилмишларини эслаб, уяларди ҳам...

— Қоработир бўлмай ўлсин,— деди зўрға ва маъюс кулимсиради. Кўзлари эса зимдан Умидга тикилар, кўкраклари тез-тез кўтарилиб тушарди. У Умиднинг шу бир оғиз гапиданоқ нималар демоқчи бўлганини, унинг таги қаерга бориб тақалишини яхши биллиб олганди.

— Кечиринг, мендан кўп гўрлик ўтди,— деди Нафиса.— Лекин мен ўшанда сизнинг олдингизга кетаётган эдим.

— Ахир менинг олдимга келишингизни билар эдим,— деди Умид.

Улар қалбларигагина очиқ-ойдин айтишмас, аммо ўша қишлоқ мағазини олдида тиллари тутилишиб, гўлдирашганида қалбларини тўғри англагандек, ҳозир ҳам бир-бирларининг дилларидан ўтаётганини яхши тушуниб туришарди.

Умид қизнинг кўзларига икки-уч марта узоқ-узоқ тикилди.

Қиз ҳам унга сирли табассум билан термилди.

Улар икки отанинг уйдаги ҳаяжон ва тўлқинларидан беҳабар эдилар.

Шу орада врачлар Умидни ичкарига чақириб олиб кириб кетдилар. Нафиса Макар Афанасьевичнинг уйига қайтди. У узоқданоқ икки отанинг ўзига томон алпанг-талпанг қадам ташлаб келишаётганини кўрди. Эсига дарров, Макар Афанасьевичнинг тунов кунги гаплари, отасининг қидириш ниятлари тушди. Юраги эса гупиллаб урар, ўзи ҳам оталарга томон беихтиёр талпиниб борарди...

Макар Афанасьевич Уктамхон опага телеграмма бериб, зудлик билан Янгиерга етиб келишини айтди. Бехосдан келган хабар сабабига тушунолмаган она дастлаб ҳаяжонга тушиб қолди. «Нима ган, нега бундай чақиришди, ўзи тинчликмикин», дерди юраги ҳовлиқиб.

У телеграмма олган куниёқ, шошиб йўлга чиқди.

Кун тушдан оғганда Янгиерга кириб келди. У шаҳарда кимга дуч келса ҳам ҳамманинг юзида ғалати бир ҳаяжонни кўрар, «жуда ажойиб иш бўлибди-да, юраклари сезганини қара»,— деган бир хил гапни эшитарди.

Уғлининг ётоғини унинг хатида айтилган адрес бўйича тусмоллаб топиб борди.

Уйнинг эшиги ланг очиқ эди. Ичкарида ҳам ҳеч ким йўқ. Қаравотлардаги ўринларнинг баъзиси йиғилган, баъзилари ёйиқ. Умиднинг каравотини кўрпа-ёстиқларидан таниди.

Қаравотнинг бир четига ўтирди. У ҳеч нарсага тушунмасди. «Нега чақиришди? Нега уйда ҳеч ким йўқ?» — Она қўлидаги юкларини бир четга қўйиб, ташқарига чиқди. Катта кўча томондан шошиб келаётган Нодирга кўзи тушди.

— Нодир!

Нодир турган ерида қотиб қолди.

— Уктам опа, хавотир олманг, у тузук, — деди тўсатдан Нодир. Уктам опа кўкрагини ушлаганича эшик кесақисига суянди:

— Нима, нима деясан ўзи? — деди у. — Умидга бир нима бўлдимми?

Нодир Уктам опанинг ҳали Умид ҳақида ҳеч нарса билмаслигини, у ҳозир келиб турганини пайқади. Илдам одимлаб, унинг ёнига келди, ичкарига киришди.

Нодир ҳамма гапни айтиб берди. Зикирларнинг кирдикорини ҳам, Нафиса Макар Афанасьевичнинг қизи бўлиб чиққанини ҳам айтди.

— Нималар деяпсан?!— ҳаяжондан ўзини тутолмай қолди она.

Уктам опа Нодир гапининг охирига етказишини кутиб ўтиролмади. Сапчиб ўрнидан турди.

— Қаерда у, ҳозир қаерда у?— дерди онанинг нафаси тикилиб.

— Умид бугун касалхонадан чиқади, ҳамма унинг олдида.

Она Нодирнинг олдига тушиб, парпарондек чопиб кетди. У қандай қилиб қадам босаётганини сезмаётганга ўхшар эди.

Умидни аллақачоноқ Макар Афанасьевичнинг уйига олиб кетишган экан. Нодир онани ҳам у томонга бошлади...

Макар Афанасьевич узоқдан Уктам опани кўриб, ҳузурига чопди. Шодлик, хурсандчилик кишини яшартириб юборади деганлари рост экан. У бардам ва тетик эди. Кўзлари ҳам кулар эди.

У Уктам опанинг кўзларида ёш йилтираётганини кўриб, деди:

— Нега хафа бўласиз, болаларимизнинг қаноти темирдан, уни ҳеч ким синдиролмайди, деганман-у,— у онани қўлтиқлаб ичкарига бошлади. Ҳозир буларнинг ниҳоясиз қувончларини тасвирлаш учун сўз топиш қийин эди...

ХОТИМА УРНИДА

Юқоридаги воқеалардан кейин орадан кўп ўтгани ҳам йўқ экан. Биз хизмат билан Янгиерга бориб қолдик. Ҳамма Умид ва Нафисалар ҳақида гапирар, ажойиб воқеа бўлди-да, дейишарди. Чойхонада бирга чой ичишар эканмиз, Жўрабой ака бўлган барча сиру синоатларни гапириб берди:

— Уруш айиради, тинчлик топиштиради, қувонтиради,— дерди у кулиб.

Янгиер қандайдир катта бир қувонч тўлқинида сузар эди. Биз ҳам унинг тўлқинида янги кун тонги уфқлари оқаргунча тебрандик...

Ушбу қиссанинг ёзилишига ҳам қалблар қувончи сабаб бўлди.

1961 йил, февраль — июль.



ҚАЛЬ ХОТИРАСИ

Ҳажвий ҳикоялар



Самарқандлик журналист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият, ходими ҲОЖИҚУРБОН ҲАМИДОВ (1937-1975) ҳаётдан ёш кетди. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битиргач, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасида ишлади. Аспирантурада таҳсил кўриб, Самарқанд Давлат университети ва қишлоқ хўжалик институтида фалсафадан дарс берди. Шунингдек, Самарқанд область партия комитетида, область «Ленин йўли» газетасида ишлади. Ҳаётининг сўнгги пайтларида Ўзбекистон Езувчилар союзи Самарқанд область бўлимини бошқарди.

Ҳожиқурбон Совет турмуш тарзига халақит қилаётган сарқит ва иллатларга нисбатан мурасасиз эди. Бу қуйида Сиз ўқийдиган ҳажвий ҳикояларида ҳам яққол кўриниб турибди.



ФАЛСАФАНИНГ БАҲОСИ...

Маҳмуджон Нурмат ўғли ёш фан кандидати эмасми, чарчаш нималигини билмайди. Дарси тугагандан кейин ҳам институтда қолиб, у-бу юмушларга ёрдамлашади. Ҳали қўшимча лекция ўқишга таклиф этиб қолишади уни, ҳали конференцияда сўзга чиқишини айтишади, ҳали газетага мақола ёзиши керак...

Шунча ишлардан кейин ҳам кечалари фалсафа намоёндаларининг асарларини мутолаа қилиб, дам олади. Бугун ҳам Форобийнинг «Фанларнинг келиб чиқиши» деган китобини ўқиб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди. Ким бўлди экан, бемаҳалда? Бу андак малол

келишга сабаб бўлса-да, Маҳмуджон шошилмай эшик-ни очди.

— Қани, марҳамат!

Хонага ўрта бўй, семизроқ бир йигит дадил кириб келди. Йигит ўз студентларидан бири эди.

— Бир илтимос билан келувдим, домла,— сўз бошлади у салом-аликни ҳам унутиб.— Жуда қийналиб кетдим, бир ёрдам қилсангиз.

Студентнинг «қийналиб кетдим» дейиши Нурмат ўғлини ўйлантириб қўйди. «Нима бўлди экан, бечорага? Бошига бирон кулфат тушдимикан?»

— Хўш, бир четдан гапиринг-чи,— деди у йигитга бир пиёла совуқ чой узатаркан.

— Бир ёрдам қиласиз-да, домла...

— Хўш...

— Шу Раҳимов домлага айтсангиз...

— Нимани?

— Раҳимов домла тузатиб берсалар...

— Нимани?..

— Энди бир илтимос-да, домлажон.

— Нимани тузатиб берсинлар?

— Диаматдан «икки» олгандим, шуни «уч»га тузатсалар.

— Ҳаммаси шуми?

— Ҳа, шу.

— Бошқа гапирингиз йўқми?

— Йўқ, шугина, домлажон.

— Салгина иш экан-ку, — ҳазиллашди Нурмат ўғли.— Хотиржам бўлинг, айтаман.

— Раҳмат-э, домлажон.

— Ҳа, айтаман... Аммо яхшилаб тайёрланиб келинг. Дарсликни, конспектни қайта-қайта ўқинг, тушунмасангиз келинг, саволларингизга биргаллашиб жавоб топамиз. Ундан кейин топшириб юборасиз. Шундай, яхшилаб ўқиб келинг, ука. Айтгандай, фамилиянгиз нима эди?

- Азимбой Олимов.
- Ана шундай, Азимбой.

Студент домланинг «айтаман» деганига «иш пиши» деб хурсанд бўлганди, энди тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашиб, ўрнидан турди. Индамай бориб, эшик дастасидан ушлади, кейин Нурмат ўғлига қараб, секин шивирлади:

— Рози қиламан, домла.

— Шу гапни боядан бери айтмайсизми,— деди Нурмат ўғли сохта табассум билан.— Хўш, қандай рози қиласиз?

Студентнинг юзига яна қон югурди. У анча тетиклашди. Энди ишим битди, деб кўнглидан ўтказди-ю, қўлтиқ чўнтагидан тахлаб қўйилган ўн сўмликларни олди:

— Мана,— деди у голибона қараш қилиб.

Нурмат ўғли бўш келмади:

— Бу оз.

Студент яна бир нечта ўн сўмликни олди.

— Оз.

— Энди домлажон, бошқа йўқ эди-да, буёғига қарздорман.

— Бу оз. Фалсафанинг баҳоси жуда қиммат, ука.

— Утинаман, домла! Рози бўлақолинг.

— Оз.

— Хўп, майли, эртага яна олиб келаман.

Студент чиқиб кетди. Эртасига студентлар орасида «Азимбой институтдан ҳайдалибди», деган гап тарқалди.

ЕЗИШ УЧУН МАВЗУ

Газета редактори билимдон олим деб ном қозонган Юсуф Асқаровни ҳузурига таклиф қилди. Олимага тамаки чекишнинг зарари тўғрисида мақола буюрмоқчи эди. Аммо Асқаров редакторнинг мақсадини охиригача эшитмай, гапини оғзидан олди:

— Ун уч ёшлигидан симфония ёза бошлаган Мо-
цартнинг юбилейи яқинлашаяпти. Шунга ҳам мақола
керак-ми? А лаббай? Архив материаллари бор ўзимда.

— Йўқ, у мавзуда қўлимизда материал бор. Биз-
га...

Асқаров яна редакторга сўз бермади:

— Бўлмаса, қишлоқ хўжалиги зараркундаларига
қарши кураш деган темада мақола керакдир?

— Нималар деяпсиз, ахир ҳозир қиш-ку.

— Бўлмаса яқинда бир янги асар, ҳақ автори, но-
ми нимаямиди... Ушанга рецензия ёзиб берайми?

— Йўқ, ҳалиги...

— Э-ҳа, фикрингизни уқдим. Норберт Виннер —
кибернетика асосчиси. Ажойиб тема! Узоқни кўра
оладиган редакторнинг садагаси кетсанг арзийди.
Бажонидил ёзаман.

Редактор унинг ўз билимдонлигини кўрсатиб қўйиш
учун бир-биридан узоқ бўлган: музика, қишлоқ хў-
жалиги, кибернетика, адабиётшунослик каби темалар-
дан мақола ёзишга тайёр турганлигидан энсаси қот-
ди, синамоқчи бўлиб унга шундай деди:

— Философиядаги субъективизм ва семантизмнинг...

Редактор сўзини тугатмасданоқ олим илиб кетди:

— ...реакцион моҳияти! Жуда соз! Сарлавҳаси шун-
дай бўлақолсин. Кеча энциклопедияни варақлаб туриб,
шу сўзга кўзим тушган эди. Буни қаранг-а, фикримиз
уйғунлигини...

Редактор бирданига жиддий тус олди-ю, олимга
топшириқ берди:

— Доно, олим одамнинг камтарлиги, камгаплиги,
нодоннинг мақтанчоқ ва сергаплиги ҳақида мақола
ёзиш керак.

Олим бу гапнинг мағзини чақмасданоқ:

— Хўп бўлади, фақат қалам ҳаққини кўтариброқ
қўйсангиз, бас,— деди.

Редактор «пиқ» этиб кулиб юборди.

— Шеър ёзишни шундай яхши кўраманки, агар ёзмасан «тарс» ёрилай дейман. Илҳомим шундай тўлиб-тошадики, ёзмасам бир фалокатга йўлиқаманми, дейман...

Кинотеатр фойесида бир йигит шундай сифатларини айта туриб, ўзини таништиради. Бу танишув мени таажжублантирган бўлса-да, нима қилайки, ишонмасликка асосим йўқ эди. Кўринишдан кийиниши дидли, соч тарашлари китобларда кўрганим — шоирларникидай. Адабий сўзларни чертиб-чертиб гапирди.

Кейинчалик у билан тез-тез учрашадиган, тўғрироғи унча-мунчага тушадиган бўлиб қолдим. У ҳар гал ўзининг янги-янги шуҳратларини дастурхон қиларди.

— Индинга бир очерким чиқмоқчи, ёшлар газетасида. Ҳа, айтгандай «бизга ишга кел» дейишяпти. Борсаммикан? Радиодан шеър ўқидим, эшитдингизми?

— Йўқ,— дейман ноқулайлик туйиб.

— Э, радио эшитмас экансиз-да, азизим. Ахир, дунёнинг иши шу битта сизга қараб қоптими? Нима дейсиз, ўтайми?

— Қаёққа?— дейман талмовсираб.

— Анови ёшлар газетасига-да.

— Ўзингиз биласиз.

— Э, қўйинг, ўша ишни, «эркин» ижод яхши. Ҳали «эркинлик» гаштини сурайлик. Кейин бир гап бўлар, азизим. Бунисини эшитинг, ЖСга қабул қилиндим.

— Кечирасиз... ЖС нима ўзи?

— Журналистлар союзи-да. Шуни ҳам билмайсизми? Шоир бўлсам ҳам қабул қилишди, ҳа, азизим, ҳурмат қилишади. Бунинг устига союз каттакони ўзимизга тегиш...

Кутилмаганда мен ҳам унга мақтаниб қўйгим келиб қолди. Уни ишга чақираётган ёшлар газетасида бир мактабдош ўртоғим ишларди. Толиб Салим тахал-

луси билан шеърлари чиқиб турарди. Янги дўстим билан бориб, уни бир йўқлагим келиб қолди.

— Сиззи бир жойга олиб бораман,— дедим унга. Лекин қаерлигини айтмадим.

Редакция биносига боргач, ҳанг-манг бўлиб:

— Бу ер қаер?— деди.

— Нима, ҳазиллашяпсизми, редакция биноси-ку.

— Э-ҳа, буни қаранг. Илҳом чатоқ нарса-да, хаёлли олиб қочади.

Редакцияга кирдик. Салом, бор бўлдан кейин дўстимни шоир деб таништирдим. У бўлса бирдан ўз қиёфасига кирди:

— Салом, азиз дўстим, аҳволлар қалай? Бола-чақалар? Танимаяпсиз шекилли? Мен сизни танийман. Зарари йўқ, танишиб оламиз. Энди фурсатдан фойдаланамиз-да, бир-иккита шеър бор. Жуда яхши чиққан-да ўзиям.

Салим ошнам шеър ёзилган варақни олиб, бир-икки ўқиб чиқди-да:

— Шеърингиз, гапнинг очигини айтсак, ҳали хомроқ...

— Кечирасиз, шоир Толиб Салим яқин дўстим бўлади. У шеърларимни юқори баҳолаган. Ҳа, энди уёгини ўзингиз биласиз-ку, ахир. Толиб Салим билан бордикелдимиз бор. «Сиёб» ресторанида кўп ўтирганмиз.

— Қайси Толиб Салим?— хайрати ошди Салимининг. Кейин тортмасидан газета олиб кўрсатди.— Мана шу шеърнинг авторини айтяпсизми?

— Ҳа-да!

— Уқидингизми бу шеърни?

— О, ўқиганда қандоқ. Ҳар сатри жонон пиёланнинг овозидай. Талантли шоир-да дўстим.

— Қизиқ, Толиб Салим сизнинг дўстингиз. «Сиёб» ресторанида зиёфатингизни еган. Шеърларингизни кўриб беради.

— Худди шундай, азиз, дўстим.

— Унда мен кимман?!

Архив ходимларини биласиз. Намиққан, униққан, янги ва эски ҳужжатлар билан иш кўравериб, оғир табиатли бўлиб қолишади. Ёш бўлишимга қарамай ўзим ҳам шунақароқ бўлиб қолганман. Лекин гап мен ҳақдамас. Сочлари мошгуруч, узун юзли, узун бўйли Зарифжон акам ҳақида. Ажин босган пешонаси остидаги кўкимтир кўзларининг пириллаб туришини ҳисобга олмаганда, Зарифжон акам босиқликда ғирт ҳайкалнинг ўзи. У кишининг олдида беозорликда мусича ҳам ип эшолмайди.

«Кечирасиз, малол келмаса, марҳамат қилиб...» Бирон ишлари тушиб қолса ана шундай ипакдек сўзлар билан мурожаат қиладилар.

«Ҳмм, ҳали шундай денг». Бу азборойи жаҳллари чиққанда айтиладиган гап.

Мабодо ёшларимиз гўзаллардан гап очиб қолса борми, унда Зарифжон акам:

— Биз ёшлигимизда бундай сўзлардан саккиз чақирим наридан юрардик,— дейдилар.

Мана шундай Зарифжон акамиз кутилмаганда ўзгара бошладилар. Сал гапдан қизишиб:

— Ҳей, оғайни, оғзим бор деб гапираверманг. Қўлингизда тегирмон тоши бўлса бошимга ташлаб юборақолинг, — дейдилар.

Гоҳ сал нарсадан очил-очил бўлиб кетадилар:

— Вой, азаматлар-ей, бир ғайрат қилсангиз борми, архивимиз шухрати бутун олам жаҳонга кетади. Биз ёшлигимизда тоғни талқон қилардик, тоғни-я...

— Архив тоғиними?

— Сиз нима деб ўйловдингиз. Архивимиз қайси тоғдан кам?

Зарифжон акамиздаги яна бир ўзгариш маъюсла-ниб, аллақандай бизга нотаниш бўлган куйларни ўзларича хирғойи қилишлари эди.

Пайт пойлаб, бу «буюк» бурилишнинг мантиқий сабабларини билиб олишга қасд қилдик. Мен, маҳмаданароқ эмасманми, гап очдим:

— Нотинчроқ, бехаловатроқ кўринасиз, Зарифжон ака?

— Нима десам экан? Сизга айтсам...

— Хўш?

— Севиб қолдим.

Э, буни қаранг, акамизнинг сўққа бошликлари ҳам эсимиздан чиқиб кетибди. Биз у кишининг туриш-турмуши архивлашиб кетган, деб юрардик. Шунинг учун:

— Йў-ге, — деб юборибман.

— Ҳазил эмас, кечалари уйқум келмайди, укажон.

— Нима?

— Ҳа, бутунлай хаёлим, эс-ҳушим ўшанда.

— Ким экан ўзи у?

— Э, уни тасвирлаш қийин. Кундай ёруғ, сутдек оқ, қошлари зулук, кўзлари шахло...

Қулоқларимга ишонмасдим. Бизнинг акамиз шу гапларни айтяптими?

— Мажнун бўлиб кетинг-э...

— Мажнун ҳам севган бўлса менчалик севгандир, ука. Оҳ, у...

Акамизнинг кўзлари ёнарди, юзлари нурланарди. Пешонасидаги ажинлари ҳам таранглашиб йўқолгандек. Мош-гурунч сочлари ҳам ўзига ярашгандек...

Э, муҳаббат, қудратингдан! Кеч бўлса ҳам ҳар бир қалбга бир қиё боқиб ўт!

ТАРСАҚИ

...Бугун ҳам Регистон майдонидаги чойхонада одам кўп. Биров мендай қаламкашга хос хаёл суриб ўтирибди, биров улфати билан юракдан суҳбатга берилган. Онда-сонда чойхонанинг бир бурчагида ўтирган аския-

бозларнинг кулгилари шарақлаб, кўкка ўрлайди. Шу вақт ён томондан қарс этган тарсаки овози эшитилди. Қарасам, ёши бир жойга бориб қолган, соч-соқоллари оппоқ бир кекса ёнидаги суҳбатдошини емоқда-ичмоқда бўлиб:

— Аблаҳ экансан-ку, беномус! Тур, йўқол, йўқол, аҳмоқ!— дерди.

Тарсаки еган одам учиб кетган дўпписини қийна-либ ердан олар экан:

— Ҳе, мулла Шукур, мен ахир, Ҳақимжонни...— деди.

— Оғзингни юм, имонсиз!— яна хезланарди муштуми зўр чол. Тарсаки еган чол кўзларини пирпиратиб, боладек йўрғалаб жўнаб қолди.

Тавба, чолларам уришишар экан-да. Мулла Шукур бобо-ку, ёпирай, шу одам бировга қўл кўтарса-я. Нима жонидан ўтдийкин?

Чойхўрлар бир қочиб қолганга, бир тарсакини уриб, туриб қолганга қарардилар. Мен Мулла Шукур отанинг ёнига аста сурилдим:

— Шукур ота, тинчликми?

— Аблаҳ дегани ана шунақа бўлади, ука,— ҳирқи-ради чол.

— Нима бўлди ўзи?

— Э, сўрамай қўяқолинг... Бунинг тарихи анча... Ёш эдик унда. Қаёққа буксалар шу ёққа эгилардик. Уйланган эдим. Хотинларни очил-очил пайти. Хотиним паранжида келин бўлиб тушди. Кўчага паранжисиз чиқди. Узим ризолик бердим. Уни маҳалла активлигига олишди. Баҳор эди ўшанда. Уйда эдим. Эшик тақиллаб, бировнинг овози эшитилди:

— Мулло Шукур, хў мулло Шукур.

Чиксам, остонада домла Умар турарди.

— Мен бўтам, мен. Сизга дўст бўлганим муқаддас бўлмиш дину диёнатимизга садоқатли қул эканлигимиздан... Бу келинни нимага очдингиз?

— Ҳа, энди замон,— дедим чайналиб.
— Сизга айтсам, хотин билан шайтоннинг ораси бир қадам. Сочи узун, ақли қисқа, дейдилар бу жинсларни,— деди.

— Нима демоқчисиз?— деб сўрадим.

— Кўчада хотинингизни кўрдим.

Мен «сал гап экан-ку» деб бепарволик билан:

— Хўш, нима бўлибди, митингга бориши керак эди,— дедим.

— Ёш хотин-а?— деди кўзлари чақчайиб.

— Нима қипти?— дедим.

— Кеча Абром бульваридида кўриб эдим бир йигит билан. Бугунам ўша йигит билан кўрдим. Хотинни бунақа кўчага ташлаб қўймаслик керак. Ор-номусинг борми ўзи?

Домла кетди. Уйланиб қолдим. «Хотиним митингга деб бошқа жойга борибди, шекилли. Бўлмаса бир мўйсафид шу гап билан уйимга келармиди», деб феълим бузилди. Бироқ хотинимга ишонардим. Лекин, гап ёмон нарса-да. Уйга сизмай чойхонага чиқдим. Чой-хўрлар менга галати қараб қўйишди денг. Маҳалланинг оғзи катталаридан бири Али Саид нима дейди денг:

— Ҳа, мулла Шукур, кўчани хотинга бериб, ўзингиз уй қизи бўлиб олдингизми? Кам кўринасиз.

Тушундим, домланинг совуқ нафаси бу ерни ҳам искаб ўтган эди.

— Уйлаброқ гапир, ифлос, бўлмаса оғзингни йиртаман!— дедим.

— Полвонни кўринглар. Хотинига кучи етмай, йўрғалатиб қўйибти-ю, менинг оғзимни йиртармиш... ҳи-ҳи...

Ўрнимдан туриб, Али Саидни бир мушт билан ер тишлатдим. Уйга қайтиб хотинимни ўласи қилиб урдим. Қасалхонага олиб кетишди. Суд бўлиб кесилиб

кетдим. Ушандан бери сўққабосман. Бошқа хотин кўнглимга сиғмади.

— Қизиқ, наҳотки, ҳалиги одам домла Умар бўлса. У аллақачон ўлиб кетган бўлиши керакмасми?

— У эмас, ўшанинг нусхаси, ифвогар аҳмоқ. Фалончининг хотини ундай, писмадончининг қизи бундай, деб ғийбат қиляпти денг. Кўзимга ўша Умар кўриниб кетди-ю, тарсаки тортиб юбордим. Нима қилай, асаб, асаб...

Мен индамадим. Бироқ: жуда ҳам ўринли тарсаки экан, Шукур ота, бунақаларга бир тарсаки оз, дегим келди.

ЗИЛЗИЛА

Зилзила—ҳаракатнинг етилиши, фавқулодда бақувват кучларнинг тўқнашуви, туғғени, портлаши, янги-ланиши эмиш.

...1966 йилнинг 26 апрелига ўтар оқшоми. Май яқинлашиб қолган бўлса ҳам, ҳаво ҳали анча салқин. Тошкент кўчаларида одам сийрак. Лекин марказдаги «Чучвара» қаҳвахонаси одатдагидек гавжум, шовқинли.

Доктор Зафар Умаров ҳам ошнаси Аҳроп билан қаҳвахонага кириб келди. Бўш курсиларга ўтиришди. Уларнинг ёнида кўзлари қосасига кириб кетган, қиррабурун, тор пешона, қалин қошлари бир-бирига тутшиб кетган бир йиғит ўтирарди. У сигарет чекар, тутунини рўпарасида ўтирган нозиккина қизга атайлаб пуфларди. Қиз нима қилишини билмас, афтидан бир нима дейишга қўрқарди.

Зафар билан овқатланишга кирган Аҳропнинг текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бир хил қилиқлари бор эди. Бир куни кўчада милиционерни тўхта-тиб, нега соқолингизни олмай юрибсиз, деб танбеҳ берган эди. Ошхонага кириши биланоқ зал мудирини

суриштиради. Кўпинча ўзига ёқинқирамаган кишига ўқрайиб қараб қўяди. Баъзан баланддан келганга «ху, маҳмадона, жим ўтир, бўлмаса, элтиб қўяман жойингга», дейди. Бироқ ҳозир нимагадир рўпарадаги тавиянинг қилиқларига чидаб ўтирарди. Йўқ, охири Аҳрорнинг тоқати тоқ бўлди:

— Ҳой, тирмизак,— деди у,— ўтиргани қўясанми йўқ. Ё чиққан жойингга обориб қўяйми?

— Ие, Озодчик, акам нима деяптилар,— деб нарида ўтирган яна биттаси гиж-гижлади.

Озодчик бир оз тинчлангандай бўлди.

Аҳрор таъсир ўтказа олганидан керилиб ўтирди.

Зафар билан Аҳрор овқатланиб бўлишгач, кўчага чиқишди. Тўсатдан қаршиларида Озод пайдо бўлди.

— Қўлимга тушдингми, мана энди чиққан жойимга обориб қўй.

Кутилмаганда Аҳрор ура қочиб қолди. Озоднинг мушти Аҳрорнинг ўрнига Зафарга тушди.

Зафар ўзини тутиб олди. Озодчик қарши ҳужумни кутиб, хезланарди.

— Ҳаддингдан ошма, бола, мен урсам тил тортмай ўласан, қонимни қайнатма,— деди.

Озодчик бу гапни ўзича тушунди-да, қоронгилик ичига шўнғиб, йўқолди.

Зафар мушт тушган жойни силай-силаё «насиба экан-да», деб касалхонага навбатчиликка кетди. Аҳрорни ўйлаб «қуруғ-е» деб қўйди.

Шу кеча тонг палласи Тошкентда зилзила бўлди. Ҳамма оёққа турди. Айниқса, медицина ходимларига иш кўпайди.

Зафар ишлаётган шифохонага ҳам шикастланганларни олиб келишди. Тақдирни қарангки, шикастланганлар орасида Зафарга мушт туширган Озод ҳам бор эди. Беморни кузатиб келган ёшгина ҳамширанинг айтишича, бу йигит уларнинг маҳалласидан. Ишининг тайини йўқ. Ҳовли девори оёғини босиб қопти.

Касалнинг оёғи дарров рентгентда кўрилди. Гипсга солишди. У тушга яқин ҳушига келди. Унинг Зафарга кўзи тушиши билан:

— Эээ,— деб бақрайиб қолди.

— Хотиржам бўлинг. Утган ишга саловат. Ҳаёт шунақа... Қасбимиз шунақа. Мушт туширганниям, чалиб «йиқитганниям» даъволаймиз,— деди самимий кулиб.

Кунлар кетидан кунлар ўтди, зилзила шов-шуви оламни тутди. Ҳашарчилар келишди. 5 май куни эса мислсиз кучли тўфон бўлди. Шамол симёғочлар, дарахтларни йиқитар, уйларнинг тунука томларини учириб юборар, осмонни чанг-тўзон қоплаб олганди. Шифохона ҳовлисидаги бир-икки дарахтни ҳам йиқитиб кетди. Аммо Озоднинг оёғи ҳеч тузалмас, оғриғи кундан-кунга кучайиб борар, оғриқни босадиган дори ич-маса туролмайдиган бўлиб қолди.

«Илжайгани билан ўша кунги мушт учун ўчини олаяпти дўхтур», дея кўнглидан ўтказди Озод. Шу пайт палата эшиги очилиб, докторлар кириб келишди. Улар Озоднинг касаллик тарихини қайта-қайта варақлаб кўришди, оёғини, юрак уришини, нафас олишини яна бир марта текшириб кўришди. Профессор рентгент суратларини қуёш нурига тутиб кўрди-да, «ампутация» деди. Ҳаммалари қандай тўсатдан келишган бўлса, шундай ногаҳон чиқиб кетишди. Озод «ампутация»си нима экан деб ўйланиб қолди. Ҳамшира дориларни олиб келганда:

— Профессор оёғингизни кесишни тавсия этди. Қариндош-уруғларингиз билан маслаҳатлашиб кўринг,— деди-да, илова қилди,— кестирмасангиз, тузалмайсиз. Оёғингиз чирийди.

Озод бу гапни эшитар экан, ҳолдан тойди. Бу қандай кўргилик? Наҳотки, операциясиз тузатишнинг иложи бўлмаса? Кесиш! Бу Зафар Умаровнинг иши. У атайин шундай қилаяпти. Ноинсоф, бир мушт учун

битта оёқни кесиб ташлайдими? Одамлар нега бир-бирига бунчалик ўчақишади? Ахир, нега улар раҳм-шафқат, меҳрибонлик, одамгарчиликни унутадилар?! Нега?

Озоднинг калласига бунақа фикрлар биринчи бор келиши эди. Пичоқ бориб суякка қадалган эди-да. «Хўш,— яна ўйланиб кетди у,— ўзим нимага одамларни алдашга, уларга озор етказишга уриндим. Кўчамакўча санқиб муштлашишлар, ичкиликбозлик оқибатида бирон кишидан ҳам яхши сўз эшитмайдиган бўлдим-ку. Одамларнинг гашига тегдим, уларга нуқул озор бердим. Мана энди улар мендан ўч олишаяпти. Оёғимни кесишади». Шунини ўйлаб Озод йиғлаб юборди...

Бир-икки кундан сўнг Умаров, доцент Шокиров ва яна икки-уч киши келиб, Озодни палатадан бошқа хонага олиб ўтдилар. Бир қиз чойшабнинг учи билан Озоднинг юзини ёпиб турди. Сўнгра устма-уст бир-икки укол қилишди. Кейин оғриқни сезмай қолди. Яна палатага олиб келдилар. Қараса оёғи турибди, қайтадан гипс қилишибди. «Нима бало, бу Умаров энди мени чиритиб ўлдирмоқчимми», кўнглидан ўтказди Озод.

Шу куни кечқурун унга одатдаги дорилардан ташқари мумни эслатадиган мошдай дори беришди. Юмшоқ. Шоколаддан хирароқ, аллақандай ҳиди бор. Қўланса эмас, аммо ёқимли деб ҳам бўлмайди. Унга тоза, табиий асал билан истеъмол қилишни буюришди. Мўмиё деганлари шу экан. Роса ўн бир кун шу доридан қабул қилди. Оёғи ҳам тузала борди. Мўмиё куч ҳам берарди унга, ўттиз кун деганда қўлтиқтаёқларини ташлаб, фақат битта ҳасса билан шифохонадан чиқди. Кетиш олдидан ҳамширага:

— Оёғингизни кесишади, деган эдингиз, мана, хайрият, кесишмади,— деди.

— Зафар акамдан миннатдор бўлинг, у киши бўлмаганда оёғингиздан ажралиб қолардингиз.

— Қандай?

— Қандай бўларди, профессор «ампутация қиламиз» деганда, Зафар акам йўқ деди. Улар оёғингизни синигини текислаб, қайтадан гипсга ётқизамиз-у, янги усул билан даволаб кўрамиз, мўмиё ҳам берамиз, дедилар. Бахтингиз бор экан.

Бу гап Озодни ҳанг-манг қилиб қўйди. Яна у, ўч олар, деб қўрқиб юрибди. Одам ҳам шунчалик меҳрибон бўладими. Шифохонадан ўз оёғи билан чиқиб кетар экан, унинг кўзига кўчада кетаётган одамлар ҳам, машиналар ҳам, дарахтлар ҳам азиз ва меҳрибон бўлиб кўринарди гўё. Қуёш нурида товланиб енгилгина шабадада секин қимираётган япроқлар эса унга шодлигидан қарсак чалаётгандай туюларди. «Мен ҳам шулардай бўлишим керак!»— кўнглидан ўтказди у...

Зилзила— ҳаракатларнинг етилиши, фавқулодда бақувват кучларнинг тўқнашуви, тугёни, портлаши, янгиланиши эмиш...



МУНДАРИЖА

Ш. Ғуломов. Ёрқин уфқлар. Қисса . . .	5
Ҳ. Ҳамидов. Қалб хотираси. Ҳажвий ҳикоялар	140

Ғуломов, Шотурсун, Ҳамидов, Ҳожиқурбон.

F 79 Ёрқин уфқлар: Қисса (Ш. Ғуломов, Қалб хоти-
раси, Ҳ. Ҳамидов. Ҳажвий ҳикоялар). Т.: «Ёш гвар-
дия», 1987.—160 б.

Ғулямов Ш. Яркий горизонт. Повесть. Ҳами-
дов Х. Память сердца. Юмористические рассказы.

На узбекском языке

Шатурсун Гулямов

ЯРКИЙ ГОРИЗОНТ

Повесть

Хаджикурбан Хамидов

ПАМЯТЬ СЕРДЦА

Юмористические рассказы

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1987

Тақризчи **Н. РАҲМАТОВ**

Редакторлар **Э. Маликов, Ш. Туроб**

Рассом **Ф. Шокиров**

Расмлар редактори **Ҳ. Раҳматуллаев**

Техн. редактор **В. Демченко**

Корректор **М. Набиева**

ИБ № 2036.

Босмахонага берилди 7.07.86. Босишга рухсат этилди 11.12.86. Р 04153. Формати 70×108^{1/32}. № 3 босма қоғозига литературная гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 5,0. Шартли босма листи 7,0. Шартли кр. отт. 7,35. Нашр листи 6,88. Тиражи 15000. Шартнома 89—86. Заказ № 4795. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, Ленин кўчаси, 41.

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ЁШ ГВАРДИЯ»
НАШРИЁТИ 1987 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
НАШРДАН ЧИҚАРАДИ:**

Қаҳҳорова К
Чорак аср ҳамнафас.
Хотиралар.

Тоҳир Малик.
Қалдирғоч.
Қисса.

Тўплам.
Само тулпори.
Ўзбек халқ фантастик эртаклари.

Обручев В.
Плутония.
Илмий-фантастик роман.

Мўминов О.
Чорраҳадаги уч учрашув.
Фантастик ҳикоялар.